

АСОТИРЛАР ВА РИВОЯТЛАР

I КИТОБ

ТЎПЛАБ, НАШРГА ТАЙЁРЛОВЧИЛАР

МАЛИК МУРОДОВ, МУҲАРРАМ ШАЙХОВА

**Тошкент
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Ёш гвардия» нашриёти
1990**

У 65

Асотирлар ва ривоятлар. К. I. (Тўплаб нашрга тайёрловчилар М. Муродов, М. Шайхова)—Т., «Ёш гвардия» 1990. — 128 б.

Маълумки, ўзбек халқ асотирлари фольклор асарларининг алоҳида мустақил жанри сифатида ўз вақтида ёзиб олинмаган ва деярли сақланиб қолмаган. Уларнинг баъзилари эртақлар, афсоналар ва дostonлар таркибида мавжудлиги туфайлигина бизнинг кунларимизгача етиб келган. Қўлингиздаги китоб асотирларни ривоятлар билан бирга қўшиб алоҳида асарлар сифатида чоп этишга илк уринишлардан бўлиб, улар халқимизнинг бой маънавий меросининг ажойиб ва ёрқин намуналари эканлигини исботловчи дастур бўлиб хизмат қилади, деган умиддамиз.

Узбекские мифы и легенды. Кн. 1.

ББК 82.3Уз

4702570200—103

С $\frac{\quad}{\quad}$ 61—90

356(04)—90

ISBN 5—633—00443—4

© Тўплам, Асотирлар ва ривоятлар, 1990

ИТ



адим-қадим замонларда Даққиюнус номли подшоҳ бўлиб, у ниҳоятда золим экан. Эл улусни эзишни ва хўрлашни ҳаддан зиёд ошириб юборган экан. Даққиюнуснинг кўз кўриб қулоқ эшитмаган зулм ва зўрлигидан тўйиб кетган етти нафар киши шаҳардан чиқиб кетибди. Улар юриб-юриб бир тоққа бориб қолишибди. Йўлда уларга бир чўпон олапар ити билан қўшилиб олган экан. Олло-таоллунинг каромати билан еттовлон, чўпон, ити уч юз йил шу тоғдаги ғорда яшашибди. Айтишларича, қиёмат куни шу итга одам териси бахш этилиб, у тамомила инсонга айланармиш. Чунки у ҳам одамлар қаторида одамлардек яшаб, ҳатто уларни вақти келса боқиб, вақти келса касалларига қараб, дўстларидан огоҳлантириб, душманлардан сақлаб, асраган эмиш-да...

ПАРИ



улаймон пайғамбар париларидан бирига ғазаб қилиб, девлардан бирига уни дунёнинг энг олис чеккасига олиб бориб ташлашни буюрибди. Дев парини кўтарганича, пайғамбар айтган манзилни узоқ ахтарибди, охири бир дашту биёбонга қўнибди. Бу ўша замонлардаги Хоразм тупроғи экан. Бироқ дев Сулаймон топшириғини бажарибди-ю, ўзи шу жойда қолишга қа-

рор қилибди, чунки у парини севиб қолган экан. Хоразмликлар ана шу дев ва паридан тарқалган эмиш. Шу сабабдан Хоразмнинг аёллари пари каби гўзал, эркаклари эса бақувват бўлармиш.

КУН БИЛАН ТУН



унёда бир-биридан гўзал, абжир, довюрак фаришталар кўп бўлар экан. Улар ерда ҳам, осмонда ҳар юриб, яхши одамларга яхшилик қилиб, ёмонларга ёмонлик қилишар экан. Фаришталар худонинг қудрати билан ҳатто хайвонлар, олов, шамол, гиёҳлар, юлдузлар, бўрон, булут кабиларнинг ҳам тилига тушушиб, уларни ҳам назорат қилиб туришар эмиш. Айниқса, Кун билан Тун тортишиб туришар эмиш. Улар Қуёшни занжирлаб осмонга чиқишига йўл қўйишмас экан. Кун зўр куч билан ҳар куни фаришталарнинг занжирини узиб чиқар эмиш, улардан хафа бўлиб, олишгани-олишган эмиш. Фаришталар қанчалик зўрлик кўрсатиб, Кунни боғлаб ушлаб туришмасин, барибир у айтган вақтида чиқиб, айтган вақтида уйкуга кетармиш...

ОЙ БИЛАН КУН



ир пайтлар Ой билан Кун эр-хотин бўлишган экан. Улар эр-хотинлик даврларида яхши яшашибди. Турмуш, тирикчилигу одамларга хизмат қилишни ҳам баб-баравар бўлиб олишган экан. Кун кундуз куни ётоғидан чиқиб тирикчилик ғамини ер, одамларга илиқлик улашиб, кеч киргач, уйига ҳориб-чарчаб қайтар экан. Кун кундузи уйига келдими, Ой пиширган-

нетганларини унинг олдига қўйиб, едириб-ичиргандан кейин уйдан чиқиб кетар экан. Қоронғу бўлса одамлар бир-бирларини кўролмай қолишар экан-да! Шунинг учун Ой ҳам кечаси уйдан чиқиб, тунни ёритиб, одамларнинг мушкулени енгиллаштирар экан. Кун билан Ой шундай кун кечираверишибди.

Кундан-кун, ойдан-ой ўтиб, Ой билан Кун фарзанд кўришибди. Отини Юлдуз қўйишибди. Кейинча битта болалари иккита бўлибди, иккита болалари учта бўлибди, учта болалари тўртта бўлибди. Бора-бора шунчалик кўпайиб кетишибдики, санаб саноғига, айтиб адоғига етолмай қолибдилар. Кунлардан бир кун нимаям сабаб бўлиб, эр-хотин уришиб қолишибди. Кун зарда қилибди, Ой аразлабди. Бўлганда болаларига қийин бўлибди. Кун уйдан кетиб қолибди. Оналари Оймомо сал уйкуга кетди дегунча Кун болаларидан бировини олмоқчи бўлармиш-у, Ой билиб қолиб, уни яна тортиб олармиш. «Юлдуз учди, Ой тутди», — деган гап шундан қолган экан.

Ҳозир ҳам Кун болаларини кўрмоқчи бўлиб, Ой уйкуга кетганда уларни олиб қочмоқчи бўлармиш-у, Ой уйғониб кетиб, боласини олиб қолармиш. Кундузи бўлса уларни умуман кўрсатмасмиш...

* * *

Қуёш тоғ орқасидаги уйдан чиқмай турар эмиш. Қачонки, ҳаром-хариш кишилар юзларини ювишмас, ўзларини тозалаб, пок ҳолга келишмаса, уларнинг юзини кўрмайин, деб шундай тоғ орқасида бекиниб турармиш. Одамлар ўрниларидан барвақт туриб, юз-қўлларини ювиб, озода, пок бўлишгач, ана энди одамлар тозаланди, покликка йўл қўйдилар, деб юзини кўрсатармиш-да, уйдан чиқиб, осмону фалакда йўлини давом эттирармиш..

Қадим-қадим замонларда Сурхондарё-Қашқадарёда дин унчалик ривожланмаган экан. Одамлар оловни, сувни, тоғу тошни, от, балиқ, бўрини ўзларига ҳомий, пир деб билиб, уларга сиғинишар экан. Яхшилик бўлса ҳам, ёмонлик бўлса ҳам улардан деб билиб, ҳеч қачон уларга ёмонликни раво кўрмай, аксинча, доимо яхшилик қилиб юришар экан. Кейин-кейин пир, эшон ахтариб қолишибди. Қатағон деган уруғнинг ҳам ўз эшони ё пири йўқ экан. Бундан улар жуда сиқилиб, дардини кимга айтишни билмай юришса, Арабистондан бир малла соч, оқ саллал киши келиб қолибди. Шу араб қатағонларга қараб:

— Мен сизларнинг ҳам эшонларинг, ҳам пирларинг бўламан, — дебди. Аввалига қатағонлар унинг гапига ишонмасдан:

— Йўқ, сен бизнинг эшонимиз ҳам эмассан, пиримиз ҳам эмассан. Сен бир келгинди бўлсанг... — дейишибди. Араб:

— Йўқ, мен сизларга ҳам пир, ҳам эшон бўламан, — деб сўзида қаттиқ туриб олибди. Қатағонлар уни яна тан олишмабди. Араб ҳам бўш келмабди.

Шунда қатағонлар бошлиғи:

— Борди-ю, сен бизларнинг ҳам эшонимиз, ҳам пиримиз бўлсанг синаб кўрамиз. Шу синовдан ўтсанг, майли, сени пир, эшонимиз, деб тан олайлик, — дебди. Бу ган қатағонларга маъқул тушибди. Тезликда ўтин йиғишиб, ундан тоғ уюшибди. Унга олов кўйиб, арабга қараб:

— Қани, шу Олов тўранинг ичига кириб ўлтир, ёнмасанг, яъни Олов тўра сени ўз қаърига олмаса, сени ҳақиқатан, пиримиз, эшонимиз, деб тан оламиз. Борди-ю, Олов тўра сени қаърига олиб, ютиб юборса, ўзингдан кўр, — дейишибди. Пирман, эшонман деган араб: «Ё, карам!» — деб Оловнинг ичига кириб кетибди. Олов

тўра ёнгандан ёниб, алангасини осмону фалакка етказиб, сўнг сўнибди. Қатағонлар қарашса, ўртадаги кул орасида бояги эшонларингман, пирларингман деган араб, кулимсираб ўлтирган эмиш. Олов тўра қанчалик даҳшат солмасин, унга ҳеч таъсир қилмабди. Қатағонлар «эшонимизни топдик, пиримизга эга бўлдик», — дейишиб, суюнишиб, ҳалиги арабни кулдан олиб чиқиб, унга тан беришибди, ўзларига пир, эшон қилиб олишибди.

ШОҲ ВАСИЯТИ



Искандар Зулқарнайн ўлар чоғида яқинларидан бирини чақириб, шундай васият қилибди: «Мени шундай жойга дафн этингларки, инсон оёғи тегмаган бўлсин. Ўшанда минг йилдан кейин авлодларимдан биронтаси бориб чақирса, тирилиб гўрдан чиқаман». Улуғ шоҳнинг бу васиятини бажариш учун жуда кўп ўйлабдилар ва ниҳоят, тоғнинг энг юксак чўққисини танлашибди. Машаққату азоблар билан чўққидан қабр қазиб, Искандарни дафн этибдилар.

Айтилган муддат келгач, бир кимса Искандар қабрига бориб, унинг номини айтиб чақирибди. Бир чақирибди, ўн чақирибди, бироқ, жаҳонгир чиқмасмиш. Аччиғи чиққан чақирувчи: «Э, сен яхши бўлганигда шоҳли Искандар (Искандар Зулқарнайн) бўлармидинг», деб изига қайтмоқчи бўлганида, қабрдан қаҳрли овоз келибди: «Эй, менинг васиятимни бажармаган номард, мени инсон оёғи етмаган жойга қўйинглар десам, нега бажармадинглар? Бу ерга инсон оёғи етибгина қолмай, балки Искандар номли кишиларнинг ўзидан мингта кўмилган экан. Сен ҳар чақирганигда биз, мени чақиряпти, мени чақиряпти, деб жанжаллашиб қолдик. Қачонки, сен Искандар Зулқарнайн деганингдан сўнг мени чақирганингни билдим. Энди эса барибир васиятимни

бажо этмаганликларинг сабабли мен бу ердан чиқа олмайман», — дебди.

Шунда бояги излаб келган киши: «Эй, худо, дунё яралгандан буён бир чўққига фақат Искандардан минги дафн этилган бўлса, бошқалар қанча экан? Демак, инсон дафн этилмаган жой йўқ экан-да», — деб изига қайтибди.

НОН СЕҲРИ



амарқанда бир Али деган камбағал меъмор бўлган экан. У бир-биридан гўзал иморатлар қурар экан-у, усти кийимга, қорни нонга тўймас экан. Кунлардан бир куни Али қаттиқ касалга чалиниб, ётиб қолибди. Табибларга кўрсатибди, шифо топмабди, фолбинларга фол очирибди, бўлмабди, кушночларга қоқтирибди, тузалмабди.

Табиблардан бири Алини ўзи қурган томга олиб чиқишни маслаҳат берибди, у ерда ётса, балки дардига даво топар деган гап қилибди. Алининг дўстлари уни ўзи қурган томга олиб чиқиб қўйишибди. Али у ерда қундузи Осмон билан Кунга, кечаси Ой билан Юлдузга қараб ётаверибди. Кунлардан бир куни шаҳарга қароқчи-ўғрилар бостириб келишибди. Шу шаҳарлик бир косиб Маърифат деган ҳусн-жамолда тенги йўқ қизини улардан қочириб, томга олиб чиқиб қўйибди. Томда касал ётган Алининг димоғига ёқимли ҳид кириб анчамунча енгил торта бошлабди. Бунинг сабаби, Маърифат олиб чиққан қопага онаси билан ўзи ёпган Самарқанд нонидан солинган экан-да! Алига нондан берибди. Нондан еган Алининг кучига куч қўшилиб, касали ҳам шифо топа бошлабди. Маърифатда Алига нисбатан илиқлик пайдо бўлибди. Али ҳам Маърифатга меҳр қўйибди. Бу илиқлик, меҳр бориб-бориб ишқ-муҳаббатга айланибди. Али аста-секин тузала бошлабди. Бу

орада шаҳар қароқчи-ўғрилардан ҳам халос бўлибди. Кейин Али ҳам, Маърифат ҳам томдан тушишибди. Иккови бир-бирини қаттиқ севиб қолишгач, тўй қилиб оила қуришибди. Али қайтадан куч-қувватга кириб, янгидан-янги гўзал, чиройли бинолар қураверибди. Маърифат бўлса бир-биридан чиройли, ширин нонлар ёпаверибди. Алининг бир-биридан яхши биноларининг донғи оламга тарқалган бўлса, Маърифатнинг бир-биридан сертаъм, мазали нонларининг донғи етти иқлимга кетибди. Шундай қилиб, Самарқанд нони икки ёшни бир умрга қовуштириб, тинч-омон ҳаёт таъмин этиб, мурод-мақсадга етказибди. Али ҳозир ҳам кўркам бинолар қураармиш. Ишдан ҳориб-чарчаб келса, Маърифат иссиқ нон билан кутиб олар эмиш. Қуёшдан нусха олган нон Маърифат ва Али қалбини ҳамон бирлаштириб турармиш...

ДОИРА



адим-қадим замонларда бир мамлакатнинг савдогарлари савдо қилиш учун сафарга чиқишибди. Йўллари чўли Маликдан ўтар экан. Йўл юриб, йўл юришса ҳам оз эмас, мўл юришиб, чўли Маликнинг қоқ ўртасига бориб қолишибди.

Бир пайт ғамлаган сувлари тамом бўлиб қолибди. Сувсизликдан бирин-кетин сулайишиб, ётиб қолишибди. Куч-қувватлари кетиб, туриб юришга асло мадорлари қолмабди. Карвонда бир йигит ҳам бор экан. У ўзининг охириги мешидаги сувни сафардошлари оғзига томчилаб-томчилаб қуйибди. Одамлар бир оз ўзларига келишибди-ю, барибир иссиқ ҳамда чанқовдан йўлга туша олишмабди. Шунда бояги йигит ўйлаб-ўйлаб, сувдан бўшаган мешини ёриб, араванинг ғилдирагига таранг қилиб тортибди. Шундан кейин офтобга қаратиб қўйибди. Сўнгра уни така-тумлата бошлабди. Овозига маҳлиё бўлиб қаттиқроқ така-тумлатибди. Бора-бора уни шунчалик ура

бошлабдики, асбобнинг овози бутун чўлни ларзага келтирибди. Ғайритабиий бу овоздан одамлар ҳам ўзларига келиб, ғимирлай бошлашибди. Уларда куч-қувват, хатти-ҳаракат пайдо бўлибди. Овоз бархандан барханга ўтибди, тепаликдан тепаликка кўчибди. Охири шу чўлнинг нариги четида кетаётган бошқа карвондагиларнинг қулоғига етиб борибди. Карвондагилар: «Карвон ҳалокатга учрабди, бўлмаса бунақа овоз чиқармасди. Ёрдамга чақиряпти, бормоқ керак», — деб уларнинг олдиларига етиб боришибди. Сув бериб, фалокатга учраган савдогарларни сақлаб қолишибди-да, савдога бирга олиб кетишибди. Чўлда сувсизликдан ҳалокат ҳолига келган савдогарларни сақлаб қолган нарса доира экан. Шу-шу доира «така-така-тум», «така-така-тум», деб овоз чиқара бошладими, одамларда тетиклик, дадиллик, жасурлик кайфиятлари уйғонаркан.

ЛУҚМОНИ ҲАКИМ



укмони Ҳаким дунёга донғи кетган табиб экан. У одамларнинг дил-дилини, гиёҳларнинг, жамики ҳайвон, жонли-жонсиз мавжудотларнинг тилини ҳам билар экан. Улар хасталанса, дардга чалинса даволар экан. Кунлардан бир куни бир кишининг кўзи қаттиқ оғриб қолибди. У кўзини жуда кўп табибларга кўрсатибди, даво топа олмабди, олиму уламоларга боқтирибди, шифоланмабди. Охири излаб-излаб узоқ бир ўлкада яшовчи Луқмони Ҳаким ҳақида дарак топиб, унинг олдига борибди. Луқмони Ҳаким кўзи оғриган кишининг у ёқ-буёғини кўрган бўлибди-да, оёғига хина қўйишни маслаҳат берибди. Шунда бемор табибга қараб:

— Эй, улуғ Ҳаким, бу нима деганинг, ё мен билан ҳазиллашаяпсанми? Ахир, менинг оёғим оғригани йўқку, унга хина қўйсам. Кўзим оғрияпти, кўз қаёқда-ю,

оёқ қаёқда? — деб хафа бўлибди. Шунда Лукмони Ҳаким беморга шундай дебди:

— Тўғри айтасан, мен ҳам сенинг қаеринг касаллигини кўриб-билиб турибман: сенинг кўзинг оғриган, бизнинг фаҳму фаросатимизга кўра кўзинг бир томири оёқ остида жойлашган. Сенинг ўша жойинг, яъни кўзингнинг оёгинг остига улашган томири шамоллаган. Шунга хина қўйсанг, зора кўзинг тузалиб, асли ҳолига қайтса.

Кўзи оғриган киши Лукмони Ҳаким айтгандай қилиб, оёгининг тагига хина қўйган экан, икки-уч кун ўтмасдан кўзи тузалиб, ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетибди.

ЎШ ҲАҚИДА АФСОНА



анги ота от-сигирларнинг пири, ғамхўр-меҳрибони экан. Занги отанинг мол-холлари кўпайиб, ҳеч қаёққа сиғмай кетибди. Бундай пайтларда унинг сигирларини Қўнғир буқаси бошқарар экан. Вақти-соати келиб, Қўнғир буқа қариб бутун подани бошқариб боришга куч-қуввати етмай қолибди. Ўзи билан ўзи овора бўлиб қолибди. Пода эса ўз ҳолича ўтлаб, олис-олисларга тарқаб кетибди. Бир пайт пода жила-жила боши Фарғонадан ўтиб, Андижондан ҳам ошиб кетибди. Худди шундай пайтда Тошкентнинг шундоққина биқинида истиқомат қилаётган Занги ота қаттиқ овоз билан: «Хўш, хўш», деб ҳайқирган эмиш. Занги ота пирларининг овозини эшитгач, ўтлаб юрган сигирлар: «Қайтмасак бўлмайди, пиримизнинг қарғишларига қоламиз», — деб орқаларига қайтибдилар.

Занги отанинг ҳайқиригини эшитиб, сигирлар қайтган манзил шу-шу «Ўш» деб атала бошлаган эмиш.

АНДИЖОН ҲАҚИДАГИ АФСОНА



оболарнинг айтишларича, Андижон қадимда Андижон бўлмай, аслида «Анда жон», «Анда жоним» дегани экан. Бир пайтлар «Анда жон» жуда катта вилоят бўлиб, аҳолиси ҳам минг-минглаб экан. Унда ўзбеклар, қирғизлар, хитойлар, уйғурлар, тожиклар яшар эканлар.

Андижоннинг ёш, бақувват, адолатли, халқпарвар бир подшоши бор экан. Кунлардан бир куни подшо шаҳар айланиб юриб, катта Шаҳрихон сойи бўйида мажнунтол тагида қўшиқ айтиб ўлтирган гўзал бир қизга кўзи тушиб уни яхши кўриб қолибди. Ҳали уйланмаган экан. Етти кечаю етти кундуз тўй-томошалар қилиб, шу қизга уйланибди. Тўйнинг эртасига ёв бостириб келаётгани ҳақида хабар келибди. Подшо: «Шаҳарда туриб ёвни кутсак бўлмас. Эл-юрт, ёрим азият чекар. Яхшиси шаҳардан чиқиб, босқинчиларни узоқроқ жойда кутиб олсак,» — деб ўйлабди-да, ҳамма сарбозу лашкар-бошларини шаҳардан ташқарига чиқарибди. Ёв келаётган томонга жадал от чоптириб кетибди. Йўлда, шаҳардан узоқ бир жойда босқинчи душманлар билан тўқнашиб, қаттиқ жангда ғолиб чиқибди. Бироқ бир дайди ўқ келиб уни оғир яралабди. Ўлими яқинлашиб, охириги дақиқаларини бошидан кечира бошлабди. Ўлими олдидан кун чиқиш томонни кўрсатиб:

— Мени шу томонга олиб боринглар. Йўлда ўлиб қолсам ҳам ўша ёққа олиб бориб кўминглар, — дебди. Кишилар:

— Нега ундай дейсиз? — дейишган экан, подшо:

— Уёқда жон қолди. Анда жон қолди, шаҳарда ёрим, жоним қолди, мени ўша ерга кўминглар, — дебди. Йигитнинг жони узилибди. Уни айтганидай қилиб, хотини қолган бир кунлик жойга олиб бориб иззат-икром

билан кўмишибди. Шу-шу шаҳар Анда жон — Андижон бўлиб қолган экан.

АБДУСАТТОР САИС



оразм хони Мадрайимхоннинг яхши бир одати бор экан. Ҳар замон-ҳар замонда кеч-қурунлари саиси Абдусаттор билан Хива кўчаларига бирма-бир кириб чиқар экан. Ўз либосларини ўзгартириб, бир қаландар мусофир суратида бўлиб, ўзини танитмасдан айрим хонадонларга кириб, «тангри меҳмони» бўлар экан. Шу билан халқнинг камчиликларини, уларнинг орзу-ниятларини, шу билан бир қаторда ўзининг давлат ишларидаги камчиликларини ҳам ўрганар экан. Кунлардан бир куни Мадрайимхоннинг ўзи чиқмасдан Абдусатторга:

— Сен бугун ўзинг айланиб кел-чи, юртда аҳвол нечук экан. Кейин натижасини менга айтасан, — дебди.

— Ажаб бўлғай, тақсир, — деб Абдусаттор кун ботишини кутибди. Кун ботиб, қоронғу тушиб, қалъага сокинлик чўкканда Абдусаттор йўлга тушибди. Паст кўча-рост кўча айланиб ўтиб, бир ҳужранинг эшиги олдидан ўтаётганда, ичкаридан гурунг-гурунг овозлар чиқиб турган эмиш. Абдусаттор хон саиси эмасми, орқа-ўнгига қарамасдан ҳужра эшигини тарақлаб тешиб очиб юборибди. Чақирилмаган меҳмон бўсаға хатлаб, ичкарига кириши билан уйдан: «Осилсин», — деган овоз чиқибди. Абдусатторнинг гап-сўзига, уёқ-буёғига қарамасдан икки йигит қўлтиғидан ушлаб ҳужра шипига осиб қўйибди. Абдусаттор шипда осилиб туриб, дудланган балиқдай тиришибди. Чунки ҳужра ўртасига олов ёқилиб, ўша оловнинг дуди ҳужранинг ўртасидаги туйнукдан чиқиб кетиши керак эди-да! Ховва! Маълум бўлишича, шу оқшом шу уйда 20 йигитнинг гурунги бор

экан. Ўша 20 йигит ҳафтада бир жойга йиғилишиб, навбат билан зиёфат-гурунг ўтказар эканлар. Йигитлар зиёфатини давом эттираверибди. Абдусаттор саис саҳаргача шипда осилиб тураверибди. Ана энди зиёфат тарқаш пайтида йигитлар уни банддан озод қилиб, ташқарига олиб чиқиб, қўйиб юборибдилар. Ховва! Хоннинг саиси аламзада бўлиб, «Сизлар билан эртага гаплашаман», — деганича гум бўлибди.

Эрталаб Мадрайимхоннинг олдига кириб салом берибди. Ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин хон:

— Қани, Абдусаттор, кеча тунда нима воқеалар бўлди? Бизга бир баён қил,— деганда, Абдусаттор:

— Тақсир, Хивада сиздан бошқа ҳам хон бор экан. Кеча биз осилдик, — дебди. Ховва! Доно хон бу воқеанинг мазмунига тушуниб:

— Демак, сен ўша паст кўчадан бориб, ўша муюлишдаги хужрага кирибсан, — деса, саис:

— Хоним, топдингиз, худди ўша уй, ўша хужра, — деб тасдиқлабди. Шунда хон:

— Сен уларнинг гурунги файзини бузибсан, уларнинг ўлтиришига халал берибсан, демак берухсат хужрага кирибсан. Улар яхшиям сени ўлдирмабди. Ҳақиқатан ҳам шу кечанинг хони, зиёфатнинг оғабегиси бор. Сен хонни саиси бўлсанг бўлибсан. Нописандлик қилмасдан, мусофирман деб кирсанг, шу воқеалар бўлмасди. Менинг хабарим бор. Шу 20 йигит ҳар ҳафтанинг бирида бировиникида зиёфат қилади. Ўша сен кирган кунги зиёфат фотиҳаси шу уйда бўлишини мен билардим. Энди сен бу қўполлигинг учун бир зиёфат харжини қиласан ва уни зиёфат оғабегисига, яъни ўлтириш хонига элтиб бериб, кечирим сўрайсан. Шунда сен ўз айбингни тузатган бўласан. Бундан буён уёқ-буёққа эътибор билан боқадиган бўласан. Шунда сени ҳеч ким иккинчи осмайди, — деган экан.

Кунлардан бир куни феъл-атвори бир-бирига яқин кушлар гуруҳи қий-чув кўтариб, Сулаймон пайғамбар хузурига келишибди. Уларнинг умумий мақсадлари битта: булбулдан шикоят, ҳукмдорга уни бадном қилиб, жазога маҳкум қилиш экан. Арзга келган қушларнинг бирлари жавраб йиғлашибди, бошқалари уйқусизликка чалинганидан зорланибди, яна ўзгалари Сулаймонга: «Булбулга нечун эрк бериб қўйгансан, тинимсиз фарёд чеккани чеккан. Хотиржамлигимиз барбод бўлди... Наҳотки, унинг ёқимсиз йиғлашию мунгли нолалари сенга ёқса?.. Қани адолатинг, бизларга сенинг ғамхўрлигинг? Тоқатимиз тугади. Бу жойларда ё биз туришимиз керак, ё ўша йиғлоқи булбул», — дейишибди. Сулаймон булбулни топтирибди ва унга дебди: «Қаёқларда бекиниб юрибсан? Нега мана бу қарға-ю зоғлар билан тил топишишни ўйламайсан? Улар сенинг устингдан арз қилиб келишибди... Ўзингни оқлайдиган сўзинг бўлса, гапир!» «Эй, Сулаймон, — деган экан ўшанда булбул, — бу бадбахтлар мен чеккан дарду ҳасратларнинг маънисини қандоқ фаҳмлашсин, чунки уларда ишқ йўқ. Гумроҳлиги ҳам, нафс ва фароғатга тобеликлари ҳам худди шундан. Мен бор-йўғи уч ой нола қиламан. Бунинг учун тўққиз ой хомуш яшаб, азоб тортаман. Буларингга англат, юрагим қонга тўлиб кетганлигидан сайрайман. Бўзламасликнинг сира имкони йўқ. Мени ишқ алами, жудолик азоблари йиғлатади...»

Бир аллома шогирдлари билан ҳар гал кўришганда: «Қандай эзгу иш қилдинглар? Кимларга яхшиликларинг тегди?» — деб сўрар экан. Навбатдаги учрашувда шогирдларидан бири: «Кечаги тунда эшигим олдига но-

таниш киши келиб қолди. Қарасам, бир фақир. Ёрдамга нарса тилади. Уни ичкарига олиб кирдим. Иззат-хурмат билан хонанинг тўрига ўтқазиб эғнимдаги чопонимни унга кийдирдим. Сўнг арзини эшитиб, бор мол-мулкимни ҳадея этдим. Устимдаги кийимларимдан бўлак ҳеч вақом қолмади. Шундан хурсанд бўлиб, ҳузурингизда тиз чўкиб ўтирибман», дебди. Аллома шогирд сўзларини тинглабди-ю, муносабатини сездирмабди.

Гал бошқа шогирдга келибди: «Қайси кун шоҳ ўрдаси ёнидан ўтиб кетаётсам, бир одамни жазоламоқчи бўлиб туришган экан. Ҳукм бўйича, унинг бир қўли чопилиши керак экан. Уни бу оғир кийноқдан кутқармоқ учун ўз қўлимдан кечдим. Кўриб турибсизки, энди якдастман». Устоддан яна садо чиқмабди. Шунда ёнидагилари ундан: «Буларнинг қайси бири фидойи ва комилроқдур?» — деб сўрашибди. «Буларнинг яхшиликлари фақат икки киши учунгина қилинган яхшилик. Одам қилган яхшиликлардан барча эл баҳра топтоғи керак, Халқ манфаатига ярайдиган эзгулик ва ҳимматгина таҳсинга лойиқдир»,— дебди устод.

ИБН СИНО ШОГИРДЛАРИ



абибларнинг табиби, улуғ ҳақим Ибн Сино кунлардан бир куни қаттиқ оғриб, кўрпачага қилиб ётиб олибди. Ибн Синонинг шогирдлари, энг яқин дўст-биродарлари йиғилишибди. Дўст-биродарлари яхши сўз айтиб, улуғ табибнинг кўнглини кўтаришга, кайфиятини яхшилашга ҳаракат қилишса, шогирдлари устозларини дори-дармонлар билан даволашга киришибдилар.

Ибн Сино дўст-биродарларига раҳматлар айтиб, шогирдларига эса шундай дебди:

— Эй, шогирдларим, менинг куним битган кўринади. Шу боисдан мени даволайман деб беҳудага ҳаракат қилманглар. Борди-ю, куним битиб, вафот этсам, йиғи-сиғи, оҳ-воҳ қилиб ўтирманглар. Фақат ҳаққим-

га дуо қилиб, онда-сонда қабримни зиёрат қилсанглар бас. Ва яна, устоз оламдан ўтди, энди табобат оқсайди. деб ҳам қайғурманглар. Ўрнимга беш зўр табибни қолдириб кетмоқдаман. Шу табибларнинг маслаҳатларига ўзингизлар ҳам доим амал қилинглар, бошқаларни ҳам уларга даъват этинглар, — дебди. Ибн Синонинг шогирдларидан бири:

— Устоз, сиз айтган табиблар кимлар? — деб сўрабди. Шунда Ибн Сино:

— Мен қолдириб кетаётган зўр табибларимнинг бири — тозалик, иккинчиси — парҳез, учинчиси — бадан тарбиядир. Ва қолган иккиси МИЖОЗ билан КАЙ-ФИЯТДИР. Доимо покиза, озода бўлишлик, кўринган нарсани, яъни овқатни келса-келмаса еябермаслик, апил-тапил овқатланмаслик, овқатланишда парҳез, меъёрни билишлик, ичкиликка рўжу қўймаслик, бадан аъзоларини ҳаракатсиз қолдирмаслик, мижозни унутмаслик ва ниҳоят, кайфиятни яхши тутишга ҳаракат қилиш — мана шу айтганларимга амал қилинса, касалланиш уёқда турсин, бевақт ўлим ҳам орқага чекинади.

СУКУТНИНГ ХОСИЯТИ



икоя қилишларича, ўз даврининг машхур ҳақими, ҳамма даврларнинг ҳам доно табиби бўлмиш Лукмони Ҳаким кунлардан бир куни ҳазрати Довуднинг олдига борибди. Довуд одатдагидек, совут, зирҳли кийимлар тайёрлаш, яъни темир-терсақлар орасида ишлаб ўлтирган экан.

Лукмони Ҳаким дунёга келгандан буён темирчихонага кирмаган, бундай кийимларнинг тайёрланишини кўрмаган экан. Шу боисдан бундай зирҳли кийимлар қандай кийимлар эканлигини, уни кимлар кийишини сўрамоқчи бўлибди. Аммо устози «Аввал ўйла, кейин сўйла», «Сабр қил — сабрнинг таги олтин», — деб ўргатган

экан. Шунга амал қилиб, сабр қилибди. Кийимнинг тайёр бўлишини кутиб турибди. Ҳазрати Довуд кийимни тайёрлаб кийиб олибди-да, шодланиб Лукмони Ҳакимга шундай дебди:

— Лукмони Ҳаким, мана кўрдингизми, мен совук темирдан қандай иссиқ кийим тайёрладим. Буни кийиб бемалол жангга кириб, босқинчи душманнинг додини бериш мумкин.

Бу гапни эшитган Лукмони Ҳаким: «Сукут қандай буюк ақллиликдир. Устозимнинг айтганини қилиб, сукут сақладим-да, қўпол хатодан сақландим», — дебди ичида.

ШОҲНИНГ САВОЛИ



амонасининг улуг олими, аллома Фахриддин Розий узоқ йўл босиб Хоразм юртига келиб қолибди. Бу хабарни эшитса ҳам Хоразм подшоси Хоразмшоҳ Розийни на саройга таклиф қилибди, на олдига зиёратга борибди. Кунлар ўтибди, ҳафталар ўтибди. Аммо Хоразмшоҳдан дарак йўқ эмиш. Фахриддин Розий парвойи фалак юраверибди, кутубхона ва бошқа жойлардаги ишларини қилаверибди. Нима бўлибди-ю, кунлардан бир куни Хоразмшоҳ олимни ҳаммомда таниб қолиб, у дунё, қиёмат ишлари тўғрисида унга саволлар берибди. Шунда Розий: «Эй, қиёмат кунини билишни истаган, орзу қилган шоҳ, — деб жавоб берибди, — сенинг саволларингга жавоб берадиган муносиб жой шу ҳаммомдир. Қиёматда ҳам шоҳу гадо барчаси бир хил аҳволда — яп-яланғоч бўлишади. На шоҳ ва на амалдор — ҳеч ким ҳеч нарса-сини олиб боролмайди. Мана ҳозир сен ҳаммомга нимангни олиб кира олдинг? Ҳеч нимангни. Мана мен ҳам ўсиқ жойимдан бошқа ҳеч нимамни олиб киролмадим. Тоғу тахт, хазина, ҳатто номусимни асровчи кийим-бошим — барчаси ташқарида қолди. Илм-ҳунар эгалари-чи? Уларнинг бойликлари меникига ўхшаб ҳаммаси ўзлари билан бирга».

ҲАМРОҲЛАР



орс ўлкасидан икки киши Чин мамлака-ти томон сафарга чиқади. Уларнинг табиати ва нуқтаи назарлари бир-бирига зид эди. Бири — борига шукур қилиб яшовчи киши, яъни қаноатли. Иккинчиси — очкўз, дунёпараст киши. Бу икки одам узок йўл юради. Иттифоқо йўл ёқасида, ярми тупроққа кўмилган бир тош учраб қолади. Унинг юзасида ёзув. Улар хатни ўқишади: «Кимки машаққатларга бардош бериб, тошнинг тескари томонини ағдарса, унда бир афсона битилган. Унга кўра, шу атрофда бир вайрона бор. Вайронанинг тагида эса хазина. Қийинчиликка чидаган шу хазинага эга бўлади...» Таъмагир буни ўқигач, оромини йўқотади, тош тубини қазимоққа тушади. Ҳамроҳи унга парво этмасдан йўлда давом этади. Чунки унга «ганжи қаноат» ҳамроҳ эди. У: «Ким сориким, тангрининг эҳсони бор, тош ёрилиб чиқмоғи имкони бор», — деган ишонч билан кун кечирарди. Хуллас, у тонг отгунча йўл босади. Субҳидамда бир шаҳарга дуч келади. Шаҳар ичига элтадиган йўллар кўп экан. Лекин у энг яқинига дуч келганидан биринчи бўлиб кириб боради. Дарвозага яқинлашган заҳоти уни халойиқ қуршаб олади. Бу эл расмига кўра подшоҳ ўлгандан сўнг унинг вафоти сир тутилар, саҳар вақтида ким шаҳарга қадам босса, уни тахтга ўтқазиб бошига тож кийдириб, қўлига узук тақишармиш. Уни шу омад кутиб турган экан. Шундай қилиб, у мамлакатга подшоҳ бўлиб кўтарилади. Тамагирнинг қисмати нима кечди дерсиз? У ўзини роса қийнаб, юз машаққат билан тошни бошқа томонга ағдаради. Қараса, яна ёзув: «Хомтама даҳрда ранжу эрур», — хомтама дунёда доим ранж тортади, деган фикрни ўқийди...

Олис асрларда Каюмарс деган подшоҳ ўтганмиш. У адолатли, кўп жойларни обод этган эмиш. Каюмарснинг Пушанг номи ўғлини Давоманд тоғида девлар ўлдиришади. Бундан бир қуш огоҳ бўлиб, қаттиқ нола қила бошлайди. Шоҳ шу қуш йўлбошчилигида ўғлининг жасадини топади. Каюмарснинг бошқа фарзандлари ҳам бўлади, улардан бирини юртга бошлиқ қилиб, ўзи девларни ўлдиришга отланади. Каюмарс кетаётиб йўлда бир оқ хўрозни кўради. Хўроз йўл бошида туриб қичқирмоқда, сал олисроқда бир товукни илон ўраб олган. Хўроз қичқирибгина қолмасдан жон-жаҳди билан илонга ташланар ҳам эди. Бу ҳолат Каюмарсга хуш келади ва «Агар хўроз ўз жуфтани қутқариш учун курашаётган экан, демек, бу жониворнинг ҳам феъли инсон фарзандига ўхшаш», — деб ўйлайди. У илоннинг бошини янчиб, хўроз билан макиёни озод қилади. Уларни ўз ўғилларига элтди бериб, асраб-авайлашни буюради. Шундан бошлаб элда товук сақлаш расмга айланади. Чунки улар бор хонадонларга девлар йўламас эмиш, Хўрознинг қичқирishi эса яхшиликдан дарак...

Бир куни ўша оқ хўроз кутилмаганда кечки пайтда қичқириб қолади. Одамлар бунинг сирини билолмай ҳайратланишади. Сўнг маълум бўладики, Каюмарс ўлган экан. Шунинг учун хўроз кечки пайт қичқирдими, бу ёмонлик хабари, ундай хўрозни дарҳол сўйиш лозим деган фикр қатъий ақида шаклига кириб, асрлар мобайнида яшаб келган... Бугунги кунларда ҳам хўроз шом чоғи қичқириб қолса, қариялар: «Ҳаҳ, ўз бошингни ўзинг егур», деб уни сўйишга буюришади.

ТУРКЛАР ТАРИХИДАН



адимий туркларнинг дунёкарашида тўрт уфқ ва тўрт тараф ранглар воситасида тайин этилганлиги маълум. Шарқ — яшил, Ғарб — оқ, оқиш, Жануб — қизил, қирмизи, Шимол — қора. Туркларда Шимолнинг қора рангда тасаввур қилиниши ҳам тасодифий ҳодисалардан эмас. Афсонага кўра, Нух пайғамбар ўғилларига заминни бўлашиб берганда, Ёфасни шимол тарафга жўнатади. Ёфас Отил Ёйиқ сувларининг ёқасига бориб, икки юз эллик йил умр кечириб, ўша жойларда вафот этади. Унинг тўнғич ўғли Турк ҳам шимолда туғилиб, вояга етган. Бу тўғрида Маҳмуд Қошғарий «Девону луғотит турк»да қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган: «Турк — тангри ярлақагур Нух ўғлининг оти...» Қошғарий Хараф ўғли имом Шайх Ҳусайн деган одамнинг китобида пайғамбардан шу ҳадисни ривоят қилади: «Улуғ тангри айтади; менинг бир тоифа аскарим бор, уларни турк деб атадим, уларни кунчиқарга ўринлаштирдим. Бирор халқдан ғазаблансам, туркларни унга қарши йўллайман». Маҳмуд Қошғарий тангри инояти билан турклар энг баланд, хушҳаво жойлардан ўрин топганлигини айтиб, яна давом этади: «Туркларда кўркамлик, ёқимлилик, одоблилик, сўзининг уддасидан чиқишлик, дадиллик, камтаринлик каби мақташга лойиқ хулқлар сонун саноксиздир».

Турклар учун қора рангга нисбатан фавқулудда эътибор, уни муқаддас билиш ҳам худди шу пайтлардан бошланган.

ЧУМОЛИНИНГ СОВҒАСИ



улаймон Довуд пайгамбарнинг ўгли бўлиб, отасидек у ҳам пайгамбарлик ва подшоҳлик мавқеига эришган...

Эмишки, Сулаймонни ҳамма нарсага эриштирган илоҳий куч — унинг сеҳрли узуги бўлган. У ўша узук шарофати туфайли барча жонли мавжудотга ҳоким даражасига кўтарилади, қушлар, ҳашоратлар тилини тушуниб, улар билан сўзлаша олади. Чунки бу узукнинг кўзи «кибрити аҳмар» деган қимматли тошдан ясалган экан. Кимёгарларнинг эътиқодига кўра, бу тош ҳар қандай мўъжизаларга қалит берар эмиш. Бу тошга тангрининг сирли исми ўйилгани учун барча махлуқлар Сулаймоннинг амрига бўйсунар экан.

* * *

Сулаймоннинг шоҳлик кунида бутун жонлилар унга совға ва ҳадялар берадилар. Ундан кимнинг тухфаси қимматлироқ эканини сўрашганда, чумоли кўтариб келган ўзидан анча оғир чигиртка оёғини кўрсатган.

* * *

...Ҳашвияликлардан бирининг айтишича, Сулаймон ибн Довуд... узугини йўқотгач, подшоҳлиги кўлидан кетди, сўнгра қирқ кундан кейин узуги ўзига қайтарилиб, равнақи ҳам қайтиб келди. Подшоҳлар унинг ҳузурига келдилар, паррандалар тўпландилар, шунда эронликлар: «Наврўз омад», яъни «Янги кун келди», — дедилар. Натижада шу кун «Наврўз» деб аталди. Сулаймон шамолга буюрди, шамол уни кўтариб кетди, бир қалдирғоч унга рўпара чиқиб: «Эй, подшоҳ! Уямда бир мунча тухум бор, уларни босиб кетма, нарироқдан ўт», — деди. Сулаймон наридан ўтди ва ерга тушди. Ҳалиги қалдирғоч тумшуғида сув олиб келиб, уни сепди ва унга чигиртканинг бир оёғини ҳадя қилди. Наврўз куни сув сепиб, ҳадялар берилишининг сабаби шундадир.

ДОНИШМАНД ЧУМОЛИ



унлардан бир куни Сулаймон ўз тахтида лашкарлари билан ўтиб бораётганида, бир чумоли: «Менинг амримга тобе чумоли борки, ҳаммаларинг қочиб ер остига киринг, Сулаймон лашкарларига поймол бўлманглар», — деб қичқиради. Буни эшитган Сулаймон хаводаги тахтидан ерга тушади. Қараса, биргина чумоли турибди. «Отинг нима?» «Отим Манзара», — дебди чумоли. «Мурчаларни не учун қочирдинг?» «Шоҳнинг бу саволига чумоли дебди: «Сиз ҳаммага подшоҳдурсиз, мен ҳам ўз жинсимга шоҳдурмен... Мурчалар лашкарингиз оёғи остида яксон бўлса, уволи менга бўлур». Шунда Сулаймон: «Ҳаммасини қочириб, ўзинг не учун қочмадинг?» — дебди. Манзара айтибди: «Мен аларнинг каттасидурман. Улуғлар қўл остидагиларга меҳрибон бўлур. Балога улуғлар ўзларини рўбарў қилиб, кичикларни халос қилса яхшидур». Бу доно фикрларни тинглаган Сулаймон Манзарага яна мурожаат этибди: «Мундоқ насихатни қайдин таълим олдинг?» «Ҳамма илм ўзимдадир, дея хаёл қилурмисиз?» — деб Манзара Сулаймондан бир неча савол сўрашга рухсат тилабди. Сулаймон кўнибди.

Мана ўша баҳсли фикрлар.

Савол: — Ҳақдан нима талаб қилдингиз?

Жавоб: — Бир мулк тиладимки, андоқ мулк ҳеч кимга берилгани йўқ.

Чумоли сўзи: — Бахил экансиз. Маълум бўладики, мендан ўзга асло подшоҳ бўлмасин дебсиз. Агар юз ҳисса сизнинг давлатингизни минг кишига берса ҳақ хазинаси кам бўлмас. Шунча тилагингизга яраша нима берди?

Жавоб: — Шамолни бўйсундириб берди. Шунча ҳашамат ва салтанат лашкарларимни тахт-бахтларим билан кўтариб эрур.

Манзара сўзи: — Эй, Сулаймон, бунинг маъноси олам

елдек ўтадир дегани. Елнинг вужуди бўлмас, Ҳашамат, салтанат, тахту бахтларинг ўткинчидир... Бундан бошқа яна нима берди?

Жавоб: — Узук берди. Ҳамма оламнинг сири узукдир...

Чумоли сўзи: — Эй, Сулаймон, сенга Мағрибу Машриқ таслим бўлибдир. Лекин бунинг баҳоси бир парча тош экан, бас, узугинга бино қўйма.

Сулаймон чумолининг бу қадар ақлу донишига қойил қолиб: «Мундин ўзга яна нима биласан?» — деганида Манзара: «Қоронғу кечаларда сизга муте халқнинг ҳолидан хабардормисиз?» — деб сўрабди. Сулаймон: «Йўқ», — дебди. Мурча эса шу заиф ҳоли билан ҳар қанча ухламай, лашкарларининг атрофини айланиб, улар ҳолидан хабардор юришини айтади. Ана шунда чумолиларнинг билағонлигига нисбатан ўз донолиги ҳеч нима эканлигига Сулаймон тўла тан берибди...

ИСКАНДАРНИНГ ҲУКМИ



унёга донғи кетган фотиҳ Искандар Зулқарнайн кўп жойларни босиб олган экан-у, аммо ҳамма жойда адолат билан иш тутган экан. Кунлардан бир куни Эрон устига юриш қилиб унинг бир қисмини босиб олибди. Кейин Эрон подшоси Дородан катта хирож талаб қилибди.

Доро ҳам унча-бунча подшоҳлардан эмас экан, хирож тўлашдан бош тортибди. Бундан Искандарнинг жаҳли баттар чиқиб, Эроннинг кулини кўкка совурмоқчи бўлиб, астойдил жангга кирибди. Барибир Эронни босиб ололмабди. Доро устидан ғалаба қозона олмагандан кейин Искандар аскарбошиларининг маслаҳати билан ҳийла-найранг ишлатиб, Дорони енгмоқни қасд қилибди. Эрон подшоси Доронинг бир қулдан чиққан вазири бўлиб, уни шоҳ жуда яхши кўрар, энг яқин кишиси деб билар экан. Шу вазирига қаттиқ ишонганидан унга барча сиру асрорларини айтар экан. Чунки уни шоҳнинг ўзи

ёшлигидан тарбиялаб, вазирлик лавозимини берган экан-да!

Искандар айғоқчиларини яширинча вазирнинг олдига юбориб, ҳузурига чақиртирибди. Ёзган хатида: «Мабодо менинг айтганимни қилиб, ҳузуримга келсанг, муҳим бир сирни сенга очаман», — деган экан. Қулдан чиққан вазир: «Искандардай шоҳ менга сирини очар экан», — дебди-да, даъватни бажону дил қабул қилиб, тунда йўлга чиқибди. Ҳеч кимга сездирмай, Искандар ҳузурига кириб келибди. Искандар шунчаки йўлига уни яхши хизматлар билан кутиб олибди, зиёфатлар берибди. Сўнг муддаога кўчиб:

— Агар подшоҳнинг Дорони ўлдириб, шаҳар дарвозаларини очиб берсанг, Эрон юртига шоҳ этиб тайинлайман ва ўн йил муддатга бож тўлашдан озод қиламан, — дебди. Искандарнинг ваъдасидан боши айланиб қолган Доронинг вазири жон-дили билан рози бўлибди. Вазир қайтиб кетиб, Искандарнинг айтганларини бажариб, тунда Дорони ўлдирибди-да, эрталаб азонда шаҳар дарвозаларини очибди. Шуни кутиб турган Искандар кўшини билан шаҳарга бостириб кириб, катта майдонга одамларни йиғдирибди. Бояги вазир: «Энди мени шоҳ деб эълон қилади ва бошимга тож кийдиради, шундан кейин маза қилиб давру даврон сураман», — деб хурсанд бўлиб турган экан, Искандар шундай дебди:

— Мард, жасур, аммо соддадил Дорони дафннинг ҳамма қонун-қоидалари асосида жойига қўйинглар, токи гўрида тинч ётсин. Мана бу вазирни эса, нобакор, хиёнатчи, ўз хўжасини сотган ва ўлдирган иблис санаб, аввал дорга тортинглар, кейин куйдириб, кулини ахлатлар орасига ташланглар, — деб буюрибди.

Искандар Зулқарнайдан катта мукофот — шоҳлик тожини кутиб турган вазир шоҳнинг бундай буйруғидан ҳайратга тушибди-да, тили зўрға калимага келган ҳолда:

— Ҳой, Искандар, мен сенинг буйругингни бажонидил бажардим-ку. Ҳамма иш сен айтгандек бўлди. Яхши-

ликка ёмонлик экан-да. Қани ваъдага вафо? Бу фикрингдан қайт, инсофсизлик, қилма, — дебди. Шунда Искандар тўпланган эронликларга қараб:

— Ҳой, ҳалойиқ, мана бу зот ким? — дебди. Ҳалойиқдан бири:

— Шохимиз Доронинг ўнг қўл вазири ҳамда ёшлиқдан катта қилган қули, кейинча эса ўғлига айланган фарзанди, — деб жавоб беришибди. Бу сўзни эшитган Искандар:

— Бу нонқўр менга инсофсизлик қилма, деб айтади. Демак, мендай шохни инсофсизга чиқармоқчи. Мен инсофсизлик қилмоқчи эмасман, ўзимга инсоф, адолатни дастур қилиб иш тутмоқчиман. Вазирнинг гапи тўғри. Мен унга: «Дорони ўлдириб, шаҳар дарвозаларини очиб берсанг, сени шох кўтариб, ўн йил бождан озод этаман», дедим. Сўзимни жону дил билан қабул қилиб, айтганларимни аъло даражада бажарди.

Искандар шундай деб вазирнинг тиз чўкиб ялиниб-ёлборишига, йиғлаб-сиқташига қулоқ солмай, дорга остириб юборибди. Юртга оддий бир чўпонни шох кўтарибди...

ХИЁЛ



иёл ўсимлиги ҳам «муқаддас» эмиш. Хиёл ўсимлигини кўрган, қўли билан ушлаган киши ўша заҳотиёқ ақлдан озиб, ўзидан-ўзи қўшиқ айтиб, ўйинга тушармиш. Сергап бўлиб олиб, ҳеч кимга сўз бермасмиш. Бундай кишини кўрган, у билан бир мартаба суҳбат қилган киши ҳам тез орада шундай дардга чалиниб, у ҳам ўз-ўзидан қўшиқ айтиб, ўз-ўзидан ўйинга тушиб кетармиш. Гап гапиравериб ҳамманинг жонига тегармиш...

ИПАК ҚУРТИ



ишилар орасидаги мифологик тушунчалардан ипак қурти ҳақидагилари ҳам ҳарактерлидир.

Қадим-қадимлардан пилла қурти ҳам «муқаддас», «табаррук» саналиб келинган. У бор жойга кечалари чироқ ёкиб қўйилган, пиллахоналарга исирик, кўз тиканлар, туморлар тақиб қўйилган, «кўз»и бор кишилар қурт боқилаётган ерга йўлатилмаган. Ҳатто, пилла қуртлари сизланган, улар даҳага кирганда ҳеч кимга кўрсатилмаган. Қуртларни пилла ўрашлари кишилар нигоҳидан сир тutilган. Пилла териш билан боғлиқ мифологик тасаввурлар, айниқса, кўп бўлган...

Пилланинг ҳажми «сир» сақланган, уни териш куни жонлиқ сўйиб тарқатилган. Пилла териш куни бир-бирини йўқлаш, дастурхон ёзиш, яхши таомлар тайёрлаш, ясан-тусан қилиш, байрамона кайфият — буларнинг ҳаммаси пилла қурти ва унинг пилласи билан боғлиқ мифологик тушунчалар, уларни муқаддас деб билишлар билан боғлиқдир.

ИЛОН ЗАҲРИ



Қадимда беш-олти киши уйда ерга солинган шолча устида тушлик қилиб ўлтиришган экан. Шу пайт кичкинагина бир илонча тешиқдан чиқиб, уёқ-буёққа ўрмалай бошлабди. Ўлтирганлардан бири илончани шўрвадан бўшаган коса остига бостириб қўйибди.

Орадан бирпас ўтгач, тешиқдан узун бир қора илон чиқиб девор четидан уйни бир-икки айланиб чиқибди. Ўлтирганлар: «Қани, нима бўларкин?» — дейишиб жим қараб туришаверибди. Бир пайт ҳалиги қора илон

чиққан инга кириб кетибди-да, бирпасдан кейин яна қайтиб чиқибди. Кейин вишиллаганича остона тепасида осиклик турган осма тахтача — токчага чиқибди, унга осилган чамбаракдан ўтиб, сопол шокосадаги сутга калласини тикибди. Шундан сўнг чамбаракдан пўстқалоқ тутқичига ёпишиб, қандай шокосага борган бўлса, ўшандай осма тахтага ўтибди, осма тахтадан устун орқали ерга тушиб, вишиллаганича тешикка кириб кетибди. Ҳамма ҳайрон эмиш. Кейин ўлтирганлар ҳалиги коса тагидаги илончани кўйиб юборишибди. Илончанинг боши айланиб, уёқ-буёққа гандираклабди-да, сўнг чиққан жойига кириб кетибди. Шу пайт кутилмаган воқеа рўй берибди: ҳалиги қора илон инидан тез чиқиб, осма тахтага қандай чиққан бўлса, шундай чиқиб, чамбаракдан осилиб тушиб, шокосага етганда чамбаракнинг тут пўстлоғидан қилинган тутқичининг бир томонини тиши билан қирқа бошлабди. Чамбаракни ушлаб турган пўстқалоқ арғамчи узилиб, коса қийшайибди-да, сут-пути билан ерга тушибди. Шокоса чил-чил синибди, қарашса оппоқ сут кўм-кўк эмиш. Илон қандай чиққан бўлса, шундай изига қайтиб яна инига кириб кетибди. Бу шоҳли қора уй илони бўлиб, илонча унинг боласи экан...

ҚАСОС



екобод деган қишлоқда бир келин-куёв яшаган экан. Кунлардан бир куни тунда келин ёзилиб ўлтириб, рўпарасидаги бир оқ илонни кўриб қолибди. Эрига келиб айтган экан, куёв кетмонни олиб келиб, илонни ўлдирибди. Эрталаб туришса куёвнинг ёнида бир қора илон кулча бўлиб ётганмиш. Дўқ-пўписа қилиб, илонни ҳайдаб юборибди. Келинчак унинг кўзидан юм-юм ёш тўкилганини айтган экан, эри: «Шунчаки сенга кўринган,

илонда кўз ёши нима қилади?» — деб хотинини койиб берибди. Куёв эрталаб чойини ичгач, ўроқ ўргани кетибди. Келичак уйда қолибди. Бир пайт ишларини қилиб бўлиб, ўриндикқа бундоқ ёнбошлай деса, ёстик олдида ҳалиги қора илон кулча бўлиб унга қараб ётган эмиш. Қўрққанидан додлаб, эрининг олдига борибди-да, бўлган воқеани айтиб берибди. Эри кўлига ўроғини олиб энди жўнамоқчи бўлган экан, шундоққина оёғи тагида ҳалиги илон кулча бўлиб унга қараб ётган эмиш. Йигит бир илож қилиб илонни ҳайдаб юборибди. Шундай қилиб эр-хотин қаёққа боришса, илон улар олдида пайдо бўлиб, кулча тушиб қараб турармиш. Охири кечаси тунда йигитнинг қўшни қишлоқдаги холасиникига кетишибди. У ерга боришса, ҳалиги қора илон ҳам эргашиб у ерга борибди. Яна қаерга боришса, улар олдида пайдо бўлиб, кулча ҳолда термулиб, кўзидан ёшини оқизиб тураверармиш...

Йигитнинг поччаси унга қўйчибонлар орасига кетишини, бўлмаса илондан қутулмаслигини айтибди. Йигит кечаси хотинини аравада жўнатиб, ўзи беш-ўнта қўй-эчкини олиб, узоқ чўлдаги сурувга отланибди. Сурувга етиб бориб, «Илондан энди қутулдим», — дебди. Эрталаб қўй-эчкидан хабар олай деса, таканинг шохига ўралган қора илон унга термулиб турган эмиш. Кўзидан яна юм-юм ёш тўкилаётган эмиш. Йигит: «Бу мени тинч қўймас экан-да», — деб унинг олдига борибди. Илон унга ҳеч нарса қилмабди. Яна эр-хотин қайга борса, шундоққина олдиларига кулча бўлиб ётиб олиб, юм-юм йиғлаб қараб тураверармиш. Эр-хотин: «Қаерга борсак, барибир бизга тинчлик бермас экан, уйга қайтамиз», — дейишиб, ўз қишлоқларига жўнашибди. Эрталаб туришса, яна ўша илон шундоққина ёнларида кулча бўлиб, юм-юм йиғлаб ётган эмиш.

Қуларнинг бирида йигит эрталаб ташқарига чиқса, оқ илонни ўлдирган жойда хотини ўлиб ётган эмиш. Ёнида қора илон кулча бўлиб бошини қуйи солиб турганмиш. Энди кўзидан ёш йўқ эмиш. Бирпасдан кейин

куёв ўлибди, илон сеҳрлаб қўйган экан, худди оқ илон ўлган жойга бориб илон ҳам ўлибди...

Илонларнинг бир-бирларини яхши кўришиб, эркалашлари, вафодорлик қилишлари ҳеч қандай зотда, ҳатто одамзодда ҳам бўлмас эмиш. Агар эрини ўлдирсанг хотини, хотинини ўлдирсанг — эри қасдини олмай, сени ўлдирмай қўймас эмиш. Илонларнинг бир-бирларига муҳаббат изҳор қилаётган пайтини кўрган киши дунёдаги энг бахтли, саодатли бўлиб, севги ва вафода меҳригиёли одамга айланармиш...

БОЙЎҒЛИ



Бойўғли бир пайтларда дунёга машхур бир бойнинг арзанда ўғли бўлган экан. У жуда эркатой бўлиб ўсганидан отасининг гапига ҳамма вақт ҳам киравермас экан. Отаси: «Намоз ўқи». — деса, ўғил ўқимабди, «рўза тут», — деса, тутмабди, уни қил деса қилмабди, буни қил деса, — қилмабди. Отаси қаттиқ ранжиб, худонинг олдига бориб:

— Болам айтганимни қилмайди, шуни жазолаган бўлиб, дўқ-пўписа қилиб қўйсанг, — дебди. Худо: «Хўп», — дебди. Бир пайт мўъжиза рўй берибди. Бойнинг боласи кушга айланиб қолибди. Одамлар бу қандай куш деб сўрашган экан, худо: «Бу бойнинг ўғли — бойўғли-ку, — деб жавоб берибди. Шу-шу бойнинг арзандаси «Бойўғли» бўлиб қолган экан. Бойўғли уялганидан одамларга, элга қўшила олмай, ёлғиз яшаркан...

Бошқа афсонада айтилишича, у ёмонлик келтирармиш, тунда кимнинг хонадонига келиб сайраса, шу жойдан ўлик чиқармиш...

БУЛБУЛ БИЛАН ТҮРҒАЙ



Түрғай аслида сүфи экан. Бир пайтлар ху-дога шак келтиргани учун түрғайга айлан-тилган экан. Түрғай, Булбул аслида одам зотидан бўлиб, бир-бирлари билан қалин дўст, ошна оғайни экан. Худойи таолло уларни қўшиқ айттириб, мусобақа қилдирибди. «Кимда-ким кўп ва хўб куй ва қўшиқ айтса, эл орасида қолади, куй-қўшиғини боғу роғларда айтадиган бўлади, енгилган эса чўлу биёбонга чиқиб кетиб, у ерда бўзлаб ўтади,» — дебди у.

Шундан кейин Булбул билан Түрғай навбатма-навбат куй куйлаб, қўшиқ айта бошлашибди. Булбул минг биттага етказибди, Түрғай бўлса мингтага етказа олибди. Шунда худойи таолло:

— Булбул, сенинг маконинг шу ерда-одамлар орасида бўлсин, боғ-роғларда куйлаб юравер. Түрғай, сенинг маконинг эса чўл бўлсин, то машҳар кунигача у ерларда бўзлаб юравергин, — дебди. Шу-шу булбул гуллар орасида, боғ-роғлар ичида ишқ-муҳаббат, вафо ва садоқатдан куйласа, түрғай чўлу биёбонларда аламидан бўзлагани бўзлаган эмиш...

ЗИЁРАТГОҲ



Б ошқа бир ривоятпа айтилишича, Булбул ҳам бир замонлар одам бўлган эмиш, шоирлик қилиб, кўринган жойда ишқ-муҳаббат, вафо ва садоқатдан куйиб-ёниб, кунда минг ўлиб, бир тирилиб шеър ўқиб, қўшиқ айтиб юрар эмиш. Олло таоллонинг кудрати билан мўъжиза рўй бериб, ана шу шоир булбулга айланиб қолганмиш. Кунлардан бир куни кишилар булбулнинг муҳаббат, вафо ва садоқат навосини тинглаймиз деб боққа

келишса, у ўлиб ётган эмиш. Уни ювиб-тараб, кафан-лаб қабрга қўйишибди-да, хотирасига мақбара кўтариб-дилар, шундан сўнг «Ҳазрати Хўжам булбул» деган муқаддас мазор пайдо бўлибди. Кейинча бу мазор севиблиб етиша олмаганлар, ёниб-куйиб қовуша олмаган, ишқ ўтида қовурилганларнинг муқаддас зиёратгоҳи, таскин масканига айланибди...

ИТ ҲАҚИДА



тларни илоҳийлаштириш, уларни «муқаддаслаштириш» ҳам жуда қадимдан бошланган. Ит даставвал инсон қиёфасида бўлган эмиш, уни ўлдириш ўта оғир жиноят ҳисобланган. У оиланинг энг яқин дўсти, қадрдоғи, ҳар қандай ёвуз кучлар, ваҳший ҳайвонлардан асровчи ҳисобланган. Итни уриш, сўкиш, ҳайдаш ҳам ман этилган. Чунки кишиларнинг ҳаёти, яшаши кўпинча итларга боғлиқ бўлган. Шу боисдан ҳам у ўлганда кафанлаб кўмилган. Ит сезгир, ақли, чаққон, изкувар, ҳид олар, вафодор, ҳамма вақт одамга ёрдамга келиши, кишиларни, чорвани ваҳший ҳайвонлардан сақлаши, йўлбошчилиги, хушёрлиги кишилар томонидан муқаддаслаштиришга, у ҳақда кўплаб асотирлар, афсона-ривоятлар, урф-одатлар, расм-русумлар пайдо бўлишига олиб келган. Ит ишқ-муҳаббат, вафо-садоқатнинг рамзи бўлган. Ошиқ учун маъшуканинг ити муҳаббат тимсоли, вафо мисоли, таскин ва садоқат рамзи бўлган. Ит ҳатто умр йўлдоши — хотиндан ҳам устун қўйилган. Дарвоқе, «Ит вафо — хотин жафо» мақоли бежиз тўқилмаган. Булар — ит билан боғлиқ мифология қолдиқлари ва кўринишларидир. Ислом дини эсатга муносабатни ўзгартирди. Исломча ит ҳаром эмиш. Итнинг увуллаши ёмонлик, бахтсизликдан нишона эмиш. Ит тишлаши кўнгилсиз воқеаларга сабаб бўлади, деб кишиларнинг уст-боши ечиб мазорга ташланган.

Итга бўлган муносабат, уни муқаддаслаштириш му-

чал йилларида ҳам ўз аксини топган. Вақт ҳисоби, хусусан, одамларнинг туғилган йилини, ёшини мучал билан — ит(сак) номи билан аталиши ҳам унга бўлган зўр ҳурмат, эътиқод ва сифинишнинг кўринишларидандир.

ҲАЙДАР



ивоятларга кўра Ҳайдар¹ (Муҳаммад пайгамбарнинг куёви — Али) куч-қудрати билан барча табиат ҳодисаларини ўз ихтиёрида сақлар эмиш. У шамолнинг ҳам қудратли ҳомийси бўлиб, истаса уни кўзгатиб, юргизар, истаса тўхтатиб қўя олар эмиш. Борди-ю, Ҳайдарга ялиниб-ёлвориб илтижо қилинса, у ўзи тутиб турган шамолни қўйиб юборар эмиш. Халқда Ҳайдарнинг шамолга ҳомий эканлиги, унга мурожаат қилинса, илтижо инобатга олинаши ҳақида қўшиқ-тўртликлар ҳам мавжуд:

Ҳайдар, она-отанг ўлибди (р),

Моли сенга қолибди (р).

Боланг сувга оқибди (р),

Шамолингни қўйиб юбор...

АЖИНА



салчи Тохир ака деган кишининг оғзи қулогига тортиб кетган. «Нима учун шундай?» деб сўрашганда, у бундай деб жавоб берган. Кунлардан бир куни кечаси ўрикзор ўртасида келаётса, бир жойда ўтлар ёқилган, атрофида бир қанча хотин-қизлар базм қилиб, дутору чирманда, карнаю сурнай чалиб ўтириш-

¹ Балким, Ҳайдарнинг улуғлиги унинг умматларига кўрсатган таъсири туфайли бўлса керак, яқин-яқинларгача ўғил ёки қизларнинг бошида бир тутам кокил қолдирилган ва у Ҳайдар деб аталган. Гўёки шу кокил болани ёмон кўзалардан, инс-жинсдан асрар эмиш. Бу Ҳайдар кокилининг сеҳрли кучидан далолат бериб турган. Халқ достонларидаги қахрамонларда Ҳайдар кокиллариининг мавжудлиги ҳам баҳодирнинг мўъжизакор кифаси, сеҳрли куч-қудрати билан боғлиқ, дейиш мумкин.

ган эмиш. Тоҳир ҳам келиб ўлтирибди-да: «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим», — дебди. Шундан кейин ҳалигилар йўқ бўлиб қолибди. Ҳеч қандай базм, олов, қарнай-сурнай қолмабди. Тоҳир аканинг бир ўзи қўққайиб ўлтирган эмиш. Ўрнидан туриб, ўнгарини қоқиб-қоқиб уйига кетибди. Эшиқдан кириб келса, уни кўрган болаларга қараса, оғзи тортилиб кулоғига етиб келибди. Ҳеч фойда бўлмабди. Тоҳир ака ҳаёт бўлиб, ҳозир ҳам оғзи қийшиқ эмиш, чунки ажина урганга даво йўқ экан-да...

БОЛА БИЛАН ФАРИШТА



Бола тугилганда осмондан фаришта тушиб, (боланинг икки елкасида ҳам иккита фаришта бўлиб, бирови унинг гуноҳларини, иккинчиси савобларини ёзиб туради эмиш) унинг келгусини белгилаб берар эмиш. Шунда боланинг уч жойидан ўпар эмиш.

Биринчи жойи — пешона. Агар фаришта боланинг пешонасидан ўпса, бола келгусида кенг, дўнг пешонали киши бўлиб етишар эмиш. Иккинчи жойи — кўкрак. Агар фаришта боланинг кўкрагидан ўпса, у бағри бутун, феъли кенг, серфарзанд бўлиб ўсармиш.

ОЙ ВА ЮЛДУЗ



Осмонда туриб олам-жаҳонни ёритувчи Ой тун маликаси Юлдузни севиб қолибди. Юлдузнинг ишқи ҳам Ойга тушибди. Иккалови бир ёстикқа бош қўйиб, бирга яшаймиз деб ахду паймон қилишибди. Буни Қуёш билиб қолибди. Ой билан Юлдузнинг бир-бирини севиб, аҳил оила қуришига қарши чиқибди. Ойга: «Бу йўлингдан қайт», — дебди. Ой: «Йўқ, қайтмайман. Аҳдим аҳд, Юлдузга уйланаман», — дебди. Қуёш Юлдузга: «Бу ниятингдан қайт», — дебди. Юлдуз: «Йўқ, бу йўл-

дан қайтмайман. Ваъдам ваъда», — дебди. Қуёш: «Ҳали шунақами, мана бўлмаса», — деб Ой билан Юлдузга ташланибди. Юлдуз қочиб қолибди. Ой қочолмабди. Қуёш унинг юзини тимдалаб олибди. Юлдузнинг учиши шундан эмиш. Ойнинг юзида доғ бўлиши шундан эмиш...

ЧЎПОН СЕВГИСИ



адим замонда Чует томонда бир камбагал чўпон бўлган экан. У шу ерлик бир бойнинг қўйини боқар экан. Эрталаб белига иккита нонни тугиб мешга сув тўлдириб, қўйларни олдига солиб, қир-адирга қўй боқишга чиқиб кетар экан. Шу алпозда кунлар ўтибди, ойлар ўтибди, йиллар ўтибди. Қиш келибди, ёз ўтибди. Кунлардан бир куни бойнинг гўзал қизини кўриб, севиб қолибди. Ох, севги шундай куч эканки. одамни довдиратиб, эсини кирди-чикди қилиб қўяркан. Бечора чўпон шўринг қурғур қир-адирларда юриб дардини, ишқини қўй-қўзиларга айтибди, чўл биёбонлар билан «гашлашибди». Шамоллар унинг оҳига кулоқ солиб, олдида бир нафас жим қолишармиш. Ҳатто йиртқич хайвонлар — бўри, йўлбарс, айиқлар ҳам, йиртқич қушлар — бургут, лочинлар ҳам унинг оху фиғония қайғу-аламларига чидай олмаганмишлар. Ўша ёрини деб «ох» тортса охи тоғдан ошибди, «воҳ» деса воҳи кирни тебратибди. Қиз ҳам чўпонни севиб қолган экан. Ох, ишқ шундай қудратли эканки, қизнинг «оҳига» ер титрабди, «уф»ига арши аъло тебранибди. Гуллар йиғлабди, боғлар чидолмай, дарахтларни жумбушга келтирибди. Чўпон бир пас кўролмаса ҳеч ҳам чидолмасмиш. тоғдан қочиб тушармиш. Қиз уйида бир дақиқа бўлса ҳам туролмасмиш, уйи, боғу роғи тор келармиш, йигитни қўмсармиш, ҳадеб кўргиси келармиш, уни кўрганда эса гул-гул очилиб яшнаб кетармиш. Ох, қани энди худо таоло раҳм қилиб уларни қовуштириб қўя қолса эди...

Чўпон билан қизнинг дунё-дунё бўлиб, халқ халқ бўлиб билмаган, дунёда ҳеч бир элнинг қулоғи эшитиб, кўзи кўрмаган муҳаббатларидан воқиф бўлган бой қизини сўраб-суриштирмай, доду фарёдига қулоқ солмай, бир қўшни бойнинг дағал, қўпол, оғзидан шоди кириб боди чиқадиган санғи, жиннисифат ўғлига никоҳлаб берибди. Ёр-ёр айтилиб, чилдирмалар бака-банг бўлаётган пайтда севганидан тириклай ажраб, ёш муҳаббати завол топган, қалби пора-пора бўлиб, вужудини битмас-туганмас азобу укубатлар қоплаган қизнинг қон томирлари бирма-бир узилибди, жигари қонга тўлиб, чаккасидан томибди. Муҳаббат риштаси узилган, дунёда бору йўғидан ажралган чўпон йигит худодан ўзини шамол бўронга, қўй-қўзиларини шаббода-сабога айлантириб қўйишини астойдил илтижо қилибди. Қалтис, аммо жуда ширин, хавфли, аммо жуда лаззатли, ёқимли муҳаббат дардига чалинганларни худо ҳамма вақт қўллаб-қувватлар экан. Чўпон йигитнинг чеккан изтироблари-ю, оҳ-воҳларига чидай олмаган худо ўзи яратиб, ўзи берган бу ошиқ-маъшукларга ҳам раҳм қилибди. Чўпон йигитнинг илтижосини инобатга олиб, уни шамол-бўронга, қўй-қўзиларини шаббода-сабога айлантириб қўйибди. Ишқ савдосида ақлу ҳушидан адашган, севган ёридан ажраб, ёруғ куни қоронғу тунга айланган қизни эса дарёга чўктирибди... Шу-шу чўпон йигит — шамол-бўрон яхши кўрган қизини соғиниб кўргиси келса, жумбушга келармиш. Унга етолмай, аламига чидолмай, қасд олиш мақсадида кўринганни қаҳрига олармиш. Бўрон туриб, дов-дарахтлар синиши, дарё-кўллар чайқалиши, ҳамма ёқ тўс-тўполон бўлиши шундан эмиш. Шундай пайтда дарё ҳам жунбушга келиб, тўлқинланиши, шовқин-сурон кўтарилиши, қирғоғидан ошиб-тошиб ҳаммаёқни бузиб, хонавайрон қилиши ҳам қизнинг аламидан, ёмонлардан қасд олиши эмиш. Улар тинчидими, бир-бирларига ташнаю абгор одамлар тинч, осойишта яшаши ҳам шундан эмиш. Севишганлар-

ни, бир-бирига суяниб, муҳаббат қўйганларни, бир-бирига интизору боғланиб қолганларни ўз паноҳида асра-син, нимаики ниятлари бўлса, етишсинлар, бир-бирларини кўриб, топишиб-қовушиб юришсин, ёмон кўздан, ярамас сўздан, жоҳиллигу фисқ-фужурдан сақла-син, деб дуо-фотиҳа ўқиш ўшандан қолган экан.

ИБН СИНО ВА ШОҲ



ухоро подшоси ичак оғриқ касалига муб-тало бўлиб, илондай тўлғона бошлабди. Жони кўзига кўринган ҳукмдор Ибн Синони қаерда бўлса ҳам топиб келишни буюрибди. Элчилар Хоразм хони ҳузурига келиб, буюк табибни сўраб олиб кетибдилар. Ибн Сино етиб келганда, шоҳ ундан узр сўрабди. Табиб ҳукмдорга дори ичириб, оғриқни қолдирибди. Анча синчиклаб ўргангандан сўнг ўзича унинг ичак-чавоғини алмаштиришга аҳд қилибди-да, шогирдларига ёш кучукни тайёрлаб туришни буюрибди. Иккинчи куни подшога беҳуш қиладиган дори ичказиб, қорнини ёриб, ҳалиги кучукнинг ичак-чавоқларини кўчириб ўтказибди-да, қайта тикибди. Уч кундан сўнг ҳушига келган ҳукмдор овқат сўрабди. Аммо унга атала, сут, қанд-чойгина беришибди. Бир ҳафтадан кейингина овқат ейишга ижозат берибди.

Бир куни шоҳ Ибн Синодан сўрабди:

— Бунчалик таом еганим билан тўймаслигимга боис недур?

Табиб жавоб ўрнида:

— Бир қошиқ қонимдан кечсангиз, айтурман, — дебди.

— Кечирдим, айтгин.

Ибн Сино батафсил тушунтирибди:

— Эй, олампаноҳ, жон ҳаммагаям ширин, аммо

нафси ёмон инсон умрига заволдур. Сизга ҳамма егулик-ичгулик муҳайёлигидан меъёридан зиёда еб-ичдингиз, охири ичакларингиз озурфа бўлиб, чирий бошлади. Мен сизга кучукнинг ичак-чавоқларини кўчириб ўтказдим. Таомга тўймаслигингизнинг боиси ана шундан.

Подшо жарроҳ Ибн Синога ихлос қўйиб, кўп инъомлар берибди, бош табиблик ёрлиғи ҳам ҳадя этибди.

ГҶДАК ХОТИРАСИ



уюк олим ва табиб Ибн Синонинг сарсонлик ва саргардонлик йиллари экан. У қаён боришни билмай, боши оққан шаҳарларга борибди. Охири борган ери Фарангистон экан. У тез орада фаранг тилини ўрганиб олибди.

Кунларнинг бирида шаҳар кўчаларини айланиб томоша қилиб юрганида, бир кишининг ёқасидан маҳкам тутиб олиб: «Сен ўғрисан, гаввора тўшимни сен ўғирлагансан, юр маҳкамага», — деб шаҳар маҳкамаси томон судрабди. Бу хангомани кўриб оломон йиғилибди. Тўрт-беш киши улар орасига кириб:

— Эй, сен бу ерлик одамга ўхшамайсан, ахир бу одамни танимасдан нега унга тухмат қилаяпсан? — депти. Ибн Сино бўлса, исботим бор, ўғрини топдим. деб маҳкамага судраб олиб борибди. Шаҳар ҳокими олим Ибн Синодан сўрабди:

— Бу одамда қанақа даъвои бор, қаерликсан?

Ибн Сино жавоб берибди:

— Бу ўғри, босқинчи жаллод. Менинг заррин гаввора тўшимни олиб қочган. Гўдак эдим, бунинг афту ангорини таниб олган эдим. Ўзим Бухоро мамлакатининг Афшона қишлоғиданман.

Шаҳар ҳокими олим-аёнларидан сўрабди:

— Бу ердан Бухоро деган шаҳаргача бўлган масофа қанча?

— Олти ойлик йўл, — деб жавоб беришибди улар.
Ҳоким Ибн Синога ўшқирибди:

— Шунчалик узоқ ерга бу одам ҳеч қачон борган эмас, сен ёлғон гапираяпсан.

Сўнг ҳалиги ўғридан сўрабди:

— Сен Бухорода бўлганмидинг? Ўғри:

— Йўқ, бўлган эмасман, — деб жавоб берибди.

Шунда ҳокимнинг қаҳри келиб амр қилибди:

— Бу келгинди тухматчини шаҳардан ҳайдаб чиқаринглар!

Олим ўрнидан жилмай бундай депти:

— Жаноб ҳоким, бизнинг Бухоро мусулмонлари меҳмонни иззат-ҳурмат қиладилар, меҳмон отангдан улуғ дейдилар. Мен келгинди тухматчи эмас, балки рост гапни айтаётган табибман. Ишни ҳақиқат қилинг! Бу одам навкар бўлиб, Бухорога бориб, менинг заррин гаввора тўшимни бешигимдан юлиб олиб келганида, олти ойлик гўдак эдим.

Ҳоким яна ўғридан сўрабди:

— Сен қасам ичдинг, аммо ростини айт, Бухорога борганмидинг, агар яширсанг, оғир жазога тортилажаксан.

Ўғри анча ўйлагандан сўнг, «Рост, борувдим», дебди.
ҳоким яна сўрабди:

— Қандай қилиб шунчалик узоқ юртга боргандинг?

Ўғри иқрор бўлибди:

— Форс мамлакатига аскарликка ёллангандим. Форслар Бухоро ерига бостириб кирган эди. Мен ҳам шу жангда бор эдим. Шунда бир қишлоққа бориб, гўдак беланган бешикдан заррин гаввора тўшини олиб келганим эсимда, — дебди ўғри уялиб. Маҳкамадаги кишилар мусофирнинг ўткир хотирасига қойил қолибдилар. Дарҳақиқат, бу кўҳна оламда қандай антиқа воқеалар бўлмаган дейсиз!

ЛУҚМОНИ ҲАКИМ ҲАҚИДА



луқмоннинг жойи жушдин бўлиб, бир дурадгорнинг кули эди. Онаси ва отасининг хизматларини кўп қилганларидан уч минг беш йил умр кўрди.

Луқмондан бунинг сабабини сўрадилар:

— Пайғамбарлик улуғ ишдир, аммо илми-хикматга одамзод муҳтож. Мен илми-хикматни оламан, — деб жавоб берди Луқмони Ҳаким.

Луқмони Ҳакимдан сўрадилар:

— Бу илми-хикмат ва мартабани қаердан топдинг?

— Тўғри йўл юрганимдан топдим, — деб жавоб қилди у.

Ровийлар ривоят қиладилар: Луқмоннинг хўжалари буюрдики, буғдой экин, деб. Аммо Луқмон арпа экдилар. Хўжалари деди:

— Мен сенга буғдой экин девдим, нега сен арпа экин?

Луқмон айтди:

— Арпа эксам буғдой чиқмасми?

Хўжалари айтди:

— Қачон арпадан буғдой чиққанини кўргансан?

Луқмон деди:

— Э, хўжам, нега ёмонлик қилиб, яхшилик умид этарсиз?

Хўжа гуноҳини билиб, тавба қилиб, йўлидан қайтди.

ТИЛ ҚУДРАТИ



адим-қадимларда оқил ва одил бир одамнинг сулув қизи бўлган экан, шу қизга иккита фариштанing ишқи тушибди. Қиз улардан қайси бирига кўнгил беришини билмай қолибди. Фаришталар қизнинг висолига етишиш илинжида елиб-югураверишибди.

Ниҳоят, қиз уларга шундай дебди: «Мен юрт фарзанди бўла оладиган ўғилга она бўлишни истайман. Уни қандай тарбиялашга қодирликларингни билишим керак. Ана шунга қараб сизларга қароримни айтаман». «Бу иш фақат менинг қўлимдан келади. Мен унга илм ўргатадиган риёзиётдан, фалакиётдан сабоқ бераман. Сиёсат билан шуғулланади. Ажнабий тилларни эгаллайди. Оламга донг таратади», дебди биринча фаришта.

Навбат иккинчисига келганда, у айтибди: «Авлоддан-авлодларга мерос қоладиган асосий бойлик — тил. Она тил бор экан, Ватан бор. Халқнинг умр ўлчовини тили белгилайди. Дунёдаги бор гўзаллик ва сеҳрли она алласини эшитмоқлик бахти тил бағрида, мақсадимни англагандирсан? Мен ўғлингни тилига хиёнат қилмасликка, қўшиқ, эртақ, дostonлар айтиб, мана шу она тилимиз учун жонини ҳам аямасликка ўргатаман».

Бу гаплардан олим фаришта қаҳқаҳа уриб кулиб, рақибини ақли-пастликда айблабди. Ўртадаги тортишув жанжалга айланибди. «Жанжаллашманглар, — дебди қиз, — юртда улуг донишманд бор, ўшанинг хузурига борамиз. Ҳаммаси ўша жойда ҳал қилинади. Унинг ҳукми менинг учун қонун бўлади». Донишманд ёнига боришибди. У низо кўзгаган барча гап-сўзларни тинглабди-ю, «ақли паст» фариштага дебди: «Қиз сени севадим-йўқми, билмайман. Лекин оталик шарафига сен лойиқсан...»

ЧОШ ТЕПА



ир тепаликнинг номи Чош тепа экан. Унинг шундай деб аталишига сабаб икки-учга бўлинар экан. Катта тепа, катта тепанинг олдида яна иккита тепа бор экан. Бу тепалар аслида уч ака-укалар экан. Уч ака-ука аҳил-иноқ яшар, кўринган кишига яхшилик қилишар экан. Ҳар йили буғдой экиб, бир жойда катта хирмон қилишар экан. Хирмонни янчиб шохо билан жойлаб, уч соноч буғдой қилар эканлар. Қунлардан бир куни катта ака сафарга кетиб, хирмон кўтариш ўртанча ука билан кичик укага қолибди. Булар буғдоқ экиб, уни ўриб, янчиб, донни тақсимлашга тушибдилар.

— Катта акамиз буғдойни экиш, ўриш, янчишда қатнашмади. Савдодан бой бўлиб қайтади, шунинг учун сомонини унга қолдириб, буғдойини икковлон бўлиб оламиз, — дейишибди-да, бир томонга сомонни уюшибди. Шу тариқа ака-ука буғдойни бўлишга тушибди. Бирови «сеники кўп, меники оз», дебди, иккинчиси «Йўқ, сеники кўп, меники оз», дебди. Икковлон дон талашиб муштлашибди, қонга беланишибди. Шу пайт катта ака келиб қолиб, ундан ҳам ақл қочиб:

— Ҳали шунақами, сомони менгаю буғдойи сизларгами?! — дея унинг ҳам дили бузилиб, жанжалга қўшилиб кетибди. Шу пайт оппоқ соқоли, малла тўнли, қўлида ҳассаси билан Ҳизир бува келиб қолибди-да, гап нимадалигини сўраб-суриштириб, уларни мурсога келтирмоқчи бўлибди: Ҳеч бир иш чикмабди, уч ака-ука кўнмабди. Шунда Ҳизир бува дуо билан катта акани сомонга айлантриб, сомонга кўшибдилар ва Сомон тепа деб атабдилар. Икки ака-укани тупроққа айлантриб, икки кичик тепа қилибдилар. Шу тариқа ака-укалар ўртасидаги иттифоққа путур етиб, улар тепаларга айланишган экан. Ҳизир бува имони йўқ, дили нопок, нияти бузуқ кишиларни тепа, тош ё махлуққа айлантриб қўярканлар...

СУЛАЙМОН АЛАЙҲИССАЛОМ



азрати Довуд темирдан бўлган ҳамма нарасага пир эканлар. Темирчилар, обжувозчилар, тегирмончилар, мойжувозчилар, милтиқсозлар, мерганлар ҳам у кишини ўзларига пир деб билганлар. Довуд ҳар хил китоблар ўқиган, ўқимишли, зўр, бақувват бўлган экан. Таврот, Инжил, Забр, Қуръонни батамом билар экан. Довуд эл орасида жуда эътибор топган бўлиб, халқ ўртасида етишган, унга ғамхўр, меҳрибон, ҳар хил касалликлардан холос этувчи одам ҳисобланаркан. Бу одам жуда меҳнаткаш, бой бўлган эканлар. Довуднинг қирқта ўғли бор экан. Довуд ўзига бино қўйиб, жуда мағрурланиб кетибди. Бундан оллоҳнинг аччиғи келиб, «Мени эсдан чиқарибди», — деб ҳазрати Азроилни чиқариб, унга шундай деб тайинлабди:

— Дарҳол Довуднинг қирқ ўғлининг жонини ол.

Азроил дарров Довуднинг қирқ ўғлининг жонини олибди. Бундан Довуд чуқур қайғу-алам чекибди, тавба-тазарру қилиб, йиғлаб худодан гуноҳини сўрабди. Худонинг раҳми келиб, Азроилга:

— Довудга айт, қирқ ўғлидан зиёд бир ўғил берман! — деб айтибди. Кейин худо Ҳазрати Сулаймонни берибди, Сулаймон Алайҳиссалом дунёга келиб, пайғамбар, кейин подшо бўлибди. Кейин у ер курраси одамларининг ҳаммасини ўзига жалб қилиб олибди. Ер юзидаги дев, пари, инс-жинс, илон ва бошқа ҳашаротлар, чаён, чумоли, қумурсқа ҳамда ҳайвонлар борки, жонини кўзига жойлаб, подшоҳлигини қилиб юраверибди, дунёни адолат билан сўрайверибди. Сувлар ҳам, оловлар ҳам, гиёҳлар ҳам унга тобе бўлиб, Ҳазрат Сулаймон Алайҳиссалом уларнинг тилини ҳам билар эканлар. Ҳар хил дардга йўлиққанлар сувга чироқ ёқиб, оқ эчки, қора кўчқор сўйишлари шундан экан. Фолбинлар фол очиб, «қирқ чироқли сув Сулаймон париси урибди», деб чироқ ёқишлар, эчки, қўй гўшгларини пишириб еди-

ришлар, хомталаш қилишлар шулар жумласидандир. Бирон бир кимсага шикаст етса: «Бу хазрати Довудга мол сўймаган» ва «Сулаймонга чўзма ош қилмаган», деб таъна тошини отишлар ҳам унинг муқаддас номи билан боғлиқ экан.

ОЙМОМА БИЛАН ЗУМРАД



адим-кадим замонлардан кун чиқар томонда бир чол билан кампир ёшини яшаб, ошини ошаб ўтган экан. Уларнинг танҳо бир фарзандлари бўлиб унинг оти Зумрад экан. Зумрад вояга етмасдан туриб аввал отаси ўтибди, кейин онаси вафот этибди. Зумрад ота-онаси дарди билан куйибди, ёнибди. Бошини чўкка урибди, ота-онаси қайтиб келмабди. Қизчага ота-онасидан эски-туски рўзгор буюмлари билан бир мушугу бир ит мерос бўлиб қолибди, холос. Шу аҳволда топса еб, топмаса емай яшайверибди. Ҳеч ким унинг ҳолидан хабар олмабди. Бу ёкка кел, мана буни кий, манавини е, демабди. Кунлардан бир куни бир савдогар уни ўзига чўри қилиб олибди. Савдогар ўта хасис, баджаҳл ва бадхулқ одам экан. Савдогарнинг хотини ҳам тошбағир, бераҳм, зикна экан. Эр хотин қизчага бир зум бўлса ҳам тинчлик беришмабди. Савдогар: «Уни олиб кел, буни қил», деса, хотини: «Ҳой, яшамагур, нима учун анави айтганимни қилмадинг, қон қусгур, нега манави деганимни бажармадинг?» деб қизчани қон қақшатишибди. Эр хотиндан қолишмай, хотин эрдан қолишмай қизини азоблашибди. Зумрад бечора нима қилишини билолмай, тунда томнинг орқасига чиқиб, ой чиққан бўлса ойга, юлдузлар чарақласа, юлдузларга қараб ююм йиғлар экан. Зумраднинг ҳаёти шундай ўтин териш, кир ювиш, овқат пишириш, идиш-товоқ тозалаш, нон ёпиш билан ўтаверибди. Қанчалик ишламасин, қорни нонга, эгни кийимга ёлчимабди. Зумраднинг йиғ-

лай-йиғлай кўз ёши қурибди, ишлай-ишлай дармони битибди. Кунлардан бир куни савдогар билан хотини Зумрадни яна сувга юборишибди. Сув уйдан анча-мунча узокда бўлган ҳовузда экан. Қизча болта билан пақирни олиб, ҳовузга қараб кетибди. Ҳовузга етиб бориб қараса, суви музлаб тошга айланиб қолганмиш. Зумрад ит азобида музни теша бошлабди. Азонга яқин музни тешиб, сувдан олибди-да, уйга келибди. Эр-хотин: «Етимча, нега кеч қолдинг?» — деб бири олиб, бири қўйиб, Зумрадни шунчалик уришиб-сўкишибдики, қиз кўнглидан кетиб қолибди. Совуқ ўтиб, ҳушига келган экан, ўзини очик осмон тагида қор устида ётганини кўрибди. Қаёққа бориб паноҳ топишини билмай, уёққа юрибди, буёққа юрибди. Йиғлабди, кўзининг ёши ерга тушгунча музга айланармиш. Бир пас тўхтаса қотиб музга айланишини ўйлаб юраверибди-юраверибди. Юриб-юриб сув олган ҳовузнинг уёғидан чиқиб қолибди. Миясига бир гап келиб ўйланиб қолибди. «Ҳозир шу ҳовузнинг тешиб сув олган жойига бораман-да, тешиқдан ўзимни ҳовузга ташлайман, кейин музнинг тагида қотиб, музга айланаман. Шундагина бу дунёнинг азоб-уқубатларидан қутиламан», — деган хаёлга борибди. Зумрад шуларни ўйлаб, ҳовузнинг олдига борибди. Тешиқнинг музлаган жойини яна очиб, тиниқ сувни кўрибди-да, ўзини тешиққа ташлай бошлабди. Шу пайт кимдир: «Ҳой, қизча, тўхта, ўзинга ўзинг хиёнат қилма!» — дебди. Зумрад ён-атрофига қарабди. Ҳеч кимни кўрмабди. Яна ҳовузга ташламоқчи бўлса, яна ҳалигидай овоз келибди. Зумрад яна уёқ-буёққа қараса, ҳеч ким йўқ эмиш. Зумрад: «Бу ён-атрофда ҳеч ким йўқ, ким ҳам бўлади. Шунчаки ўзимга ўзим гапиргандирман», — дебди. Энди тешиққа ташлайман деган экан, «Тўхта!» — деган овоз эшитилибди. Қиз ҳовузнинг тушигига қараган экан, шундоққина сувда Ой балқиб, сув бетиде қалқиб турган эмиш.

— Бундай қилма, қизим. Одам ўзига ўзи қасд қилиши яхшимас. Сабр қил, ёруғ кунлар келиб, сенинг пешонанг ҳам ялтираб қолар, — дебди Ой.

Зумрад Ойга жавоб бериб шундай дебди:

— Йўқ, Оймома, ҳеч бўлмаса сен менга раҳм қил. Бундай азоб-уқубатдан кутқаз. Ота-онамдан жудо бўлганимдан буён бирор соат рўшнолик кўрмадим. Дунёга азоб-уқубат кўриш учун келган эканман. Шу кунимдан ўлганим минг карра афзал. Қўй, йўлимни тўсма, ховуз тагида музга айлана қолай.

Зумрадининг гап-сўзлари Ойнинг кўнглини баттар юмшатибди, раҳм-шафқатини оширибди. Аслида Ой ҳам, юлдузлар ҳам Зумрадининг ҳол-аҳволидан хабардор бўлиб, унга ёрдам бермоқчи бўлишар экан-у, иложини топишолмас экан. Оймомо «Ёрдам беришнинг вақтисоати келди», деб Зумрадга яна шундай дебди:

— Йўқ, сен яшашинг керак. Сенга менгина эмас, юлдузлар, истасанг Қуёш ҳам ёрдам беришади. Биз сенинг меҳрибонларингмиз. Ҳали бахтинг очилиб, ҳеч нимани кўрмагандай бўлиб кетасан, — дебди. Шу пайт юлдузлардан беш-олтитаси, Қуёш ҳам осмону фалакдан тушиб келиб, Зумрадни ўраб олишибди. Юлдузлар унга мадад беришибди. Қуёш иситиб совуқ қотган танасига жон киритибди. Ой меҳрибонлик қилибди. Кейин Ой, Қуёш ва юлдузлар ўртасида: «Қизни мен олиб кетаман, йўқ, сен эмас, мен олиб кетаман», деган талаш бошланиб кетибди. Ой:

— Мен олиб кетаман, чунки уни биринчи мен топдим. ўлимдан сақлаб қолдим, — деса, Қуёш:

— Йўқ, уни мен олиб кетаман, — дермиш. Юлдузлар ҳам бўш келишмабди:

— Йўқ, у бизники, уни биз олиб кетамиз-да, сафимизга қўшиб оламиз, — дейишибди. Шунда Оймома юлдузлар билан Қуёшга қараб ялинибди ёлворибди.

— Эй, Қуёш бобо, юлдузвойлар, шу қиз дунёга ке-

либдики, азоб-уқубатда ҳаёт кечирди. Ота-онасидан ёш етим қолгани етмагандай савдогар билан хотини унга ҳар куни минг-минг азоб-уқубат берди. Ишласа-ишламаса сўқди, урди, қийнади. Илтимос қиламан, қизчани менга қолдиришлар. Мен ҳам ёлғизман, қизча ҳам ёлғиз. У менга ҳамроҳ бўлади, бирга-бирга яшасин. Юлдузлар, сенлар кўпчиликсанлар, Қуёш тўра, сен эса қудратли, бир зумда еру кўкни куйдиришга қодирсан, — дебди.

Оймоманинг илтижо, ялиниб-ёлборишидан юлдузлар билан Қуёшнинг раҳмлари келишибди. Аммо Қуёш бўш келмабди:

— Қизнинг ўзидан сўраймиз, — дебди. Қиздан «Ким билан кетасан?» — деб сўрашган экан, у: «Мен ҳеч қачон яхши сўз эшитмадим, ҳуш муомалани кўрмадим. Мени доим уришди, сўқишди, азоблашди. Биронта ҳам меҳрибоним бўлмади. Шу азоб-уқубатлардан қутилмоқчи бўлиб, энди ўзимни ўлдирай деб турсам, Оймома келиб йўлимни тўсди, ўлимдан олиб қолди. Кейин сизлар етиб келиб менга меҳрибончилик қилдинглар. Иложи бўлса, сизлар руҳсат берсанглар, мен халоскорим Оймома билан кетаман. Сизлар билан дўст бўлиб қоламан, — дебди. Қизнинг гапидан эриб кетган юлдузлар Қуёшга:

— Ке, сен ҳам кўна қол. Биз розимиз. Майли, у Оймома билан бўлсин, — дейишибди. Қуёш ҳам ноилож кўнибди. Бечора қизни Ойга бериб, ўз макони осмонга чиқиб кетибди. Юдузлар ҳам қиз ва Ой билан хайр-маъзур қилиб, келган томонларига жўнаб кетишибди.

Ой қизчани олиб, унга меҳрибонликлар кўрсатиб, осмону фалакдаги маконига олиб чиқиб кетибди. Кейин эса Ой унга уйланибди. Қиз ниҳоятда бахтиёр эмиш. Ой тўлганда унга тикилсангиз, ўша қиз хурсанд кулиб турган ҳолатда кўрасиз. Баъзан елкасидаги обкашда икки челақ осилиб турармиш.

Ой уни еру кўкка ишонмасдан ўзи билан қаерга борса бирга олиб юрармиш. Баъзи-баъзиларда қизни йўқотиб қўйса, юзи куйиб, бутунлай қоронғулашар экан. Кейин уни топиб олиб, суюнганидан яна ёришиб, тўлишиб кетар экан.

ЕТТИ ҚАРОҚЧИ ҲАҚИДА РИВОЯТ



овийлар андоқ ривоят қиладиларки, қадим ўтган замонда Еттита қароқчи яшаган экан. Улар бир-бирларидан бақувват, келишган, чиройли эканлар. Қуллардан бир куни Етти қароқчи Ер султонининг якка-ёлғиз хусн-жамолда тенгсиз қизи — маликани ўғирлашиб, осмону фалакка олиб чиқиб кетишибди. Ер султонининг ман-ман деган Паҳлавони бор экан. Султон ана шу Паҳлавонни ёнига чақириб:

— Етти қароқчи осмондан тушиб, ёлғиз қизимни олиб қочишди. Қизимни ерданми, осмонданми топиб, олиб келсанг, бошинг тенги олтин бераман, — дебди. Паҳлавоннинг ўзи ҳам Ер султонининг қизини кўз остига олиб юрган экан, дарров рози бўла қолибди...

Гапни қароқчилардан эшитинг. Қутб юлдузигача етиб боришибди. У билан учрашишгач:

— Биз Ерга тушиб, Ер султонининг ёлғиз қизини ўғирлаб олиб чиқдик. Насиб қилса унга уйланамиз. Энди эса Ер султонининг Паҳлавони орқамиздан қувлаб келаяпти. Ёрдамингни аяма, Қутб юлдузи, — дейишибди.

— Ер одами бу ергача чиқолмайди. Қизни қўлга туширибсизларми, у энди сизларники. Қўрқмасдан шу ерда осмону фалакда яшайверинглар, — деб уларни тинчлантирибди. Нимасини айтасиз, одамнинг қўли етмаган, оёғи бормаган жой йўқ экан. Ер султонининг Паҳлавони Қутб юлдузигача етиб борибди.

— Ер султонининг яккаю ягона қизи — маликани Етти қароқчи ўғирлаб, шу ерга келишган. Мен уларни

ахтариб келдим, қизни олиб бориб отасига топширмоғим шарт. Икки орада адоват уйғониб, қон тўкилмаслиги учун, эй, Қутб юлдузи, сен Етти қароқчига айт, яхшиликча қизни қайтариб беришсин, — дебди. Шунда Қутб юлдузи:

— Мен қаёқдан биламан, балким қизингизнинг ўзи уларни хоҳлагандир, — дебди.

— Йўқ, — дебди Паҳлавон, — улар мажбуран олиб қочишган.

Қутб юлдузи:

— Ундай бўлса, ўзинг излаб топ. Мен аралашсам бўлмайди. Етти қароқчи кейин мени тинч қўйишмайди, — дебди. Паҳлавон Етти қароқчи билан қизни ахтариб кетибди. Аммо уларга етолмай ҳалиям излаб, қувиб юрармиш. Етти қароқчи бўлса, Қутб юлдузи ён-атрофида Паҳлавондан қочиб, узлуксиз айланишармиш. Етти қароқчи, Ер қизи — малика, уни излаб юрган Паҳлавон ҳозир ҳам бири иккинчисидан қочиб, бири иккинчисини қувлаб юрганмиш...

ИЛОН ЗАҲРИ



бу Али ибн Сино ўз даврида кўрмаган касал, шифоламаган хасталик қолмаган экан. Ҳамма дардга даво топган экан-у, аммо икки хасталикка — ишқ-муҳаббат касали билан ўлимга шифо топа олмаган экан. Улуғ табиб даволаган хасталарнинг барчаси тузалиб,

оёққа туриб кетар экан. Аммо бир йигитни табиб даволамай, у ўзини ўзи даволаган экан. Воқеа бундай бўлган экан. Бир чол билан кампирнинг яккаю юлғиз фарзандлари бўлиб, у қаттиқ касалга чалиниб қолибди. Чол билан кампир: «Шу биргина боламиздан ҳам айрилиб қолар эканмиз», — дейишиб, қаттиқ қайғуришибди. Кўнгилларига ҳеч нима сиғмай, фақат болаларини ўйлабдилар. Олдидан кетмасдан, қош-қовоғига термулиб ўлтираверибдилар. Кунлардан бир кун қишлоқ оқсоқоли

чол билан кампирни бу ҳолда кўриб, юраги ачиб, шундай дебди:

— Касалнинг бошида унинг қош-қовоғига термулиб ўлтираверишдан ҳеч бир фойда йўқ. Яхшиси, Бухорои шарифга бориб, Ибн Сино деган табибни топиш керак. Ана шу улуғ табиб ўғлингизнинг дардига малҳам-палҳам топар, — деб маслаҳат берибди. Беморнинг отаси «Бухорои шариф қайдасан?» — деб жўнаб кетибди. Етти кечаю етти кундуз юргач, Бухорога етиб борибди. Сўраб-суриштириб Ибн Синони топибди. Улуғ ҳаким рози бўлибди-да, бир неча кундан кейин чолникига етиб келибди. Касалнинг қачон пайдо бўлгани, қаери қаттиқ оғриши, нималар еб, нималар емаслигини сўраб-суриштириб олибди. Кейин уни даволай бошлабди. Аммо касал яхши бўлиш ўрнига кундан-кунга оғирлашаверибди. Бора-бора бетоб шундай ҳолга келибдики, унинг тузаллишига ота-онада учқунча умид қолмабди. Табиб ҳам ҳайрон эмиш. Охири Ибн Сино охирги муолижани қилмоқчи бўлибди. «Бунга, — дебди табиб, — оқ илоннинг захарини бериш керак. Балким, шундан тузалар. Оқ илон захари ҳам тузатмаса, унинг ўлими муқаррардир». Табиб шундай дебди-да, касалнинг ота-онасига:

— Мен бир ҳафта бу ердан кетаман. Унгача ўғлингизни худога топшираман. Бир ҳафта ичида охирги чора, яна бир доримни бераман. Шунда тузалса тузалади, бўлмаса иложим қанча, — дебди. Ота-онасига айтилган бу гапни бола ичқарида туриб эшитиб олибди. «Бу табиб ҳам дардимга даво топа олмади. Ўлишим нақ экан. Яхшиси ўзимни ўзим ўлдираман-да, оғир дарддан, қийналиб, азоб чекиб ётишдан қутуламан», — дебди. Ётган жойида «қандай қилиб ўзимни ўзим ўлдирсам экан», — деб роса режа туза бошлабди. Табиб жўнаб кетганининг эртасига касал йигит шифтга қараб яна: «Қандай қилиб ўзимни ўзим ўлдирсам», деб хаёл суриб ётган экан, бир оқ илон шифтдан келиб, осифлиқ хурма-чадаги қатикқа бошини бир-икки суқиб олибди. Кейин

изига қайтиб, томнинг шифтида кўздан ғойиб бўлибди. Йигит ўрнидан зўр-базўр туриб: «Барибир дардимга даво йўқ экан. Шу қатикқа илон заҳар солди, чоғи. Қатикни ичаман-да, агар илон унга заҳар солган бўлса, ўламан қоламан», — дебди. Қатикни олиб ичибди. Кейин жойига бориб ётибди. «Ана ўламан, мана ўламан», деб ётаверибди. Кейин уйқу босиб ухлаб қолибди, ота-онаси ухлаганини кўриб, ором олаяпти, безовта қилмайлик, деб уни уйда ёлғиз қолдиришибди. Тонг отибди. Бола уйғониб қараса, ўлмаганмиш. Аксинча, қора терга ботиб ётганмиш. Тушга бориб онасидан сув сўрабди, кечга бориб оз-моз овқат ебди. Аста-секин, кунма-кун дармонга кириб, соғая бошлабди. Табиб келишига яқин бутунлай соғайиб, ўзи ўлтириб овқат ейдиган, очилиб-сочилиб гапирадиган бўлибди. Шу пайт бир шишада оқ илоннинг заҳарини кўтариб Ибн Сино келиб қолибди. Боланинг соппа-соғайиб кетганини кўриб, табиб жуда ҳам хурсанд бўлибди. Қасалдан қандай қилиб тузалганини сўраган экан, йигит ҳамма воқеани бирма-бир айтиб берибди. Ибн Сино йигитга офаринлар айтибди. Оқ илоннинг заҳари қанчалар даво эканлигига ишониб, Бухорога шоду хуррам қайтиб кетибди...

КОРОСКОН



аманган билан Чортоқ ўртасида Короскон деган қишлоқ бор. Бу қишлоқнинг оти асли Короскон эмас, Хар осган экан. Воқеа бундай бўлган экан. Қишлоқ ўртасидан йўл ўтган бўлиб, унинг икки чети чуқур жарлардан иборат экан. Жарликларда ўсган қатор тол ва тераклар йўлнинг икки четида савлат тўкиб, унга чирой бағишлаб турар экан. Кунлардан бир куни бир киши эшагини йўл четидаги теракнинг шохига боғлаб, ўзи номоз ўқий бошлабди. Эшак терак шохидagi баргдан узиб оламан деб интилган экан, оёғи чуқурга тушиб ке-

тиб, тизгини билан теракка осилиб қолибди. Эгаси номозни тугатиб, эшагининг олдига келса, у дарахтда осилиб ўлиб ётган эмиш. Шу пайт кўчадаги аллоплар ўтиб қолибди. Улар Уйчи деган жойга борганда, одамлар қаердан келиб, қаёққа кетишаётганликларини, йўлда нималар кўришганини сўрашибди.

— Йўлда бир харнинг йўл четида дарахтга осилиб ётганини кўрдик, — дебди аллоплар боши... Шундан кейин одамлар кимни кўришса, «Хар осилган жойдан ҳам ўтдингларми?» — деб сўрайдиган бўлишибди. Кейин бора-бора ҳар осган — Короскон номини олибди... Короскон аслида Хар осган экан...

ҚИЗ ВА МУЛЛА ЗОҲИД



адим-қадим замонда Вобкентда бир Мулла Воҳид деган одам яшаган экан. Мулла Воҳид кўп ақлли, доно, фаҳм-фаросатли киши экан. Самарқанду Бухорода, Дамашку Қоҳирада ўқиб, жуда кўп илмдан хабардор бўлиб, ўқимаган китоби қолмаган экан. Ақли расо, илми мўллигидан одамлар уни «Алломайи замона» деб атайдиган бўлишибди. Мулла Воҳид ҳам илмига амал қилиб, одоб-ахлоқ намунасини кўрсатиб, элнинг обрўсини олибди. Кунлардан бир куни у сафарга чиқибди. «Шунча ўқиганим етар, таниш-нотаниш одамларни кўрай», деб узоқ йўлни босиб ўтибди. Қишлоқ ва шаҳарларни кезибди. Таниш-нотаниш одамлар орасида бўлиб, дўст-биродарлар орттирибди. Юриб-юриб бир шаҳарга етиб борибди. Бир уйнинг эшигини тақиллатибди. Уйдан бир кампир аёл чиқиб:

— Нима юмушинг бор, болам? Агар меҳмон бўлсанг, чолим бозордан келсин, ўшанда уйга кирарсан, — дебди. Мулла Воҳид:

— Эй, она, менга бир коса сув берсангиз бўлгани. Узоқдан келаётирман, кўп сувсадим, — дебди. Кам-

пир уйга кириб кетиб, бир коса сув олиб чиқибди. Сувни қўлига олган Мулла Воҳид косадаги сувнинг лойқаланганини кўриб, уни ичишдан ўзини тийибди.

— Сувнинг муздаклигидан кўзада сақлаганга ўхшайсизлар. Аммо негадир лойқароқ-а? — деб сўрабди Мулла Воҳид кампирдан. Шунда кампир:

— Бу қизимнинг иши, у атайлаб сувни чайқатиб лойқалаган. Сен узоқдан келган кўринасан. Узоқ йўл босиб чанқаб келдингми, демак, томоғинг қурқшаб танинг қизиган. Шу ҳолатда сувни ичсанг, саломатлигингга зиён етмай қолмайди. Томоғинг оғриб, ўпканг шамоллаши, ичакларинг яллиғланиши мумкин. Сувнинг лойқаси тингунча у бир оз шаштидан тушади, яъни дами кесилади, ўзинг бир оз совийсан. Сўнг ичсанг бўлади.

Мулла Воҳид сувнинг тинишини кутибди, ўзи ҳам бир оз совубди. Шундан кейин сувни ичибди. Кейин Мулла Воҳид ўзига-ўзи дебди: «Мен шунча ўқиб, шунча кезиб шу қизчалик бўлмабман. Бу жуда оқила, доно ва фаросатли қиз бўлса керак. Борди-ю, насиб қилса шунга уйланаман. Қанча изламай бундан ортигини тополмайман», — дебди. Мулла Воҳид уйига келиб, ота-онасини қизникига совчилikka юборибди. Ота-онаси узоқ йўл босиб қизникига етиб келишибди. Эшикни тақиллатишган экан, яна кампир чиқибди. Булар сув сўрашибди. Кампир бир йўқ бўлиб кетиб, челақда лойқаланган сув олиб чиқибди. Ўғлимиз айтган жой шуми-йўқми, деб хавотирланиб туришган экан, лойқаланган сувни кўриб, кўнгиллари ўрнига тушибди. «Боламиз айтган хонадон шу экан», дейишиб, сувни тиндириб, шу орада ўзлари ҳам бир оз совиб, уни ичишибди-да, мақсадга кўчишибди.

— Сизда қиз бор экан, бизда ўғил бор, шуларнинг бошини қовуштиргани келдик. Қиз бизники бўлсин, ўғил сизники бўлсин, — дейишибди. Кампир уларни ичкарига бошлаб, чоли билан қизига совчилар келганини

айтибди. Қиз, одатдагидек, совчиларга савол билан му-
рожаат қилибди:

— Ўғлингизнинг касби нима?

— Ўғлимиз олим, кўпни кезиб, дунё кўрган
сайёх, — дейишибди.

— Бу касб эмас, ҳавас, — дебди қиз. Кейин: — Мен
нима касби бор, деб сўраяпман, — дебди.

— Касбини билмадиг-у, аммо илми билан сайёхлиги
бор, — дейишибди. Қиз:

— Демак, олим бўлибди-ю, одам бўлмабди, сайёх-
лик қилибди-ю, ақли кирмабди, — деб жавоб берибди.
Кейин: — Мен у кишига, у киши менга лойиқ эмас экан-
миз. Энди сизларга жавоб, — деб уларни йўлга солиб
юборибди.

Мулла Воҳиднинг ота-онаси тарвузлари қўлтиқлари-
дан тушиб, Вобкентга қайтиб кетишибди-да, бўлган во-
қеани ўғилларига айтиб беришибди. Мулла Воҳид:

— Мен кўп ўқиб, олим бўлибман-у, одам бўлмаб-
ман. Кўп саёҳатга чиқиб олам кезибман-у, лекин ақлу
хушим жойига етмабди, шу оддий қизчалик ақл-хуш
орттирмабман. Мен ҳунар ўрганишим, саёҳатда юриб
сувни қачон ичишу қачон ичмасликни билишим, яъни
қандай қилиб саломатлигимни сақлашни ўрганишим ке-
рак эди, — дебди. Ота-онасидан рухсат олиб, бир уста-
ра шоғирд тушиб уй қуриш, девор олиш, том ёпиш, уни
безаш йўллариини ўрганибди. Саёҳатга чиқиб, қанча сув
ичишни, иссиқ-совуқнинг фарқига етишни ҳам ўрганиб-
ди. Шундан кейин ота-онасини яна қизниқига юбориб-
ди. Қиз яна синаб кўрибди. Мулла Воҳиднинг ота-онаси:

— Боламиз яхши уста, сафарда узоқ йўл босиб кел-
ганда, ўзини тута билишни ўрганган сайёх, — дебдилар.
Қиз:

— Ҳунарли бўлгани яхши, соғлиғига қараши ҳам
маъқул. Энди бир гапим бор. У ҳам бўлса, мен у киши
билан тенг бўлмоғим лозим, — дебди.

Ота-онаси шартни қабул қилишибди. Мулла Воҳид

катта тўй қилиб, қизни хотинликка олибди. Тўй куни қиздан:

— Сизга муносиб ёр, қадрдон дўст-биродар ва яхши йўлдош бўлишим учун нима қилмоғим керак? Қандай шартларингиз бор? — дебди. Қиз:

— Мени йўқлиб келадиган ота-онам, қавму-қариндошим, сингил-ўртоқларимни ақлу хушни ишга солиб, очик кўнгил, хушмуомалалик билан кутиб олиб, қўлингиздан келганча уларнинг ҳурмат-иззатини жойига қўясиз, — дебди. Қизнинг талабини Мулла Воҳид қабул қилибди. Ўз навбатида қиз ҳам Мулла Воҳиддан:

— Сизни бегим деб рози-ризо қилмоғим, муносиб ёр, умрли йўлдош бўлишим учун, мен қандай киши бўлмоғим лозим? — деб сўрабди. Мулла Воҳид:

— Мени деб шунчалик азобу уқубатлар тортган, сизга бориб, сизни олиб келган қари ота-онамнинг ҳурматини қилиб, дуоларини олсангиз, дўст-биродарларимни очик юз, ёруғ пешона билан қабул қилиб, бор-йўғимни сездирмай обрў-эътиборимни ҳимоя қилсангиз бўлгани, — дебди. Қиз Мулла Воҳиднинг талабини бажонидил қабул қилибди. Икковлон бир-бирини тушуниб, бири хўкиз, бири қўш бўлиб, умр ташвишларининг яхши-ёмон томонларини биргаликда баҳам кўриб, аҳил иноқ яшашибди. Умрларига умр қўшилибди.

ЧЎЛИ МАЛИК



Ўли Малик деган жой бор. Нега шундай дейилади, биласизми? Билмасангиз, мана эшитинг. Қадим-қадимларда шаҳри азим Бухоронинг хони вақти-вақти билан, қишлоқларимда нима гап экан, бир билай. деб ўзига қарашли қишлоқларни кезар экан. У қишлоқдан бу қишлоққа ўтиб, ёмонларнинг жазосини бераркан, яхшиларни эса мукофотларкан. Қунлардан бир куни бир қанча қишлоқларни, бекликларни

айланиб жуда чарчабди. Бир жойга келганда, шу жойга чодир тикинлар, дам оламиз, чарчадим, дебди. Чодирлар тикилибди. Амирга хос чодирга хоннинг ўзи қўнибди. Амалдору уламоларга ҳам чодирлар тикилиб, ҳамма жойлашиб, дам ола бошлабди.

Хоннинг бир шотири, яъни жиловдори бор экан. Унинг оти Малик экан. У хон ухлаганда ёнида, юрганда отининг жиловида бўларкан. Хон янги тикилган чодирда дам олиб туриб, уйқуга кетибди. Малик бўлса, ёнида чивин қўриб ўлтирибди. Бир пайт Малик хоннинг чивинини қўриб ўтирса, бир чивин унинг бурнидан чиқибди-да, асал тўла коса четидан айланиб-айланиб бир тешикка кириб кетибди. Маликвой қараб турса, ҳалиги чивин тешикдан чиқиб келибди-да, яна асал тўла косанинг четидан айланиб-айланиб хоннинг бурнига кириб кетибди. Маликвой қизиқсиниб, «Яна нима бўларкан?» — деб диққат билан қараб тураверибди. Бир пасдан кейин бояғи чивин яна хоннинг бурнидан чиқиб, асал тўла коса қиргоғида юриб-юриб, ҳалиги тешикнинг оғзига бося кириб, унга кириб кетибди. Бир оздан сўнг чивин тешикдан чиқибди-да, яна келган йўлидан юриб келиб, хоннинг бурнига кириб кетибди. Маликвой бу воқеани кўриб тагин ҳам хайрон бўлибди. Бир оздан сўнг чивин ҳалиги қилигини яна такрорлабди, яъни амирнинг бурнидан чиқиб, асал тўла коса қиргоғидан юриб-юриб, тешикка кириб чиқибди-да, яна ўша асал тўла коса устидан юриб хоннинг бурнига кириб кетибди. Маликвой: «Бу нима сир бўлди?» — деб бешбаттар хайрон бўлибди. Чивинни ўлдирай деса у ҳадеб хоннинг бурнидан чиқиб тешикка кириб, тешикдан чиқиб бурунга кирарибди. Маликвой нима қилишини билолмай, боши қоғиб турган экан, хон уйғониб қолибди... Овқат устида хон туш кўрганини айтибди.

— Тушимда, — дебди хон, — салтанатимни ташлаб, узоқ чўлга чиқиб кетибман. Чўлда юра-юра бир дарёю азимга етибман. Дарёга узундан-узун кўприк

солинган эмиш. Шу кўприкдан нариги қиргоғига ўтибман-да, бир горга кирибман. Горнинг ичида икки хум бор эмиш. Хумнинг ичига қарабман. Қарасам, иккови ҳам тўла тилло эмиш. Тиллоларни олай десам, атрофимни илону чаёнлар ўраб олганмиш, тиллони олдиргани қўймасмиш. Шундай қилиб, тиллоларни олмай гордан чиқдим-да, чўлда юра-юра шаҳарга етиб келдим.

Хон сўзини тугатгач, ўлтирганлардан: «Тушимнинг таъбирини қандай тушунтирасиз?» — деб сўрабди. Хон одамларидан бирови бундай дебди, бошқаси ундай дебди-ю, анигини айтолмабди. Маликвой чивин билан бўлган воқеани эслаб: «Бунда бир сир бор», — дебди-ю, яна ҳеч нима демабди. Ҳозини касалга солибди. Хон:

— Бўлмаса, сен шу чодирда қол-да, тузалгач, бизга етиб оларсан, — дебди. Ҳамма келган томонига қараб жўнаб кетибди. Маликвой дарров кўлига кетмон олиб чивин кириб чиққан тешикни ковлай бошлабди. Ҳақиқатан ҳам тешикнинг тагида икки хум тилла бор экан. Илон, чаёнларни ҳайдаб юбориб тиллолардан олибди. Ҳамма ёққа жар солдириб, энг яхши усталарни олдириб келиб, шу ерга шаҳар қурдирибди. Сувлар чиқариб чўлни бўстон қилибди. Шу-шу чўлни «Чўли Малик» деб айтадиган бўлишибди. Шу чўл ҳозир ҳам бор...

ҲОЖИ ЕДГОРНИНГ КИТОБИ



ухоро хони Абдулазизнинг айғоқчилари Эрон шоҳи Сулаймоннинг кўнглига ёмон ният тушиб, бостириб келишга тайёргарлик кўраётгани хабарини етказибди. Хон икки орада қон тўкилишини истамай, Эрон шоҳига совға-саломлар юбориб инсофга чақирмоқчи, у билан иноқ дўст бўлиш ниятида эканини билдирибди. Вазирлари билан яқин кишиларига шу ҳақда маслаҳат солибди. «Нима юборсак, шоҳга маъ-

қул бўларкин?» — деган масалада ҳар хил гап-сўзлар бўлибди. Вазирлардан бирови, нодир тошлардан юборинг деса, иккинчиси, турли қимматбаҳо газлама-материаллардан жўнатсангиз маъқул тушади, дебди. Яна бири, ихтиёрингиздаги энг яхши арғумоқлардан совға қилинг, дебди, бошқаси ўргатилган лочинлардан, қирғийлардан, бургутлардан жўнатилинг, Эрон шоҳи Сулаймон овға қизиқади, юборганларингиз албатта маъқул бўлади дейишибди. Хуллас, биров, уни жўнатилинг, дебди, бошқа, буни юборинг, дебди. Шу пайт Ҳожи Ёдгор келиб қолибди. Гап нимада эканлигини билгач:

— Мана шу китобни етти йил битдим. Кўп меҳнатим билан ақлу заковатимни сарфладим. Шунини юборинг-чи, зора Эрон шоҳига маъқул тушса, — дебди. Бу гап Абдулазиз хонга маъқул бўлибди. Лекин Абдулазиз бир китобнинг ўзини жўнатишни лозим топмабди. Унга қимматбаҳо тошлар, ёқутлар, зарлар, турли-туман газлама-матолар, қўша-қўша арғумоқлар, лочин, қирғий, бургутлар, қўша-қўша туяларда молу дунёлар юборибди. Эрон шоҳи совғаларни олиб, уларнинг ҳеч бирига эътибор бермабди. Ҳожи Ёдгор етти йил давомида китобот қилган Хофиз ғазалларидан ташкил топган китобни эса қўлига олиб, уни ўпиб пешонасига теккизиб, шундай дебди:

— Ҳай, турган аҳли фуқаро, вазиру уламоларим, Бухоро устига қўшин тортиб боришни дилга жо қилган эдим. Бу ниятдан қайтдим. Бухоро хони менга ажойиб бир нодир китоб юбориб, дўст-биродарликни таклиф этибди. Бутун дунёнинг барча бойликларини ақл-донишмандлигини ушбу муқовали хазинада менга тухфа қилибди. Шу тухфачаси туфайли ҳам у билан ўла-ўлгунча дўст-биродар бўлиб қоламан! — Эрон шоҳи Сулаймон шундай дебди-да, элчиларни яхши кутиб олиб, роса меҳмон қилибди. Иззат-икромларини жойига қўйиб, бошдан-оёқ сарполар берибди. Бир китоб туфайли икки мамлакат ўртасида уруш чиқиши тўхтаб қолибди.

ОШИҚ-МАЪШУҚ ТОШИ



адим-қадимларда Қизилжумга туташ Бурхон тоғи ён бағрида Бурхонбой деган жуда бою бадавлат бир киши яшаган экан. Унинг кўйлари ёйилса, Қизилжумга тўларкан, молу дунёсини туяларга ортса, бу дунёда туя етмай қоларкан. Бир жойга уйса тоғдан баланд бўларкан. Бурхонбойнинг ўғли йўқ экан. Биттаю битта қизи бўлиб, у жуда ҳам чиройли, қадди-қомати келишган, ўзига хўб ярашган экан. Мактабда ўқиб савод чиқарган, оқ-қорани таниган, ақлли, доно қиз экан. У ўқиш-ёзиш билан бирга суратлар чизар, ғазаллар битиб, кўшиқлар айтар экан. Кунини тоғу тошларга суратлар чизиш, ғазаллар битиб, кўшиқлар айтиш билан ўтказар экан. Қизнинг касби-кори, хусн-жамоли, ақлу идроки, айниқса, сураткашлиги ҳамма ёққа овоза бўлибди. Ҳарёқ-ҳарёқлардан совчилар кела бошлабди. Аммо қиз ҳамма совчиларни бирма-бир рад этаверибди. Кунлардан бир кун қиз тоғлар этагидаги қояларга одамлар, ҳайвонлар, гуллар расмини чизиб турган экан. Бу мамлакатга кўшни юртдан бир овчи йигит ов овлаб юриб, қизнинг олдидан чиқиб қолибди. Бу йигит ҳам жуда бақувват, келишган, йигитларнинг султони экан. Донишмандлик бобида ҳам тенги йўқ экан. Қизнинг кўзи йигитга тушибди, йигитнинг нигоҳи қизга тушибди. Ишқ-муҳаббат қизиқ экан, бир кўришишда пайдо бўлар экан-у, бир умр қизга ҳам, йигитга ҳам муҳрланиб қоларкан. Қиз билан овчи йигит ҳам икковлари бир-бирларини кўришган замониёқ ёқтириб, севишиб қолишибди. Кейин: «Умрбод бирга бўламиз, бизни бир-биримиздан фақат ўлим ажрата олади. холос», деб аҳду паймон қилишибди. Севги ёмон нарса экан, севишганлар бир кун бир-бирларини кўришмаса, туришолмас эмиш. Шунинг учун ҳам йигит билан қиз учрашиб, бир-бирларининг дийдорларидан баҳраманд бўлиб қолишибди. Аммо бу узокқа чўзилмабди. Бир кунни

айғокчи чўпонлардан бири қиз билан овчи йигит хуфёна учрашиб, висол онларини биргаликда баҳам кўришаётганларидан хабар топиб қолибди. Бурхонбойдан пул-мол таъма қилиб, хиёнатга йўл тутибди. Қизи билан овчи йигитнинг учрашиб туришларини бойга айтибди. Айтибгина қолмасдан уларнинг олдига бошлаб борибди. Қизини ошиги огушида дунёдаги ҳамма бойлигу шодлик-қувончлардан маст, дунёни унутган ҳолда кўрган Бурхонбой иккаловига раҳм-шафқат қилмабди. Йигитларига буюриб, овчи йигитни ушлатиб, тоғнинг энг баланд чўққисига олиб чиқтирибди. Йигитга маъшуқасидан воз кечса, ўлмай қолишини айтибди. Йигит кўнмабди, маъшуқасидан воз кечмаслигини айтибди. Қизига овчи йигитдан воз кечишни айтибди. Қизи ҳам ҳеч қачон воз кечмаслигини айтибди. Бурхонбойнинг буйруғи билан йигитни чўққидан ташлабдилар. Қиз қон-қон йиглабди. Ақлу ҳушидан озибди, отасидан юз ўгириб, тоғу тошларга чиқиб кетибди. Телбасифат ҳолда суратлар чизишни давом эттираверибди. Тоғнинг энг баланд, энг кўринарли жойига ошигининг бўй-басти билан суратини солибди. Худодан ўзини ҳам тошга айлантириб қўйишини илтижо қилибди. Кейин ўзини тоғдан отибди. Юмалаб-юмалаб ошиги тўхтаб тошга айланиб қолган жойга келгач, бу ҳам тошга айланибди. Иккалови ёнма-ён тошга айланган ҳолда турармиш. Воқеадан хабар топган халқ тоғни Бурхонбой тоғи, тошларни «ошиқ-маъшуқлар тоши» деб атай бошлабди.

Ўша «Ошиқ-маъшуқ тоши» изғирин совуқлар, селу жалалар, шамолу бўронларга қарамай, ҳозир ҳам сақланиб қолган...

ИЛОН СУЗГОН



ир кампир кечқурун сигир соғиб, сутини косаларга солиб қўяркан. Эрталаб қараса, бир коса сут ўрнида битта олтин танга турган эмиш. Кампир хайрон бўлибди. Эрта ва индинига ҳам шу воқеа рўй берибди. Кампир кечаси ухламай кузата бошлабди. Қараса, бир катта илон пайдо бўлиб, сутни ичиб, кейин тилла ташлар экан ва бир тешикка кириб кетаркан. Кампир сирни қўшнисига айтибди. Қўшниси катта қозонда ёғ қиздириб, илоннинг инига қўйибди. Шундан сўнг илон чиқиб бутун қишлоқни вайрон қилиб ташлабди. Халқ пастга қараб қочибди. Шу-шу қишлоқ «Илон сузгон» деб аталибди.

ДАҚҚИ ЮНУС



аққи Юнус золимлик билан ном чиқарган, динига кирмаганларни шафқатсиз жазолаган. Унинг ғазабидан қўрққан саккиз киши ҳамда бир ит ғорга яширинган ва уйқуга кетган. Уйғонганларидан сўнг улардан бири Ямлихо овқат келтириш учун бозорга борган ва нон сотиб олмоқчи бўлган. Лекин нонвой Ямлихо берган пулни қайтариб берган. Улар бир-бирларининг гапларига тушунмаганлар. Сўнгра тилмоч чақирганлар. Бу Даққи Юнусдан қолган пул энди ўтмайди, деган тилмоч. Маълум бўлишича, Даққи Юнуснинг ўлганига 300 йил бўлган, ғорга яширинганлар эса шунча вақт давомида ухлаган эмишлар...

ХАЗОРАСП



адим-қадимларда бир мамлакатда учар отлар бўлган экан. Улар учиб келиб, булоқдан сув ичиб бўлишгач, яна келган томонларига қараб учиб кетишар экан. Терласалар қон терлар эканлар. Одамлар ана шу отларни тутиб минмоқчи, қўшга қўшмоқчи бўлишибди.

Ҳеч қандай йўл билан уларни ушлолмагач, учар отлар доим келиб сув ичадиган булоққа беҳуш қиладиган дорилардан сепиб қўйишибди. Отлар учиб келиб, одатдагидек булоқ сувидан сипқориб, тўйиб-тўйиб ичишибди-да, ҳушдан кетиб бирин-кетин қулай бошлабдилар. Бутазорларда пойлаб турган одамлар югуришиб чиқиб, отларни ушлаб миниб олаверибдилар. Кейин қанотларини қирқиб, улардан минишда, қўшга қўшишда фойдаланибдилар. Шу булоқ атрофи обод, кўркам бўлиб кетибди. Экинзорлар пайдо бўлибди. Одамлар бу жойнинг номини Хазорасп, яъни минг от қўнган, минг от тутилган жой, деб юрита бошлабдилар.

ИСКАНДАРНИНГ ШОХИ



адим-қадимларда номи дунёнинг етти иқлимига таралган бир подшоҳ яшаб, узок умр кўрган экан. Унинг оти Шох Искандар экан. Баъзилар уни Зулқарнайн, яъни икки шохи бўлиб, уни ҳеч кимга кўрсатмай, ниҳоятда аҳтиётлар экан. Шу Зулқарнайн оз эмас, кўп эмас, беш юз йил умр кўрибди. Вақти қазоси етиб, ўлими олдидан онасига шундай илтимос қилибди:

— Эй, онажон. Менга кўз бердинг — жаҳонни кўрдим, тил бердинг — уни қурол қилиб, дунёни эгалладим, оёқ бердинг — оламни кездим, ақл бердинг — элу юртларни адолат билан сўрадим. Бормаган ерим, кўрмаган куним, сўрамаган давлатим қолмади. Энди вақти соати

етди, ўлим ҳақ, ундан ҳеч қаяққа қочиб қутулмайман. Магар ўлсам мени Хурум дарёсининг энг чуқур тагига кўмдиринг. У ерга менга ўхшаш бир қанча Искандарлар кўмилган бўлсин. Мен ҳам ўшалар орасида бўлай. Агар бошингизга бирор мушкул иш тушса, ё қийналиб қолсангиз, Хурум дарёсининг қирғоғига бориб: «Ҳой, Искандар болам, чиқ!» — деб чақирсангиз, мен дарров чиқаман, — дебди. Искандар Зулқарнайн шундай деб васият қилгач, вафот этибди. Кунлардан бир кун онасининг бошига кулфат тушиб, Искандар Зулқарнайн кўмилган жойга бориб, Хурум дарёсига қараб: «Искандар болам, чиқ!» — деб қичқирди. Овоз чиқмабди. Онаси яна чақирди. Яна овоз чиқмабди. Онаси охири мартаба: «Искандар, болам, чиқ!» — деган экан, дарё ичидан: «Қайси биримизни чақираяпти бу она?» — деган овоз келибди. Онаси: «Мен Искандар Зулқарнайнни чақираяман», — дебди. Шу пайт дарё иккига ёрилиб, Искандар Зулқарнайн бошидаги иккита шохларини кўрсатиб: «Искандар Зулқарнайн мен бўламан!» — деб чиқиб келибди-да, онаси айтган юмушни бажариб бўлгач, яна дарёга тушиб йўқ бўлиб кетибди.

НАВОЙНИНГ ДЎСТИ



луғ шоир Алишер Навоийнинг Паҳлавон Муҳаммад деган шогирди ҳам дўсти бор экан. Шоир уни жуда яхши кўрар, шогирди бўлса ҳам кадрдон, сирдош дўсти деб билар экан. Кунлардан бир куни Паҳлавон Муҳаммад кичик бир гуноҳи туфайли Султон Ҳусайннинг қаттиқ ғазабига учрабди. Воқеа бундай бўлибди: Султон Ҳусайн ғазаб отига миниб турган бир пайтда Паҳлавоннинг гуноҳ иш қилиб қўйганини етказишибди. Ҳусайн Бойқаро:

— Паҳлавоннинг соқол-мўйловини қириб ташланглар, сўнг калтадум либос кийдириб, қўча-қўйда сазойи

килинглар, — деб буйруқ берибди. Паҳлавоннинг бундай жазога гирифторм бўлганини Навоийга айтишибди. Навоий, агар бу жазо амалга оширилса, Муҳаммад Паҳлавоннинг иззат-нафси камситилиб, у бунга чидолмай ўлиб қолишини англаб, уни бундай шармандалиқдан қутқазиб ҳаракатига тушибди. Тезликда Ҳусайн Бойқаро ҳузурига етиб бориб:

— Султони Бокарам, маълумингизки, мен ва Паҳлавон Муҳаммад ёшлигимиздан бир хил кийинамиз, бирга соқол-мўйлов қўйиб, дўст-биродар бўлиб юрамиз. У бошқа кийиниб, мен бошқа кийиб юрсам, ўртадаги аҳд бузилиб, гашимиз тузсиз, ўзимиз субутсиз бўлиб қоламиз. Буюрсангиз, менинг ҳам соқол-мўйловларимни қирсинлар, менга ҳам худди Паҳлавон Муҳаммадга берилгандек калта либос кийгизибли, дўстим билан бирга кўча айлантирсинлар, — дебди.

Навоийнинг шогирди ҳамда дўстига бўлган садоқатини, меҳр-оқибатини кўрган Ҳусайн Бойқаро ғазаб отидан тушиб, карам дарёси мавж олганини ўзи ҳам билмай қолибди-да:

— Паҳлавоннинг гуноҳидан ўтдим, жазо қолдирилсин, — деб буюрибди.

УСТОЗ УГИТИ



лишер Навоий бутун умри давомида яхшиларни қўллаб-қувватлаб, ёмонларни лаънатлаб ўтган эканлар. Яхши одам бўлса, еб турганларини бериб, кийиб турганларини кийдириб, яхши сўзию хушмуомалаларини аямас эканлар. Ёмон одам бўлса, ҳеч нима бермас ва едирмас эканлар. Аммо шоир яшаган даврда яхшилар оз-у, ёмонлар кўп экан. Ёмонлар кўпайиб кетаверганидан уларни подшолик ҳам жиловлай олмай қолибди. Шунда Ҳусайн Бойқаро:

— Дўстим Алишер, юртда ўғри, порахўр, жоҳил

одамлар кўпайиб кетди. Бунинг олди олинмаса, салтанат инқирозга юз тутиши табиийдир. Шунинг бирор тадбирини қилмасак бўлмайди. — дебди.

Навоий кўп ақли, ҳар бир гапни ўйлаб, тарозига солиб гапирар экан. Ҳар бир ишни ҳам «етти ўлчаб бир кес» қабилида қилар экан. Ҳусайн Бойқаронинг гапи ўйлантириб қўйибди. Кейин:

— Султоним, гапингизни ўйлаб кўриш керак. Ҳақиқатан, одамлар орасида ўғрилар, жоҳиллар, дилозорлар кўпайиб кетмоқда, — дебди. Шу-шу бўлиб Навоий кишиларни ёмон йўлдан қайтариб, яхши йўлга солиш режасини туза бошлабди. Ўзининг бир ин чикара олмаслигига ақли етиб, устозининг олдига бориб воқеани айтиб берибди. Устози:

— Бунинг бирдан-бир йўли одамларнинг қабристонда кўпроқ бўлишларига эришмоқдир. Кишилар қабристонга тез-тез бориб, бу оламдан кўз юмган ота-оналари, хешлари, қариндош-уруғларининг қабрларини зиёрат қилсалар, бу ҳол уларга ўзгача таъсир қилади. Ахир, «Тўлиб кетсанг қабристонга бор, тошиб кетсанг — дарёга», деб бежиз айтилмаган. Мозорга борган киши уни супуриб-сидиради, гул эккан бўлса, сув қуяди, тоат-ибодат қилади. Шундай пайтда у ўйлайди, бир кунмас-бир кун шу ерга келишини билади, подшоҳми ё гадо-бари бир вақти-соати етганда шу жойда ётишини англайди. кейин: «Кел-а, бу дунёда яхшилик қилган ҳам ўтар экан, ёмонлик қилган ҳам, яхшиликка юз тутай», — деб ўйлайди ва инсофга келиб ўзгаради, яхшилик йўлини тутайди. — дебди. Навоий устозига тасаннолар айтибди-да, дўсти султон Ҳусайн Бойқаронинг олдига келиб:

— Шундай бир фармон битмоқ керакки, ҳамма шодлик кунларини ҳам, нохуш кунларини ҳам қабристонда ўтказсин, — деб маслаҳат берибди. Ҳусайн Бойқаро шундай деб фармони олий битибди. Ҳамма яхши, байрам кунларини ҳам, маърака маросимларини

хам қабристонда ўтказа бошлашибди. Қабристонлар обод бўла бошлабди, Қабристон бамисоли тарбия воситаси, маконига айланибди. Бора-бора ўғрилар ҳам, қароқчилар ҳам қабристонга бориб, ўзларининг хатти-ҳаракатларини, хулқ-атворларини ўзгартира бошлабдилар.

...Шаҳри азим Ҳиротда бир нечта ўғри-қароқчи бор экан. Уларнинг бирови ҳар қандай қулфни осонлик билан очиб, уйни ўмариб кета олса, бошқаси ҳар қандай қоровулнинг кўзини шамғалат қилиб, кўзлаган нарсасини ўғирлай олар экан. Аслида уларнинг устози бўлиб, у уйнинг орқасида туриб ичида нима, қаерда туришини билар, қаршисида ким турмасин — хазина сақловчими ё подшоҳ жаллодми, барибир унинг кўзини шамғалат қилиб, мўлжаллаган нарсасини ўғирлаб кета олар экан. Бу устоз ўғри вафот этиб, кўпчилик қатори қабристонга қўйилган экан. Ҳалиги икки ўғри фармонга қадар қабристонга бориб, устозлари қабрини зиёрат қилмаган эканлар. Фармонни эшитиб, вақтларини кўпчилик билан қабристонда ўтказишга қарор қилишибди. Қабристонга бориб устозлари қабрини зиёрат қилишибди, қуръон ўқишибди, уни ўт-алафлардан тозалашибди. Шу вақтгача бу ерга келмаганликларидан устозларининг қабри қаровсиз қолиб, ўт-алаф босиб ётганини кўриб афсусланишибди. Шунда ўғриларнинг бири:

— Кишининг ҳоли шу экан, оқибат натижада биз ҳам шу ерга келар эканмиз, яхшиси ўғрилиқни ташлаб, бирон-бир фойдалироқ иш билан шуғулланайлик, — дебди. Бу гап бошқасига ҳам таъсир қилибди. Икковлон ўғрилиқни ташлаб, ҳалол, пок яшай бошлашибди. Навоий билан устозининг ҳаракатлари туфайли юртда ўғри, жоҳил, бадфеъл одамлар камайиб, одамлар ўртасида ахиллик, биродарлик, ва меҳр-оқибат кучайиб бораётганини кўрган Ҳусайн Бойқаро Навоий билан устоziга қойил қолиб, тасаннолар айтибди¹.

¹ Бу ривоятнинг бир вариантини фольклоршунос С. Умаров ҳам ёзиб олиб, чоң эттирган.

СЎФИ ҚИШЛОҚ



зоқ ўтмиш замонда Душанбе, Ҳисор томонда Файзиобод деган тоғли қишлоқда бир сўфи бўлган экан. Унинг касбикори ҳар куни беш вақт номоз пайти келгач, азон айтиб номозхонларни мачитга чорлашдан иборат экан.

Бир куни касбидан норози бўлган сўфи ўзига дебди: «Кишилар бу дунёда ҳар бир хайрли ишларни қиладиларки, оламдан ўтганларидан сўнг уларни эслаб юрадилар. Мен дунёга келиб не иш қилдим. Қичқириб азон айтишдан бўлак ҳунарим йўқ. Кел, энди менинг ҳам халққа нафим тегсин, бир каромат кўрсатай». У шундай қилиб ўша кундан бошлаб, сўфиликни топшириб, кетмон, болтасини кўтариб экин-тикин қилгани далага. чиқибди. Аммо Файзиобод ҳам, атроф-қишлоқларнинг ери ҳам тош экан, халқи мол боқар экан. Сўфи ўйлаб туриб, белига иккита понни тугиб, боши оққан томонга жўнаб кетибди. Кўп йўл босиб. Кармана деган тумanning бир қишлоғига келиб қолибди. Одамлар билан чиқишиб олибди. Ҳамма уни «Сўфи бобо» деб ҳурмат қилишармиш. Сўфи бобо ер очиб, деҳқончилик қила бошлаб, одамларни ҳайратга солибди.

Сўфи келиб тушган қишлоқ Қизилқум чўли этагида бўлгани учун баччадузак — одам ўғрилари вақти-вақти билан келиб, ёш йигит-қизларни ўғирлаб кетадиган жой экан. Сўфи бобо бир куни қишлоқ аҳолисига маслаҳат берибди:

— Оғайнилар, келинлар, ҳаммамиз бир бўлиб, шу қишлоқ атрофини баланд қўрғон қилайлик. Ёв келса, ҳаммамиз ана шу қўрғонга кириб оламиз, сўнг қўлимизга ҳар хил қуроллар олиб, душманни бошлаб урамиз. Бунақа қўркиб-писиб юрсак, ўғрилар бола-чақамизнигина эмас, баримизни шилиб олиб кетишади.

Қишлоқ аҳли Сўфи бобога эргашиб қўрғон қуришга киришиб, тез орада уни битказишибди. Сўнг Сўфи бобо бундай дебди:

— Биродарлар, қўрққаннинг кўзига ёв етти кўринар, деганлар. Энди сизлар ўғрилардан сира қўрқманглар. Сизлар молларингни даштга олиб чиқиб боқаверинглар, қоровул қўямиз, у бизга баччадузакларнинг келишидан хабар берсин, биргалашиб уларнинг адабини берамиз, ҳаммангиз қўрғонга кирасиз. Энди қишлоғимизнинг номи ҳам Янгиқўрғон бўлсин, — дебди.

Қўрғон қурилиб бўлгандан кейин одам ўғрилари икки-уч маротаба келишибди, аммо сўфи қичкирган экан, қишлоқ аҳли қуролланиб бир ерга тўпланибди, ўғрилар калтак ушлаган оломонни кўриб изига қайтиб кетаверибди. Сўфи бобонинг мардлиги, донолиги ва раҳнамолиги билан Янгиқўрғон қишлоқ аҳли одам ўғрилари балосидан қутулган экан. Кейинчалик қишлоқ «Сўфи қишлоқ» деб аталибди.

ЧОРТОҒ



адим замонларнинг бирида ўтган подшоҳлардан бири Наманганга хужум қилиб, уни босиб олибди. Ерли аҳоли унга қанчалик қаршилиқ қилмасин, ҳеч нима қилолмабди. Душман ниҳоятда кучли, айёр, қув экан. Шу подшоҳ дўстлари, сипоҳлари билан гоҳ Наманганнинг ён атрофларини сайр этиб томоша қилар, гоҳ узоқ-яқин қишлоқларга чиқиб ов қилар экан. Ана шундай кунларнинг бирида Наманганнинг Каравон билан туташ жойида жойлашган Войсилқирон қишлоғини зиёрат қилгани кетаётиб, бир жойнинг устидан чиқиб қолибди. Бу шундай жой эканки, икки томони қир-адирлар билан қопланган, ўртасидан каттакон сой оқиб ўтган, ҳаммаёғи мевазор, боғзор, тоқзор, хушҳаво, хушманзара, одамлари бўлса хушсурат,

хушфеъл, хушхулқ, хуштавозе, меҳмондўст... Жой подшоҳга ёқиб қолиб, сой бўйига қўнишни буюрибди. Шу ерда — сой бўйида икки-уч кун чодир тикиб, сўнг Войсилқўрғонга қараб йўлга чиқмоқчи бўлибди. Кетиши олдидан:

— Бу жой жуда ҳам баҳаво, одамлари қобил, мўмин кишилар экан. Худди шу жойда тўрт қизимга тўрт тепа тоғ бунёд этиб, уларнинг устига тўрт тахт қурдирмоқчиман. Уларнинг иккитаси сойнинг у ёғига, иккитаси сойнинг бу ёғига қурилмоғи керак, — дебди.

Подшоҳнинг айтгани айтган, дегани деган. Ҳамма оёққа турибди. Қишлоқнинг кун чиқар томонига икки кун ботар томонига иккита тупроқдан тепа тоғ уйиб устига тўртта тахт қуришга киришибдилар. Подшоҳ яна шундай буйруқ берибди. «Тахт шундоқ ерга ё боғ ичига қурилмаслиги керак. Олдин қир-адирлардан тупроқ ташиб келтириб, тўрт баланд тепалик тоғ барпо этилсин. Тахтлар шу тепаликларнинг устига қурилсин. Токи қизларим ўз аркларида ўлтириб, чор-атрофни томоша қилишсин. Боғ-роғлардан завққа тўлсинлар». Халқ мўрималахдай адир-қир тупроғига ёпишибди. Биров аравада, биров қопда, биров эшак ё отда тупроқ ташибди. Бу ерга турли жойлардан минг-минг қуллар келтиришибди. Улар ҳам ишлашибди. «Кўпдан қуён қочиб қутулмас», деганларидек, бир ой деганда тўрттала тепа-тоғ ҳам барпо бўлибди. Улар шундай тепа-тоғлар бўлибдики, одам тагига бориб тепасига қараса, дўпписи тушиб кетармиш. Подшо энди Фарғона, Самарқанд шаҳарларидан энг яхши усталарни олдириб келиб, тўрт тоғ-тепанинг энг баланд устига тўрт тахт қурдирибди. Тахтлар битгач, арзанда, танноз қизларини олдириб келиб, тўрттовини тўрт тахтга ўтказдириб қўйибди. Аммо қизлар бир-бирлари билан борди-келди қила олмабдилар. Шунда оталарига:

— Биз опа-сингиллар бир-биримизни кўролмай, қийналмоқдамиз. Бизнинг бир-биримизникига бориб ке-

лишимиз учун ер остида, ер устидан йўл солдириб беринг, — деб илтимос қилишибди. Подшо рози бўлиб, ер ости — сой остидан, ҳаво-осмондан тўрт тахтни бири бири билан боғловчи йўл қурдирибди. Шундан кейин тўрт малика бу ерда қолиб, узоқ йиллар яшашибди. юртни адолат билан сўрашибди. Шу жойнинг номи Чортоғ, яъни чор тахт деб аталадиган бўлибди.

ЯНГИҚЎРҒОН



ир босқинчи подшоҳ юртма-юрт босқинчилик қилиб, босиб олган жойлардаги аҳолини талаб, мол-мулкни талон-тарож этиб юриб, бир боққа ўралган қишлоқнинг устидан чиқиб қолибди. Қишлоқнинг чор-атрофи наст-баланд қир-адирлар, узоқроғи эса баланд тоғлардан иборат экан. Ўртасидан катта сой оқар, қишлоқнинг ўзи узумзор, ўрикзор, шафтолизор, нашватизор экан. Қишлоқнинг боғларида ўсмаган мева, битмаган экин йўқ экан. Узумзорга — узумзор, нашватизорга — нашватизор, анжирзорга — анжирзор, жийдазорга — жийдазор, ёнғоқзорга — ёнғоқзор уланиб, қалашиб кетган экан.

Қишлоқда «Мозор кўча», «Юмалоқ тепа кўча» деган маҳаллалар бор экан. Бу маҳаллаларнинг бошдан-оёғи токзор экан. Бу токзорларда дунёдаги узумнинг барча турлари бор экан. Аммо улар ичида Каттақўрғон, Оқ узум, Сирка узум, Ҳусайни, Бобури, Чарос, Чилиги, Шивирғони, Майизак, Томоқ қирар, Томоқ қуйдирар, Бурундан қон келтирар, Киройи, Дехқони, Кузаки, Буғдойи, Эрта пишар, Кеч пишар, Қиш ўтказар, Баҳор кутар, Йўл кўтарар, Меҳмони, Хон кутар, Куёв йўталтирар, Қиз уялтирар, Келинчак ушлар, Куёв тутар, Ўғри ушлар, Қуш олмас, Қушга берар, Қуш тегар, Қорин очирар. Қорин тўйғазар, Торози босар, Сават тўлдирар,

Кузаки, Қишаки, Сояки, Хастабоп каби шу қишлоқда етиштирилган турлари энг зўр саналиб, донғи қўшни қишлоқлар, ҳатто Фарғона, Наманган музофотларига ҳам кетган экан. Шу икки кўчанинг бирида Тожибой боғбон, иккинчисида Тўйчи боғбон деган миришкор боғбонлар яшар, боғдорчилик билан машғул эканлар.

Токнинг тилини билиш, уни парваришлаб вояга етказиш, ҳосилини кўтариш, сифатини яхшилаш борасида уларга тенг келадиган боғбон бу дунёю у дунёда йўқ экан. Айтишларича, ҳар соат, ҳар дақиқада ҳар иккала боғбон ўзларининг токлари билан шивирлашиб гаплашиб олишар экан. Кунлардан бир куни ана шу боғбон «менинг узумим ширин, йўқ, меники ширин», деб тортишиб қолишибди. Тортишув жанжалга айланаётганда қишлоқ оқсоқоли:

— Бас қилинглар, жанжал қишлоқдан фэйз, қут-баракани кўтариб, ноинсофлик, ёмонликни олиб келади. Мевазорларимизни қуритиб, боғ-роғларимизни йўқ қилади. Ахир, тортишув, жанжал туфайли не-не қаро кунлар бошимизга тушмадими? Агар бир-бирларининг синамоқчи бўлсанглар, беллашинглар, мусобақа қилинглар, — дебди. Турган халойиқ ҳам:

— Оқсоқолимиз тўғри айтадилар, беллашинглар, — дейишибди.

Боғбонлардан бири анча-мунча паҳлавон экан, энг шимариб:

— Бўпти, беллашаман! — деб ўртага чиқибди.

Шунда оқсоқол:

— Йўқ, куч-қувватда эмас, ақл-заковатда беллашасизлар, яъни узумларинг билан бир-бирингдан устун ё паст эканликларингни исботлайсанлар. Узумнинг зўри унинг бошининг катта-кичиклигию ширинлигида бўлади. Беллашув деб шуни айтаямиз, — дебди. Боғбонлар кўнишибди. Оқсоқол бошлиқ халқ ҳакамлик қилибди. Тўйчи боғбон болаларига қараб:

— Уйга бориб, қазноқдаги узумдан бир бош олиб

келинглар, — дебди. Болаларидан бири чопқиллаб бориб, каттакон бир кажава саватда бир бош узумни зўрға кўтариб келибди-да, ўртага қўйибди. Бир бош узумнинг каттакон кажава саватга сиғмай шингиллари четидан чиқиб турганини кўрган ҳалойиқ ҳайратдан ёқа ушлабди.

Навбат Тоживой боғбонга келибди. У ҳам ўғилларига қараб:

— Ўзларинг билиб, фаросатларингни ишга солиб, ертўлага осилган узумдан олиб келинглар, — деб буюрибди. Болалари «хўп» деб уйларига қараб кетишибди-да, кейин иккови бир замбилни зўр-базўр кўтариб келишибди. Замбилга ёнилган матони кўтариб, унга қарашса, бир шингил узум шундоқ катта замбилга сиғмай. доналари ташқарида эмиш. Бир шингил узумнинг катта бир кажава замбилга сиғмаганини кўрган ҳалойиқ бақириб-чақириб юборибди. Боғбонга тасаннолар айтибди. Тўйчи:

— Энди ширинак ўйнаймиз. Кимнинг узуми ширин чикса, ютуқ ўшаники бўлади, — дебди. Тожибой боғбон:

— Хўп, ширинак ўйнасак — ўйнаганимиз бўлсин, — дебди. Оқсоқол бошлиқ турган ҳалойиқ Тўйчи боғбоннинг узумидан бир шингил бир шиигил олиб еб кўришибди. Узумдан еган киши борки, қўлидаги шингилни тугатар-тугатмас томоғи қирилганидан сувга қараб чошибди. Тўйчи боғбоннинг узуми ширинлигидан одамларнинг томоғини қуритиб-қақшатиб, сувга чоптирган экан. Ҳамма Тўйчи боғбоннинг узумига. унинг ширинлигига тан бериб, қойил қолибди. Навбат Тожибой боғбонга келибди. Оқсоқол бошлиқ ҳалойиқ унинг кажава замбилдаги бир шингил узумидан бир донадан олиб еб улгурмай бурунларидан қон келибди. Ҳамма:

— Қойил, қойил. Тожибой боғбон ютди! — деб қичқирибди. Шундай қилиб олишувда Тожибой боғбон голиб чиқибди.

Одамлар бу ҳикояни босқинчи подшоҳга ҳам айтиб

беришибди. Подшоҳ ҳикоядан таъсирланиб, инсофга келиб, босиб келган жойининг кулини кўкка совуриб, хонавайрон қилиш, одамларни етти ёшдан етмиш ёшгача тигдан ўтказиш каби ярамас ниятларидан қайтибди. Шу ерга бир кўрғон солишни буюрибди. Қишлоқнинг энг кўринарли ва кўркам жойига баланд пахса девордан иборат кўрғон солинибди. Подшоҳни ёмон ниятидан қайтарган қишлоқ боғбонлари энг сара тоқлардан Янгиқўрғоннинг ичига экишибди. Уни яхшилаб парвариш қилишибди. Янгиқўрғон боғининг таърифи бора-бора дунёга тарқабди. Қайси узум ширин, анжир тотли бўлса, қаердан деб сўрашса, Янгиқўрғондан дейишибди. Шу-шу қишлоқнинг номи Янгиқўрғон бўлиб кетибди.



ОТА ВАСИЯТИ



адим замонда бир камбағал дехқон ўтган экан. Унинг ҳовлисида бир туп токи бор экан. шу тоқдан олган ҳосилни сотиб, қишин-ёзин тирикчилик қилар экан. Бир куни дехқон бетоб бўлиб ётиб қолибди. Шунда у ёлғиз ўғлини ёнига чақириб бундай дебди:

— Ўғлим, менинг қуним битганга ўхшайди. Сенга айтадиган бир гашим бор. Шунни қулоғингга исирға қилиб ол. Гашим шуки, тоқларимизнинг орасига икки хум тилла кўмилган. Шу тиллани йилда икки маротаба — баҳор ҳам кузда ковлаб олиб, тирикчилигингга яратгин. Зора шу билан бойиб кетсанг.

Отаси шу гапларни айтибди-да, оламдан ўтибди. Бу пайт қиш экан, бола баҳорни орзиқиб кутибди. Баҳор ҳам келибди. Йигит кетмонни қўлига олиб, тоқларнинг тагини белбоғ бўйи қилиб ковлаб чиқибди. Бироқ олтин топилмабди. Шу орада тоқлар шўра чиқазиб япроқ ёза бошлабди. Йигит тилла қидиришни вақтинча тўхтатиб, тоқ билан овора бўлиб қолибди. Шу йили тоқ чунонам

ҳосил берибдики, йигит уни пуллаб тамом қилолмабди. «Отам тоқларнинг орасига кўмилган тиллаларни икки мартаба — баҳор ҳамда кузда ковлагин, деган эдилар», деб кузда ҳам кавлабди...

Келаси йил кўкламда ҳам йигит олтин қидириб, боғнинг титпитини чиқариб юборибди. Яна олтин топилмабди. Бироқ бу йил ток ўтган йилдагидан ҳам кўп ҳосил берибди. Йигит уни пуллаб жуда ҳам бойиб кетибди. Лекин ҳамон йигитнинг хаёли отаси айтган олтинда экан. У шу тўғрида хаёл суриб ўтирган экан, отасининг қадрдон ошнаси келиб қолибди. Йигит унга воқеани айтган экан, чол хохолаб кулибди-да, кейин:

— Болам, отанг айтган олтинларни кавлаб олибсан-ку, — дебди.

— Отахон, баҳорда ҳам, кузда ҳам кавлаб боғдан бир мисқол ҳам олтин топганим йўқ, — дебди.

— Нега ёлғон гапирасан? Бўлмаса бу бойликларни қаердан ортгирдинг? — дебди чол.

— Меҳнат қилиб топдим.

— Сен меҳнатни ҳосил олиш учун эмас, олтинни топиш учун қилдинг. Меҳнатинг зое кетмади. Баҳор билан кузда ишлов берилган тоқлар ҳосилини аямади. Отанг раҳматли кўп ақли одам эди. У сенга меҳнатдан унадиган олтинларни айтган, — дебди чол. Бола отасидан миннатдор бўлиб, тоқларини ҳар йили икки мартаба парвариш қилиб, ҳасил кўтараверибди.

МИНОРА



ир пайтлар Чирчиқ дарёсининг у томонида бир қабила, бу томонида бошқа қабила яшаган экан. Нима бўлибди-ю, у томондаги қирғоқдан бир қиз бу қирғоғидаги қабиладан бир йигитни яхши кўриб қолибди. Йигит ҳам қизни ёқтириб, уни қаттиқ севиб қолибди. Одам ишққа йўлиқиб қолса ёмон бўлар экан.

Қиз билан йигит бир пас бир-бирини кўрмаса туролмайдиган бўлишибди. Охири йигит қизниқига совчи юборибди. Қиз томон, душман қабилага қиз берадиган хом калла йўқ, деб кўнмабди. Буни кўрган қиз қийналибди, эшитган йигит азобланибди. Хотин зоти севмасин экан, агар у севиб қолса борми, дунёга ўт қўйишгача бориб етаркан. Шундай қилиб денг, қиз йигитнинг дардида кўкрагини заҳга бериб, оху воҳ қилиб ётмабди, ўзини қутуриб, хайқириб оқаётган Чирчиққа отиб, йигит яшайдиган кирғоққа ўтибди-да, севган йигитига етишибди. Қизнинг отаси: «Ота-боболаримиз удумини оёқ ости қилдинг»,— деб қизини оқ қилибди. Кейин «Кимда-ким оқнадар кизимни ушлаб бунда олиб келса, катта мукофот олади»,— деб жар солдирибди. Йигит ҳам анойи эмаскан. Севган ёрини кириги остидаги кўз қорачиғидай асраб-авайлабди. Шу-шу қизни олиб қочамиз деган кимса борки, Чирчиқ дарёси ўз қаърига тортаверибди. Қизнинг отаси бўлса дарё қирғоғида: «Қизимни ана олиб келишади, ўлдираман, мана олиб келишади, ўлдираман»,— деганича пойлаб ётаверибди. Бу ёқда бўлса севишганлар бир-бирларига тўймай, бир пас бўлса-да, айрилмай бахтли яшайверибдилар.

Бора-бора қиз онасини жуда қўмсабди, соғинганидан соғинаверибди. Чирчиқнинг у қирғоғига ўтиб онамни кўриб келай деса, ота-боболар удумини бузган, дарров тутиб олиб ўлдиришади, ўтмай деса онасининг соғинчи ҳечам тинчлик бермабди. Соғинчим пасаярмикан, деб шамолларга қараб илтижо қилибди, бўлмабди, сочларини бир тутам қилиб дарёга ташлабди — бўлмабди. Йигит шунча юпатар эмиш, ҳечам бўлмасмиш. Қиз дарё қирғоғига бир минора қуриб беришни севган йигитидан сўрабди. Йигит дарё бўйига шундай минора қурибдики, унга чиқиб дарёнинг у ёғига қараса, ҳамма ёқ кафтдагидек кўринармиш, Ким нима қилаётганини, қаёққа кетиб, қаёқдан келаётгани шундоққина билиниб турармиш. Қиз ҳар қуни миноранинг устига чиқиб онаси томон қа-

рармиш, унинг нима қилаётганини кўрармиш. Онаси ҳам кизига қараб, тикилганича қотиб қолармиш. Охири қиз соғинч кулфатига чидай олмай ўлибди. Севганидан айрилиб қолганига чидолмаган йигит бўйнига тош боғлаб ўзини Чирчикқа ташлабди. Дарё бўйига қурилган минора бир-бири билан бир умрга қовуша олмаган икки ёшдан ёднома бўлиб қолибди...

ТУШ ТАЪБИРИ



унлардан бир куни саҳройиларнинг яна бир подшоҳи сон-саноксиз кўшини билан бос-тириб келиб, шаҳарликларни оёқ ости қилибди. Масжид, мадраса борми, кўча-кўй, бозор борми, бузибди, ер билан яксон қилибди. Нима бўлибди-ю, босқинчиларнинг подшоҳи шамоллаб, касалланиб қолибди. Касал ётган жойида туш кўрибди. Тушида бир киши: «Сен ҳаммаёқни оёқ ости қилдинг. Энди тузалмай, шу касал билан ўласан», — дебди унга. Подшо уйғониб, кўрқиб кетибди. Таъбирчиларини чақиртириб кўрган тушини таъбир қилишларини сўрабди. Таъбирчилардан бирови:

— Шайхантоҳурга бориб, у ердаги ғордан сўранг. Шояд ғойибдан овоз келиб, тушингиз таъбири очилса, — дебди. У шундай дебди-да, подшоҳнинг олдидан чиқиб, шеригига қараб:

— Сен тезда Шайхантоҳурга бориб, мен айтган ғорга кириб, беркиниб ол. Подшоҳ ғорга кириб, тушининг таъбирини сўраганда, сен ғойибдан овоз келгандай қилиб: «Тошкентдан тез чиқиб кет, бўлмаса, шу касалинг билан ўласан, аскарларинг қирилиб тамом бўлади», дейсан, — деб тайинлабди.

Таъбирчининг шериги: «Хўп бўлади, айтганингизни қиламан», — деганича тезда жўнаб кетибди.

Подшоҳ тилла аравасига тушиб Шайхантоҳур ғорига

борибдида, унинг ичига кириб тушининг таъбирини сўрабди. Шу пайт ғорнинг ич-ичидан ғойибдан келгандай: «Тошкентдан тез чиқиб кет, бўлмаса шу касалинг билан ўласан, аскарларинг қирилиб тамом бўлади», деган овоз келибди. Подшоҳ бу овозга ишонмай, бошқа таъбирчини чақиртириб, тушининг таъбирини сўрабди. Бу таъбирчи ҳам, «Шаҳарнинг ўнг томонидан бир ғор бор. Ўша жойга бориб, овоз қилинг-чи, балки овозингиз худога етиб, тушингизнинг таъбири очилса, — дебди. У шундай дебдида, подшоҳнинг олидан чиқиб, шеригига қараб:

— Сен тезда Шайхантоҳурга бориб, мен айтган ғорга кириб, беркиниб ол. Подшоҳ ғорга кириб, тушининг таъбирини сўраганда сен ғойибдан овоз келгандай қилиб: «Тошкентдан тез чиқиб кет, бўлмаса, шу касалинг билан ўласан, аскарларинг қирилиб тамом бўлади», дейсан, — деб тайинлабди.

Таъбирчининг шериги: «Хўп бўлади, айтганингизни қиламан», — деганича тезда жўнаб кетибди.

Подшоҳ тилла аравасига тушиб Шайхантоҳур ғорига борибди-да, унинг ичига кириб тушининг таъбирини сўрабди. Шу пайт ғорнинг ич-ичидан ғойибдан келгандай: «Тошкентдан тез чиқиб кет, бўлмаса шу касалинг билан ўласан, аскарларинг қирилиб тамом бўлади», деган овоз келибди. Подшоҳ бу овозга ишонмай, бошқа таъбирчини чақиртириб, тушининг таъбирини сўрабди. Бу таъбирчи ҳам, «Шаҳарнинг ўнг томонида бир ғор бор. Ўша жойга бориб, овоз қилинг-чи, балки овозингиз худога етиб, тушингизнинг таъбири очилса», — дебди. Таъбирчи шундай деб подшоҳни кўндириб, ташқарига чиқиб, бир ошнасига: «Сен шаҳримизнинг ўнг томонидаги фалон ғорга тез етиб бор. Подшоҳ келиб, тушимнинг таъбирини айт, деб илтижо қилганда, сен: «Тошкентдан тез чиқиб кет. Бўлмаса шу касалинг билан ўласан, аскарларинг қирилиб тамом бўлади», дейсан, — деб тайинлабди. Бу ҳам: «Хўп бўлади», — деб айтилган жойга қараб кетибди.

Подшоҳ олтин аравасига тушиб, айтилган ғорга етиб

келибди. Ғорнинг ичига кириб, тушининг таъбирини сўрабди. Шу пайт ғорнинг ич-ичидан ғойибдан келгандай: «Тошкентдан тез чиқиб кет, бўлмаса шу касалинг билан ўласан, аскарларинг ҳам қирилиб тамом бўлади», деган овоз келибди. Подшоҳ бунга ҳам ишонмабди. Саройга келиб бошқа таъбирчини чақириб, тушининг таъбирини сўрабди. Таъбирчи: «Шаҳарнинг чап томонида бир ғор бор. Шу ғорга бориб сўранг-чи, зора тушингизнинг таъбири айтилса», — дебди. У шундай деб, подшоҳнинг олдида ташқарига чиқибди-да, бир ошнасига қараб: «Сен тезда шаҳарнинг чап томонидаги ғорга бориб, беркиниб ол. Подшо тушининг таъбирин сўраганда, «Тошкентдан тез чиқиб кет, бўлмаса шу касалинг билан ўласан, аскарларинг ҳам қирилиб кетади», — дегин дея тайинлабди. Бу ҳам ғорга бориб, бекиниб олибди. Подшо олтин арава-сига ўлтириб айтилган ғорга борибди. Тушининг таъбирини сўраган экан, ғойибдан: «Тошкентдан тез чиқиб кет, бўлмаса, шу касалинг билан ўласан, аскарларинг ҳам қирилиб кетади», — деган овоз келибди.

Шундан кейин подшо: «Бу шаҳардан кетмасам бўлмас экан», — деб Тошкентни ташлаб чиқиб кетган экан. Шундай қилиб, тошкентликларнинг топқирлиги туфайли босқинчилар шаҳарни тарк этган эканлар...

БАХШИ ЖАСОРАТИ



арвозани очамиз, мўри малахдай бостириб келган саҳройиларга энди тенг келиб бўлмайди. Дарвозани очмасак шаҳарни ё сувга ботиради, ё ўт кўйиб, кунпаякун қилади, — дебди Тошкент бийи бало-қазодай ёширилиб қалъа деворларини бузаётган душманлардан кўрқиб кетиб.

— Бийимиз тўғри айтадилар, қалитларни топширмоқ лозим. Улар кўпчилик, биз бўлсак озчиликмиз. Ҳали

замон бостириб кириб, қирғинбарот қилишади, — уни маъқуллади ўнг қўл ёрдамчи. Бошқалар ҳам унга қўшилишибди. Шундан сўнг Тошкент оқсоқоллари маслаҳатни бир жойга қўйишиб, дарвозани душманга очишга қарор қилишибди. Шу пайт остонада жулдурвақи кийимли, юз-кўзи қон бир йигит пайдо бўлибди.

— Йўқ, дарвозани очмаймиз. Босқинчилар шаҳарга кирса, уни кунпаякун қилиб, ўғилларимизни қулга, қизларимизни чўрига айлантиради. Хўп десангизлар, мен бир ўзим босқинчиларни шум ниятларидан воз кечдириб, изларига қайтариб юбораман, — дебди у.

— Қандай қилиб?! Шунча душманни-я?! — деб ҳайрон бўлишибди йиғилганлар. Бий ҳам:

— Бўлмаган гап?! Шунча йигитлар даф этолмаган сон-саноксиз душманни бир ўзинг қандай даф эта олардинг?! — деб ҳайрон бўлибди. — Бир ўзи душманга бас кела олмайди. Калитни душманлар қўлига топширмоқ лозим.

Ҳаммаёқдан шовқин-сурон кўтарилибди. Шунда ҳалиги йигит:

— Жангда мен ҳам қатнашдим. Тўғри, уни қилич билан даф этолмадик, эта олмаймиз ҳам. Аммо мен бахшиман. Қани, дўмбирамни ишга солай-чи? Балки қилич даф этолмагани дўмбира даф этар, — дебди. Бий бошлиқ оқсоқоллар ўйлаб-ўйлаб, охири бахшига розилик билдиришибди. Бахши йигит дўмбирасини қўлига олиб, кўрғоннинг энг баланд жойига чиқиб, душман турган томонга қараб олиб, дўмбирасини чала бошлабди... Ёв-ёв-лаб юрганлардан бири ўқ-ёйи билан уни кулатмоқчи бўлган экан, саркардаси йўл қўймабди. Бахши йигитга қараб:

— Ҳой, йигит, бу ёққа туш, — деб бақирибди. Бахши йигит кўрғоннинг ташқарисига чиқибди.

Саркарда:

— Кимсан, касб-коринг нима? — деб сўрабди.

— Бахшиман деб жавоб берибди у.

— Бахши бўлсанг яхши одам экансан. Қўлингдаги дўмбиранг билан бир зумда мени ҳам кулдириб, ҳам йиғлатга олсанг, сени омон қолдириб, юртингни қамал қилишни тўхтатаман-да, орқамга қайтиб кетаман. Бунинг уддасидан чиқа олмасанг, терингни шилиб, танангни дорга торттираман. Шаҳрингни эса, кулини кўкка совуриб, ер билан яксон этаман, — дебди.

Бахши йигит рози бўлибди. Чунки бахшининг ўзи ҳам дўмбираси ҳам тобида экан-да! У дўмбирасига қараб: «Тулнорим, кучингни кўрсат, шундай сайраки кулгудан бунинг ичаги узилсин, йиғидан кўзи юмилсин», — дебди-да. қулоғини бурай бошлабди.

Дўмбира шу ернинг тутидан қилинган эмасми. бахши йигитнинг сўзини «маъқуллагандай» попугини силкитиб, «сайрай» кетибди. Қўшиқни шундай айтибдики, тоғлар титрабди, ер тебранибди, довдарахтлар қақшабди. Бир пайт босқинчи лашкарбошининг кўзидан ёши шашкатор оқиб:

— Бўлди, бас қил эзиб юбординг!» — деб уни зўрға тўхтата олибди. Бахши йигит дўмбира чертиб, қўшиқ айтишдан тўхтабди. Кейин яна қўшиқ бошлабди. Авжига чиққанда, душман бошлиғининг кулгидан ичаклари узилай-узилай дебди. Ҳамма ҳайрон эмиш. Негаки, саркарда умрида бир зумда бунақанги йиғлаб, бунақанги кулмаган экан-да! Саркарда ўзига келиб:

— Кўп жойларни қилич кучи билан забт этдим. Аммо сени забт этолмадим, қўшиғинг таслим этди. Мен ниятимдан қайтдим. Изимга қайтаман. Аммо бир илтимос қилсам, йўқ демайсанми? — дебди. Бахши йигит:

— Айтнинг, — дебди.

— Мен билан кетсанг, ўнг қўл вазирим қилиб оламан. Бутун умринг роҳат-фароғатда ўтади, — дебди саркарда.

— Йўқ, мен шу ерда туғилдим, шу жойда ўламан, — дебди бахши.

Шундай қилиб, бахши йигитнинг дўмбираси билан

қўшиғи Тошкент қалъасини хонавайрон, элини талон-тароғ бўлишдан сақлаб қолган экан.

ҚАЛДИРҒОЧ ҲИММАТИ



уҳ пайғамбар даврида қаттиқ ёғингарчилик бўлиб, ҳаммаёкни сув босиб кетибди. Одамлар, ҳайвонлар, дов-дарахтлар-у, тоғу тошлар ҳам сув остида қолибди. Шунда Нух пайғамбар бир кема ясатибди. Унга дунёдаги жамики ҳашарот, парранда ва ҳайвонлардан биттадан олиб, «бирон бир жойда қуруқлик қолгандир», деб йўлга чиқибди. Уммонга айланган ер юзида сузиб кетаётса, сичқон қурмагурнинг қитмирлиги тутиб, кемани тешиб кўйибди. Тешикдан сув кириб, кема ичи сувга тўла бошлабди. Нух қараб турса, кемага сув тўлиб, ундагилар сувга ғарқ бўладиган, шунда у: «Кимда-ким тешикни тўсиб, сувни тўхтатиб қолса, дунёдаги энг ширин гўштни унга тақдим этаман», — дебди. Шунда илон: «Буни мен бажараман», — дебди-да, кулча бўлиб тешикка ётиб олибди. Сув тўхтабди. Нух пайғамбар янглишмаган экан. Бир жойда қуруқлик қолган экан, ўша жойга етиб боришибди. Шунда илон:

— Нух, айтганингни бажар энди, — дебди. Нух пайғамбар «Дунёдаги энг ширин гўштни билиб келинглари» — деб, у қушни у ёққа, бу қушни бу ёққа юборибди. Қалдирғочни ҳам бир ёққа жўнатибди. Илон уч кўчанинг бошида кулча тушиб, уларни пойлаб ётибди. Бир пайт қушлардан бири келиб қолибди.

— Дунёдаги энг ширин гўшт нима экан? — деб сўрабди.

— Тошбақа гўшти экан, — дебди қуш. Илон:

— Йўқ, у сенинг гўштинг, — деб чангал солиб, унинг ўзини ютиб юборибди. Кейин ари учиб келибди. Илон аридан:

— Дунёдаги энг ширин гўшт ниманики экан? — деб сўрабди.

— Дунёдаги энг ширин гўшт итники экан, — деб жавоб берибди ари. Илон бир чанг солиб, унинг тилини узиб олибди. Бир пайт қалдирғоч учиб келиб қолибди. Илон:

— Қани, сен айт-чи, дунёдаги энг ширин гўшт ниманики экан? — дебди.

Қалдирғоч ҳамма паррандаю дарранда, одам гўштидан татиб кўрилганда, одамнинг гўшти энг ширинлигини билар экан. «Илонга одам гўшти ширин десам, у бутун умр одамзоднинг гўшти билан овқатланади, шундан кейин оламда одамзод қолмайди», деб ўйлабди-да, унга қараб:

— Қурбақанинг гўшти дунёдаги энг ширин, тотли гўшт экан, — дебди. Илон:

— Ёлғон айтасан, — деб сапчиб унга ташланган экан, қалдирғоч эпчиллик қилиб қочиб қолибди. Илоннинг оғзи унинг думига теккан экан, қалдирғочнинг думи айрилиб, очиқ қайчига ўхшаб қолибди. Шу-шу унинг думи қайчисимон эмиш. Одамзодни ўзига дўст-ошна қилиб олибди. Қалдирғочнинг одамлар уйига ин қуриши, улардан кўркмаслиги шундан эмиш. Илон бўлса ҳар доим ундан қасдини олиш ниятида юармиш. Инини бузиб, тухуми ё боласини еб қўйиши ҳам шундан эмиш.

РАЙҲОН БИЛАН ШАБАДА



икоя қилинишича, қадим замонларнинг бирида бир чол билан кампир бўлган экан. Уларнинг яккаю ягона қизлари бўлиб, уни кўз қорачигидек асраб-авайлаб катта қилишган экан. Вақти-соати етиб, қизнинг онаси вафот этибди. Ўлими олдидан она:

— Отаси, қизимиз вояга етиб қолди. Худога шукр, ақлли, фаросатли бўлиб ўсяпти. Мендан кейин унга

яхши қаранг, етимлигини билдирманг. Кейин бирон тузукроқ жойдан чиқса, эл олдига дастурхон ёзиб, ўраб-чирмаб узатарсиз, — деб васият қилибди. Отаси, айтганини қиламан, хотиржам бўл, деб унга ваъда берибди. Қаёқда дейсиз, қизнинг онаси вафот этгач, отаси бошқа хотинга уйланиб олибди. Ўгай она диндан қайтган, ниҳоятда баджаҳл ва жоҳил экан, қизга кўп зулм-заққум ўтказибди. Қизга бир зум тиним бермабди. ишлатгандан ишлатибди. Кийим-кечагига қарамабди. Бечора йиртиқ ямоқ кийимда, ярим яланғоч юришга мажбур бўлибди. Лекин жуда хушрўй, жушфёъл, қадди-қомати келишган бўлганлигидан уни кўрган киши борки, қойил қолмасдан иложи йўқ экан.

Кун чиқар томонда Шамол бобо подшолик қилар экан. У шунчалик қудратли эканки, бир жумбушга келса, еру кўкни яксон қилиши мумкин экан. Шамол бобонинг Шабада, Бўрон, Тўполон, Қуюн, Тўс деган ўғиллари бор экан. Шамол бобонинг ўғиллари орасида Шабада дегани анча ақлли, доно, бир иш қилса ўйлаб, чамалаб қиладиган бола экан. Шабада юртма-юрт, элма-эл, далама-дала кезиб юраркан, ҳалиги қизнинг юртига келиб қолибди. Қизни кўрибди-ю, унга ошиқу беқарор бўлибди. Қиз ҳам уни ёқтириб севиб қолибди. Лекин бу икки ёш бир-бирларига етиша олмадилар. Шабаданинг катта акалари уни излаб келиб, қизни кўриб қолишибди. «Олдин мен уйланаман, мен каттаман» — талашиб-тортишиб, укасига ҳам қизга ҳам кун бермабди. Қиз кўнмагач, даҳшатга тушиб, бир-бирлари билан талашиб еру кўкни ларзага келтиришибди, борлиқни остин-устун қилишибди. Бундай даҳшатга чидолмаган қиз гуллар орасига кириб, Райҳонга айланиб қолибди. Шабада бўлса, парчаланиб-парчаланиб гуллар орасига сингиб кетибди. Шу-шу ҳар куни, ҳар дақиқада Шабада Райҳоннинг юзларини силаб, эркалаб, ёқимли ҳидларини чор-атрофга таратирмиш. Ундан баҳра олганлар шохидан синдириб чаккаларига тақар-

мишлар. Ана шунда Райхон шохлари дарров сўлиб қолармишлар. Шабада эса етолмаган ёрининг шохи қайрилганини кўриб юм-юм йиғлаб, ўзини қўярга жой тополмасмиш. Лекин синган шох ўрнига яна янгиси чиққач, у ҳам ўзига келиб, яна ёрининг юз-кўзларини, шохшаббаларини майин тебратишни, силашни давом эттирармиш.

ҲАССАМУСО



Арслонбоб атрофидаги тоғларда тарқалган ҳассамусони ўша жойлардаги кичик шаршара билан боғлайдилар. Шаршара атрофидаги чакалакзорлар орасида аслида афсонавий бўлмиш Мусо пайғамбарнинг «ҳасса»си бор эмиш. Ирмоқнинг оқиш танагини пайғамбар ҳассаси деб аташган. Мусо пайғамбар ҳассаси билан жуда кароматлар кўрсатган, мўъжизалар яратганмиш. Афсоналардан яна бирида айтилишича, Мусо пайғамбар ҳассасини илонга айлантира олармиш. У билан ҳар қандай жойга — у тошлоқми, ерми, барибир, бир урса, ўша жойдан булоқ пайдо бўлиб, варақлаб зилол сув отилиб чиқармиш, соғ киши ичса кучига куч, қувватига қувват қўшилармиш.

Бошқа бир афсонада таёқларини ерга қадабдилар. Шу ердан дарров ҳассамусо ўсимлиги униб чиқибди. Кимда-кимнинг ана шу ўсимлик, яъни ҳассамусодан таёғи (ҳассаси) бўлса, ундай кишининг олдига ҳеч вақт инс-жинслар яқинлашмасмиш, чунки у сеҳрли эмиш-да.

Яна: кимда-ким «ҳассамусони» тутса шайтон, инс-жинс, алвастилар ундан қочармиш. Ит таламасмиш, бўри йўлаёлмасмиш. Ундай киши йиқилмасмиш, йиқилсаям майиб бўлмасмиш, яъни ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетаверармиш. Ажина чалган, алвасти урган, пари теккан, ақлдан озган кишиларни ҳассамусо билан орқасига ҳар куни уч мартадан уриб турилса соғайиб, ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетаверармиш.

ҚАЙТАР ДУНЁ



адим замонда бир чол билан унинг ўғли бор экан. Чолнинг хотини ўлиб кетган бўлиб, ўғли билан қолибди. Ўғлини ниҳоятда эҳтиётлаб катта қилибди. Ўғил вояга етгач, уни уйлантирибди. «Худога шукр, энди тинчидим, қўл-оёғимни узатсам бўлади» — деб ўйлабди.

Бу орада ўғли ўғил кўрибди. Чолнинг шодликдан қувончи ичига сиғмасмиш. Ўғлига бир қувонса, неварасига икки бор қувонармиш. Аммо келини ҳунар чиқара бошлабди. Чол ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ деяверибди. Буни чолнинг ўғли пайқамас экан. Кунлардан бир куни чолнинг қўлидан овқат тушиб кетиб, чинни синиб қолибди. Келинники тутиб кетибди:

— Сассиқ чолни йўқотасанми, йўқми? Шу отанг туфайли идишларим сингани синган. Агар уни тезроқ кўзимдан йўқотмасанг, ўзим кетаман бу уйдан, — дебди. Йигит хотинини тинчлантирибди. Кунлардан бир куни чол яна овқатни тўкиб юборибди. Чинни идиш яна синибди. Келини яна жанжал кўтарибди. Чол уйдан чиқиб кетай деса, борадиган жойи йўқ экан. Шу боласи, келини, набираларидан бошқа ҳеч кими йўқ экан. Ноиложликдан яна ўғлиникида қолибди. Орадан бир неча кун ўтиб чолнинг қўлидан коса яна тушиб кетиб, чил-чил синибди. Келин яна жаҳл отига минибди. Қилибди жанжал... Йигитнинг жонидан ўтиб кетибди, ҳовлисининг тўрига кичик бир хона солдириб, отасини ўша жойга кўчириб қўйибди-да, устага бориб ёғочдан коса, қошиқ қилдириб келиб берибди.

Ота боласи қуриб берган кулбада ёлғиз ўзи яшаб, ёғоч қошиқда келин овқат берса ичиб, бермаса ичмай яшайверибди. Боласи ҳам болалари билан ўз ҳолича яшайверибди.

Кунлардан бир куни чолнинг вақти-соати етиб, қазо қилибди. Боласи болалари билан бўлиб, отасининг

Ўлганини ҳам икки-уч кундан кейин билибди. Маҳалла-қўй чолни кўмибди. Кунлардан бир куни йигит ишдан қайтса катта ўғли ёғоч ўйиб ўлтирган эмиш.

— Нима қияпсан, болам? — сўрабди у.

— Сизга атаб ёғочдан коса билан қошиқ ясапман. Қариганингизда бир уй қуриб, унга сизни элтиб қўяман-да, шу коса билан қошиқда берган овқатларимни ичиб ўлтирасиз.

Йигит нима қилиб қўйганини англаб, афсус-надоматлар чекибди. Аммо кейинги пушаймон ўзингга душман, деганларидек, минг пушаймон қилмасин, фойдаси бўлмабди.

ҲИРОТНИНГ СУЛТОНИ



иротнинг султони Ҳусайн Бойқаро: «Дунёдаги энг хушбўй ҳидни келтиринг» — деб қолибди. Унга кучоқ-кучоқ гул келтиришибди, султон: «Йўқ» — дебди. Қалапирмунчоқни рўпара қилишибди, Ҳусайн Бойқаро рад этибди. Ер юзидаги жамики хушбўй ҳидли нарсаларни муҳайё қилишибди, султон бўлса: «Мен айтган бу эмас», — деб туриб олибди. Кейин: «Уч кун муҳлат ичида топсаларинг топдиларинг, бўлмаса ҳаммангни жазолайман,» — дебди. Вазирлар нима қилишларини билолмай ўйлайвериб бошлари қотибди. Ҳусайн Бойқаро истаган ҳидни топиша олмай, охири Навоийнинг олдига боришибди: «Султонимиз айтган ҳидни топиб, бизни ҳалокатдан сақлаб қолинг», — дейишибди.

Дўстнинг кўнгли қандай ҳидни истаганини билолмай, Навоийнинг ҳам боши қотибди. Дехқон бободан сўраган экан, у: «Янги ёпилган нондан олиб боринглар-чи, отам раҳматли, дунёда энг лаззатли ва ёқимли хид буғдой унидан ёпилган тандир нон, ҳеч қайси хид унга етолмайди, дегувчи эдилар», — деб маслаҳат берибди.

Навоий хурсанд бўлиб, деҳқон айтганини қилибди, бир сават нон ёптирибди-да, саройга етиб борибди. Бир зумда саройга ажиб ёқимли ҳид тарқалиб, барчанинг дилини яшнатиб юборибди. «Раҳмат, дўстим, — дебди Хусайн Бойқаро нонларни кўриб, — кўнглим янги ёпилган нон истаётган экан, топиб келибсиз. Дунёда янги ёпилган ноннинг исидан кўра ёқимлироқ ҳид йўқ экан.» «Султоним, раҳматни менга эмас, деҳқон бобога айтинг, кўнглингиз хоҳишини шу киши топди», — деб жавоб берибди Навоий. Хусайн Бойқаро деҳқонга бош-оёқ сарпо беришни буюрибди.

ФАРҲОДТОҒ ВА ШИРИНСОЙ



ир кишининг Фарҳод деган алиқомат фарзанди бор экан. Отасидан унга бир кетмон ва бир сандиқ мерос қолибди. Кунлардан бир кун Фарҳод сандиқни очиб, ичидан кўзгу топиб олибди. Кўзгудан унга гўзал қиз қараб турган эмиш. Фарҳод қизнинг ҳусни-жамолини кўриб, беҳуш бўлиб йиқилибди. Шопур деган ўртоғи уни ҳушига келтирибди. Фарҳод билан Шопур қизни излаб йўлга чиқишибди. Қанча манзилларни босиб, охири Бекободга келишибди. Бекобод хароб бир жой экан. У ернинг аҳолиси оғир машаққатлар билан тоғ-тош кесиб, Сирдарё сувини чўлга чиқариш тараддудиди экан. Фарҳод бу ерда мислсиз мўъжизалар кўрсата бошлабди. Фарҳоднинг овозаси Бекобод маликаси Гулчеҳра ва унинг жияни Ширинга бориб етибди. Улар Фарҳод шарафига зиёфат беришибди, Зиёфатда Фарҳод кўзгудаги гўзални учратибди. Бу Ширин экан. Шириннинг таърифини эшитган Эрон шоҳи Ҳисров совчи юборибди. Гулчеҳра: «Ширин ҳали ёш», — деб рад жавобини берган экан, Ҳисров ғазабланиб Бекобод сари қўшин тортибди, икки орада беҳисоб

қон тўкилибди. Ноҳақ қон тўкилаётганини кўрган Ширин: «Кимда-ким Сирдарё ёки Оқдарёни бўғиб чўлга сув чиқарса, ўшанга тегаман», — деб шарт қўйибди. Фарҳод шу шартга кўра тоғ кесишга тушиб кетибди. Хисров бўлса, хийла йўлига ўтибди. У кечаси жуда кўп бўйра олдириб келиб, Мирзачўлга ёздирибди. Бўйралар ойдинда худди мавжланиб оқаётган дарёга ўхшаб товланиб кўринибди. Буни кўрган Ширин тақдирга тан бериб, ноилож Хисровнинг тақлифига кўнибди. Лекин тонг отгандан кейин, алданганини билган Ширин кўз ёши тўкиб, тоғ қазиётган Фарҳоднинг олдига йўл олибди. Хисровнинг хийласини эшитган Фарҳод ҳам Ширин томон отланибди. Ўртада Сирдарё оқиб ётган экан, ошиқ-маъшуқ икки томонда қолибди. Шунда Фарҳод Ширинга қўлини чўзган экан, мўъжиза рўй берибди. У тоққа айланиб қолибди. Ширин эса кўз ёшини тўка-тўка сойга айланибди. Ўшандан бери кишилар тоғни Фарҳоднинг номи билан — Фарҳодтоғ, сойни Шириннинг номи билан — Ширинсой деб атаган эканлар...

ЖАЗО



оратой деган шахзода ёлғиз ўзи тўнғиз овига чиқибди. Қоратой ҳеч қўрқмай, қалин тўқай ичига кириб бедарак кетибди.

Подшонинг юрагига гўлғула тушибди. Бош вазирни олдига чақириб: «Ўғлимни тезда топасан, топмай қайтиб келсанг ёки ёмон бир хабар келтирсанг, оғзинга қўрғошин қуйдираман», — дебди. Бош вазир одамларни олиб, тўқайга равона бўлибди. Қидириб-қидириб қарасалар, шахзода бир тарангулнинг тагида ўлиб ётган эмиш. Шахзоданинг қорнини тўнғиз ёриб кетган экан. Вазир подшонинг олдига бориб: «Ўғлингизнинг қорнини тўнғиз ёриб кетибди», — деб айтишга юраги бетламабди. Кейин бир жойга тушиб маслаҳат қилишибди. Вазир билан бирга борган одам-

ларнинг бири: «Мана шу тўқайнинг нариги четида бир доно чол бор, ўша чол нима қилиш кераклигини айтиб беради, шунинг олдига борамиз», — деб маслаҳат берибди. Вазир бошлиқ подшонинг одамлари ўша доно чолнинг маконига боришибди, бўлган гапларни айтиб беришибди. Чол ўйланиб туриб: «Майли, мен ўзим бориб жавобини бераман», — деди. Булар ҳаммаси шахзода-нинг ўлигини бир ерга яшириб, подшонинг саройига борибдилар. Зўр ташвишда ўтирган подшо дарров: «Ҳабар топиб келдингизми?» — деб сўрабди. Ҳамма жим тураверибди, чунки ким тўғриси айтса, оғзига кўрғошин қуйилиши керак эди. Шунда ҳалиги одам қўлига дуторини олиб чала берибди. Дутордан шундай мунгли, қайғули овоз тарқалибдики, подшо ўғлининг нима бўлганини дарров сезиб олибди. Подшо оғир қайғу чекибди, кейин ғазаб билан: «Чолнинг оғзига кўрғошин қуйилсин», — деб буйруқ берибди. Ҳалиги чол: «Мени авф этинг, подшоҳим, менда ҳеч айб йўқ, қайғули хабарни мен эмас, мана бу дуторим айтди, жазони шу дутор тортиши керак» — дебди. Подшо буйруқни чор-ночор ўзгартирибди: дуторнинг қорнига кўрғошин эритиб қуйибдилар.

СЎНГГИ ПУШАЙМОН



укмони Ҳакимнинг яккаю ягона боласи касал бўлиб қолибди. Табобат оламининг бир улуғ болани даволашга ҳар қанча уринмасин, вафот этибди. «Лукмон Ҳаким деган номим бўлса-ю, танҳо фарзандимни сақлаб қололмасам, унда улуғлигим қаёққа кетди, ақали нега вафот этганини билайин.» — деб ичини ёриб кўрибди. Боланинг ички аъзолари соғ экан-у, фақат юрагига қил ўралиб қолган экан, натижада, қон айланиш ва юрак ҳаракати сусайиб, ўғли ва-

фот этган экан. Буни кўрган табиб ниҳоятда афеусланиб дебди: «Эвоҳ, ё дўмбира чертишни, ёки кўнкари чопишни ўргатмаган эканман. Мабодо, иккаласидан биронтасини билганида ҳам омон қолар эди-я. Чунки дўмбира чертганда куй сеҳридан, кўнкари чопиб улоқ айирганда эса, завқ-шавқдан юраги кенгайиб, унга ўралган қил узилиб кетиши ва фарзандим ўлмай қолиши аниқ эди»...

ДЎМБИРА



улбул дўмбира билан баҳслашиб қолибди: «Мен мингта куй наъма қиламан», деб мақтанибди. Дўмбира булбулга ҳеч нима демай, наъмасини чала бошлабди. Минг бир наъмага етганда булбул дўмбиранинг қулоғига қўниб, шундай деган экан: «Бас қил, сенга қойил қолдим. Мендан кўра кўп ва хўп билар экансан». Шундан буён дўмбира тилга кирдимиз, бас, булбул куйлашдан тўхтаркан-да, секингина унинг ёнига учиб келиб, хомушгина куй тинглар экан...

ҚЎШИҚ СЕҲРИ



адим ўтган замонда бир подшо бўлиб, қўшиқни мутлақо ёқтирмас экан. Шу сабабли у ким қўшиқ айтса, ўшани ўлимга буюраркан. Бора-бора қўшиқ ҳақида сўз очганни ҳам ўша заҳотиёқ даф қиладиган одат чиқарибди. Кунлардан бир куни подшонинг вазири билмай беҳосдан: «Олампаноҳ, боғингиздаги булбулнинг қўшиқ айтишини қаранг-а», — деган экан, подшо уни шу заҳотиёқ ўлимга буюрибди. Булбулнинг калласини узиб ташлашга, боғига ўт қўйишга фармон берибди. Сўнгра: «Кимда-ким қўшиқ сўзини тилига олса, ўзи ўлимда, моли талонда» — деб жар солдирибди. Барбир, қўшиқ тўқила-

верибди, соз янграйверибди. Нима қиларини билмай, гаранг бўлиб қолган подшо ҳадеб асабийлашавергач, касалга чалиниб қолибди. Подшонинг яна бир доно вазири бор экан. Подшо уни ўз ҳузурига чақирибди: «ни-ма қилсанг қил касалимнинг давосини топ, деб буюрибди. Шунда вазир: «Касалингизнинг бирдан бир давоси — қўшиқ», — деб жавоб берибди. Шунда подшо: «Бу менга шама қилаяпти», — деб ўйлаб, дарғазаб бўлибди ва вазирни жаллод қўлига топширибди. Табиб чақиртирибди. Табиб ҳам подшонинг қўшиқ билангина тузалишини айтибди. Ғазаб отига минган подшо табибни ҳам ўлдиртириб юборибди. Шу-шу юртда табиб қолмабди. Бир кун кўчадан бир мусофир ўтиб қолибди, уни тутиб олиб «табиб» деб саройга келтиришибди. Подшо унга қараб: «Эй, мусофир. Сени менга табиб деб айтишди. Менинг касалимни, борди-ю, даволай олсанг, подшолигимнинг ярми сеники, тузата олмасанг, каллангни танангдан жудо қиламан», — дебди. Шунда ҳалиги мусофир: «Мен табиб бўлмасам, қандай қилиб уни даволайман. Подшонинг авзойи жуда ҳам бузук. Барибир, ўлдирадиганга ўхшайди, нима бўлса бўлсин. Ўлимим олдидан мазза қилиб қўшиқ айтиб қолай», — дебди ичида. Сўнг овозини чиқариб, подшога қарагача: «Хўп, тузатсам, тузата қолай», — дебди. Мусофир шундай дебди-ю, хуржунидан дўмбирасини олиб, балаид овоз билан қўшиқ бошлаб юборибди. У подшонинг ҳой-ҳойлашию бақир-чақирига парво қилмабди. Подшо жаллод чақирини чунонам ҳаракат қилармиш-у, аммо мадори етмасмиш. Аста-секин кучдан кета бошлабди. Ниҳоят, бутунлай ҳолдан тойиб, қаттиқ ухлаб қолибди. Шу ухлаганича тўрт кечаю тўрт кундуз уйғонмабди. Мусофир ҳам тинмай қўшиқ айта-верибди. Бир замон подшо уйғониб қараса, сонна-соғ бўлиб қолган эмиш. Подшо хурсанд бўлиб: «Мени даволадинг, ваъдамни бажараман, ол, подшолигимни ярмиси сеники. Лекин бир шартим бор. Қўлинг-

даги дўмбирагни синдириб овозингни ўчирасан. Бошқа кўшиқ айтмайдиган бўласан», — дебди. Шунда мусофир: «Кўймадингиз-да, ҳа, майли, сўрасам сўрай қолай, касалингизни тузатаман деб овозимнинг ярмини йўқотдим, шу овозимни топиб берсангиз, бўлгани», — дебди. Подшо кўл остидаги кишиларни чақириб, кўшиқ айттирибди. Бўлмабди. Кейин ҳаммага бирма-бир кўшиқ айттира берибди, бирининг овози иккинчисига ўхшамасмиш. «Подшолигимнинг ҳаммасини ол, фақат мени бу мушкул ишдан кутқаз», — деб ялинибди подшо. Мусофир бўлса: «Олампадох, мен шоирман, овозим шоир овози. Сиз мамлакатингиздаги шоирларнинг барчасини ўлдиртириб юбормаганингизда эди, бундай касалга дучор бўлмас эдингиз. Энди шоир овозига ўхшаш овоз топиб бермагунигизча ҳеч ёққа кетмайман», — деб туриб олибди. Шу бўлибди-ю, подшо аввалги фармонини бекор қилиб, «Подшони даволаб, оёққа турғазган шоир овозига ўхшаш овоз топилмагунича шоирлар яшайверсин, кўшиқ айтилаверсин», — дея фармон берибди. Подшо амри вожиб бўлиб, кўшиқ қайтадан қанот қоқа бошлабди.

БОБУР ВА КАБУТАР



ирзо Бобур ёшлигидан зийрак бола бўлиб ўсибди. Кунлардан бир кун Умаршайх сарой аъёнлари билан қасрда ўлтирган экан бир кабутар учиб келиб айвон пештоқига қўнибди-да «ғулу-ғулу-ғу-лу» қилаверибди. Умаршайх аъёнларидан : «Кабутар не дейдур?» — деб сўраб қолибди. Анчадан буён уруш кўрмай, қиличлари қонсираб қолган аъёнлар: «Олий ҳазрат, кабутар қиличларни қиндан суғурмоқ керак, дейдур», — деб жавоб беришибди.

Гапга кўшилмай бир чеккада жим ўлтирган Мирзо

Бобур: «Йўқ, кабутар ундай демайду. Бобо, у қовун сайлига чақирибду. Жонивор хушхабарни келтирибду»,— дебди. Умаршайх кабутарни тутиб келтиришни буюрибди. Кабутарни тутиб келиб, оёғидаги мис ҳалқани олиб қарашса, ичидан бир хат чиқибди. Хатда: «Олий ҳазрат, қовун аини пишди. Келиб қўл уриб берсалар», — деб ёзилган эмиш. Мирзо Бобурнинг гапи тўғри чиққанидан ҳайратга тушган Умаршайх ўғлидан: «Бунчалик топқирлигингга боис недур?» — деб сўрабди.

«Ота, — дебди Бобур, — бу кабутарга эътибор қилмадингиз. Ўтган йили қовун сайли хушхабарини худди ана шу жонивор хабар қилғон эрди, каминанинг кўзи кабутарнинг ўнг қанотидаги қора холга тушган заҳоти ани таниди ва шу сўзни тахмин этди,» — деб жавоб берибди.

Ёш Мирзо хушёрлиги, топқирлигига қойил қолган Умаршайх аёнларга қараб: «Қилични эмас, ақл-идрокни ишга солмоқ лозимдир. Хабар қилинлар, барча қовун сайлига отлансин!» — деб фармойиш берибди.

БОҒИ БОБУРИЙ



алакнинг гардиши билан Мирзо Бобур Ҳиндистон деган юртга бориб қолиб, у ернинг султони бўлибди. Ҳиндистон боғ-роғи кўп, мева-чевага бой юрт экан. Бобуршоҳ мenden ёдгор қолсин деб, Ҳиндистоннинг кўркам жойига бир боғ барпо эттирибди. Дунёдаги бу энг катта боққа турли юртлардан ниҳоллар — олмаю олича, анору анжир, жийдаю ёнғоқ, пистаю бодом, ноку нашвати, узуму ўрик, беҳию хурмо, олмаю гилос, кўк-султону олхўри, ток, хилма-хил гуллар хуллас, оламда мевали дарахт ва гуллар борки, ҳаммасидан олиб келиб кўкартирибди. Халқ дунёга донғи кетган бу боққа «Боғи Бобурий» деб ном қўйибди. Боғдаги дарахтлар чунонам

хосилга кириб мева берибдики, уларни ҳеч ерга сиғдириб бўлмабди. «Боғи Бобурийнинг» бир чеккаси резавор экан. Унда пиёз, савзи, тарра, бодринг, тарвуз битибди. Бобуршоҳ қовунни яхши кўрар экан, аммо боғида ҳандалак билан қовун бўлмабди. Бобуршоҳ бир йил қовун эктирибди — битмабди, иккинчи, учинчи йил ҳам эктирибди, барибир, қовун битмабди.

Биринчи йили гулидаёқ ташлаб юборибди. Иккинчи йили палаги ўлиб қолибди, учинчи йили пишиб етмай туриб, ҳаммаси бирдан банд берибди. Бобуршоҳ бўлса, қовун топишни талаб қилаверибди. «Уч, ундан кейин пуч», — деган экан машойихлар. Тўртинчи йили Бобуршоҳ:

— Бу йил қовун хосил қилмаса, ҳаммангнинг жазонингни бераман, — деб қаҳр-ғазаб қилибди. Нима қилишни билмай, боғбонларнинг боши тозаям қотибди. Охири ўйлаб-ўйлаб Бобуршоҳга билдирмай, узоқ Фарғонадан қовун олиб келишга аҳд қилишибди. Бобуршоҳ бир неча кунга овга кетибди. Шу пайт боғбонларнинг бошлиғи ҳам ўн бир кишини ёнига олиб, «Фарғона, қаердасан», деб йўлга чиқибди. Карвон йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, ўн кун деганда Фарғона вилоятининг Наманган шаҳрига етиб борибди. Карвон от-араваларга қовун ортиб, тез изига қайтиб, ўн кун деганда яна Ҳиндистонга етиб келибди. Шу орада овдан қайтган Бобуршоҳ боғбонларнинг Фарғонага бориб келганини билмай қолибди. Бобуршоҳ боғбондан қовун йўқлатибди. Қовунни олиб боришибди. Бобуршоҳ қовунни ҳидлаб кўриб: «Қаерда битган?» — деб сўрабди. Боғбон: «Боғи Бобурий»да битган», — деб берибди. «Йўқ, ҳиди бошқача. Бундай ҳидли қовун бу ерларда битмайди. Фақат бир ўлкада етишади, холос. Сен мени алдаяпсан», — дебди Бобуршоҳ. «Алдаган бўлсам, билганигизни қилинг, шохим. Бу қовун «Боғи Бобурий»да битган», — сўзидан қайтмай дебди боғбон. Бобуршоҳ қовунни ҳидлай-ҳидлай, бўйига маст бўлиб, уни тилимламоқчи бўлибди.

Қовун пичоқ тегар-тегмасдан тарсиллаб ёрилиб кетибди.

Бобуршоҳ боғбонга қараб:

— Ёлғон гапирибсан, қовунни қаердан келтирганингни очиқ-ойдин айтасан. Пичоқ тегар-тегмас ёрилиб кетадиган қовун фақат мен биладиган ўлкадагина битади. Сен менинг саволимга ҳам тўғри жавоб бермадинг. Қаҳрим каттиқлигидан кўрқмайсанми? — дебди.

— Олий ҳазрат, алдасам бошимни танамдан жудо қилинг, майли, мен розиман. Сиз кўриб турган қовун «Боғи Бобурий» да битган, — дебди боғбон яна билмаган бўлиб. Тилида шундай дебди-ю, ичида: «Бобуршоҳ, қани полизни кўрсат, деб қолса ҳолим не кечаркин?» деб ўйлаб ваҳимага тушибди. Буни Бобуршоҳ сезибди-ю, ўзини билмаганга олибди. Қовун ширинлигидан тилни ёрар эмиш. Бобуршоҳ қовуннинг тилимини еб бўлиб боғбонга қарабди: Йўқ, сен мени алдаяпсан. Бунақа ширин, тил ёрар қовун бу ерларда битмайди. Бошқа жойдан келтиргансан. Тўғрисини айтсанг, гуноҳингни кечаман. борди-ю, мени алдаб, яна ёлғон гапирадиган бўлсанг, бошингни танангдан жудо этаман», — дебди.

Шоир ва фозил Бобуршоҳни алдаб бўлмаслигини билган боғбон ростини айтишга мажбур бўлибди.

— Фарўна вилоятининг Наманган шаҳридан келтирдик, — дебди боғбон кўзига жикқа ёш олиб. — Ростини айтдингиз, шоҳим, бунақа қовун, сиз айтганингиздек, фақат ўша ёқларда битади. Наманган шакарпалаги дегани шу...

Боғбоннинг гапидан Бобуршоҳнинг кўнгли бузилиб, йиғлаб юборишига озгина қолибди. Боғбон: «Шоҳим, қовунни қаердан олиб келганимни сўраб билиб олдингиз. Энди нима қилсангиз, ихтиёр ўзингизда. Аммо ўлимим олдидан мен ҳам сиздан бир сўровимга жавоб беришингизни тилайман», — дебди. Бобуршоҳ: «Сўра сўровингни», — деган экан, боғбон: «Қовун бу ердан эмас-

лигини қандай билдингиз?» — дебди. «Ҳиди, пичоқ тегартегмай ёрилиб кетиши ва тилни ёрар ширинлигидан она юртим қовуни эканлигини англадим. Раҳматли отаонам боғидаги полизда шунақа шакарпалак кўп бўларди. Узоқ Ҳинду юртида туриб шакарпалаги билан сийлаганинг учун гунохкор бўлмай, ином-эҳсонларга лойиқсан,» — деб Бобуршоҳ боғбонга раҳматлар айтиб, бир сидра сарпо бердирибди-да, ушбу рубойини ўқибди:

Толе йўқлиги жонимга балолит бўлди,
Ҳар ишники айладим, хатолиг бўлди,
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ё раб нетайин, бу юз қаролиг бўлди!

ТИЛДАН ҚОЛГАН ХОН



ир юртнинг хони туш кўрибди. Тушида гўрда ётганмиш, мункарнакирлар келиб, унга дўқ-пўниси қилибди. Хон кўрқиб кетибди, эрталаб турса, тилдан қолибди. Хон гапирмоқчи бўлармиш-у, гапира олмасмиш, тили нуқул гўлдир-гўлдир қилармиш. Хоннинг жаҳли чиқибди, бақириб-чақирмоқчи бўлибди, аммо тили яна гўлдур-гўлдурдан нарига ўтолмасмиш. Саройдагилар ҳам, хонимиз нима деяптилар, деб ҳайрон бўлишармиш. «Инс-жинс тегди» деб, алас-алас қилдиришибди, дев чалди деб, қатор-қатор қўй сўйишибди, арвоҳ урди деб, хайр-эҳсон қилишибди, хоннинг тили чиқмабди. Навбатма-навбат табиблар қарашибди, аммо ҳеч ким хоннинг тилини чиқаролмабди. «Самарқандда Ибн Сино деган бир табиб чиқибди. У ўликка жон киритар эмиш», деб эшитишган экан. Бош вазир Самарқандга бориб, Ибн Синони бошлаб келибди. Ибн Сино хоннинг уёқ-буёғини кўрган бўлибди, дори-дармон ичтирибди. Кейин ўзича: «Бу хон ҳеч қандай касалга чалинмаган. Туши ё ўнгида кўрққанидан тили йўқолган. Буни таъсир-акс йўли билан, яъни кўр-

қитиш усули билан даволаб, тилини чиқараман», — деб ўйлабди-да, хонни ташқарига олиб чиқиб, ўриндиққа ўтқазиб қўйишни буюрибди. Сарой кишилари хонни табиб айтгандай қилиб, ўриндиққа ўтқазиб қўйишибди. Шундан кейин Ибн Сино: «Хоннинг энг яхши кўрган нарсасини олиб келинглар-да, рўпарасига қўйинглар», — деб буюрибди. Хон Қорабайир оти билан Кенжаойим исмли хотинини яхши кўрар экан. Рўпарасига боғланган отини эркалатолмай хон юм-юм йиғлабди. Ибн Сино: «Яна нимани яхши кўради хонинглар?» — деб сўрабди. «Кенжа ойимни жонларидан ортиқ яхши кўрадилар», — дейишибди. Ибн Сино: «Кенжаойимни олиб келиб, отга миндириб қўйинглар», — дебди. Сарой кишилари Кенжа ойимни олиб келиб, хоннинг суюкли оти устига миндириб қўйишибди. Подшо Кенжа ойимни кўриб, додлаб юборибди. Аммо тили додга келмасдан нукул «ғулдир-ғулдир» қилармиш.

Ибн Сино саройнинг каттасини бир четга олиб чиқиб: «Мен бир гап айтаман, сизлар уни аниқ бажарасизлар, яъни мен хон ёнида ўлтириб, сизни тузата олмаган бўлсам ҳам, бу ерга бекор келмабман, дори-дармонга отингиз билан кенжа хотинингизни олиб кетаяпман, дейманда, отга миниб қамчи босаман, — дебди. — Кенжа ойимга ҳам тайинлаб қўйинглар, яна мени олиб қочиб кетар экан, деб кўрқиб-писиб юрмасин. Аммо мен отга қамчи босганда дод-фарёд кўтарсин», — дебди. Ибн Сионинг айтганини қилишибди.

Подшо нима гаплигини билолмай хайрон эмиш. Ибн Сино хоннинг олдига кириб, тиз чўкиб:

— Энди, хоним, сизни даволай олмадим, даво топишингиз мумкин эмас экан. Берган дори-дармонларим, шунча кун қараганларимга саройдаги кишиларингиз ана бу отингиз билан Кенжа ойим хотинингизни тухфа қилишди. Менга рухсат берсангиз, уйимга қайтсам, — дебди. Ибн Сино шундай деб отга қараб чошибди-да, шошиб-пишиб унга миниб, устма-уст қамчи босибди. Под-

шо аввал гудир-гудирлаганча ўрнидан туриб кетибди. Кейин бир кучаниб бақирган экан, тили чиқиб кетибди... Товуши бутун саройни ларзага келтирибди. Ибн Сионинг орқасидан: «Ушла, ушла анави қароқчи ўғрини, куппа-кундузи отим билан хотинимни ўғирлаб кетди-и-и!» — деб бақираверибди, чақираверибди.

Бир пайт Ибн Сино отни чоптирганича бир жойга бориб, кейин орқасига қайтиб келибди. Уни кўрган хон:

— Ҳой, ўғримисан, табибмисан? — дебди. Шунда Ибн Сино:

— Мен табибман, ўғримасман, — дебди. Хон:

— Бўлмаса, нега бундай қилдинг? — дебди. Ибн Сино:

— Шундай қилмасам бўлмасди. Сиз тушингизда кўрққанингиздан тилдан қолган эдингиз. Сизни кўрқитиш орқалигина даволаш мумкин эди. Бошқа ҳар қандай дори-дармон сизга фойда беролмасди. Мана тилингиз чиқди, энди хотинингиз ҳам, отингиз ҳам ўзингизга букюрсин, — дебди. Ибн Сино отдан тушиб, унинг тизгинини хонга тутқазибди. Хон Ибн Сионинг ақлу кароматига қойил қолиб, бошдан-оёқ сарпо берибди-да, ўзига бош табиб қилиб тайинлабди.

ИБН СИНО БИЛАН ИЛОН



Ибн Сино сиз билан бизга ўхшаган одам экан. Аммо жуда ёшлигиданоқ зехни ўткир, диди баланд, иши билан сўзи бир бола бўлиб ўсган экан. Бир куни отаси билан гаплашиб ўлтирган экан, отаси: «Болам катта бўлсангиз ким бўласиз?» — деб сўраб қолибди. Ибн Си-

но аввалига нима деб жавоб беришни билмай, дудуқланиб қолибди. Кейин:

— Табиб бўламан, сизни, энамни даволаб юраман, — деб жавоб берибди.

— Бошқаларни-чи, бошқаларни даволамайсизми? — дебди. Ибн Сино:

— Ҳамма-ҳаммани даволайман, катта табиб бўламан, — дебди. Ибн Сино куну тун табибликни ўйлабди, ўт-гиёҳларни, мева-чеваларни еб, сувидан ичибди. Аммо табиб бўлолмабди. Отаси катта-кичик шаҳарларга олиб бориб, табибларга шогирд берибди, аммо улардан бирон-бир нарса ўрганишга ақли етмаган Ибн Сино қаерга борса, у ердан қочиб келаверибди. Мендан табиб чиқмас экан-да, деб ўйлабди. Ота-онаси ҳам ўғлимиздан табиб чиқмас экан, бошқа ҳунарга ўргатсак бўларкан, деган хулосага келишибди. Шу орада Ибн Сино олтидан ўтиб, еттига кирибди. Етти ёшга тўлган кун кечаси туш кўрибди. Тушида илонлар кўп бўлган «Илон ўрда» да юрган эмиш. Оқ илон унга оқ сув бериб, у дардга даво дермиш; қизил илон унга қизил сув бериб бу дардга даво дермиш; қора илон Ибн Синога қоп-қора сут бериб, фалон касалга даво дермиш; сариқ илон сариқ сув бериб, пистон дардга шифо дермиш. Илонлар билан ўралиб-ўралиб, юмалаб-думалаб, ўйнаб-кулиб туриб уйғониб кетибди. Уйғониб кетгач, тундаёқ илон излаб кетибди. Излай-излай илонлардан бир-иккитасини ушлаб келиб, улардан заҳар олибди-да, уни эчки, қўйларнинг сутига қўшиб, касалларга даво бўлади, деб бераверибди. Кейинча эса ҳар хил гиёҳларни териб келиб, эзиб, илон заҳарини қўй-эчки сутларига қўшиб, касалман деганларга бера бошлабди. Қим касалман деб келса, Ибн Сино давосидан даволанаверибди. Етти ёшидаёқ етти иқлимга овоза бўлган Ибн Сино табиблар табиби деган унвонга сазовор бўлибди. Кейин ўйлаб-ўйлаб, тиббиёт тимсоли сифатида илон билан унинг заҳарини танлабди.

ИБН СИНО БИЛАН ГИЕҲЛАР



Ибн Синонинг энг яхши кўрган машгулоти илонлар излаб, уларнинг заҳарини олиш билан тоғу тошлар, чўлу биёбонларда юриб, доривор гиёҳлар тўплаш экан. Бу соҳада ҳеч эринмас, чарчаб ҳоримас экан. Ибн Синонинг дастидан Ҳисор, Бойсун, Нурота, Кўҳитак тоғлар қочиб қутилолмабди. Ибн Сино бу тоғларнинг одам оёғи етмаган, қуш учиб ўтолмаган жойларигача бориб, доривор ўсимликлар, гиёҳлар тўплаган бўлса, ўнгирлару ёрларда бўлиб, илонлар йиғар экан. Ана шундай кунларнинг, яъни илон, гиёҳлар излаб юрган пайтларининг бирида, Бойсун тоғида бир чўпонни учратиб қолибди. Унга кўноқ бўлибди, эртасига биргаллашиб чўпонлик қилибди. Чўпон табибга ҳар хил гиёҳлар топиб берибди, илонлар тутишда ёрдамлашибди. Кунлардан бир кун тунда қизиқ воқеа рўй берибди. Ибн Сино чўпон билан тоғ ёнбағрида кетаётса, бир ерда олов ёнаётган эмиш. Аввалига Ибн Сино эътибор бермабди, бирон-бир ёнар тош бўлса керак, деб ўйлабди... Кейин қизиқиб қолибди. Чўпондан: «Ху анави ерда нима ёнапти?» — деб сўрабди. Кўпни кўрган, кўпни билган чўпон: «Э, дўстим, ёнаётган олов бўлмай, гул», — дебди. «Гул, — деб ҳайрон бўлибди Ибн Сино, — гул ҳам ёнарканми?» «Ҳа, — дебди чўпон — у оддий гул эмас, ёнар гул. Кечаси ёниб, кун чиққач, яна ўчади. Ҳали ҳеч ким у ерга чиқиб, ана шу гулни ушлаб кўрган эмас. Кимда-ким уни ушласа, ўлиб қолади ва ё жинни, ёки кўл-оёғи шол бўлиб қолади». Ибн Сино гап нимадалигини билибди-ю, чўпонга қараб: «Ўша оловга борамиз. Агар гапинг рост бўлиб, у гиёҳ гул бўлса, мана мен ушлайман. Майли, ўлсам ўла қолай, аммо сирини билмоғим лозим. Жинни ё шол бўлсам ҳам розиман», — дебди. Чўпон аввалига ҳеч кўнмабди, Ибн Синони ҳам бу йўлдан қайтарибди. Аммо табиб ўз сўзида туриб олибди. Чўпон рози бўлиб, лал-лал ёниб турган оловнинг олдига олиб чиқибди. Гулни узган заҳоти чўпон

ўлиб қолибди. Ибн Сино ўйлаб туриб: «Гулни узсам, мен ҳам ўламан. Шунинг учун тадбир қилиб, уни қўлга олишим керак», — дебди-да, кўйчивоннинг чўпон итини чақирибди. Ит ҳам Ибн Синога ўрганиб, уни қопмайдиган бўлиб қолган экан. Ибн Сино бир латтага тошни ўраб, гулнинг илдизига ўрабди, латтанинг бир учини итнинг бўйнига боғлабди-да, уни пастга қараб ҳайдаб юборибди. Ит пастга эниб, гулни илдиз-пилдизи билан қўпориб ташлабди. Гулнинг илдизи остидан шунчалик кўп илон чиқибдики, ҳаммаёқни мўри-малахдай босиб кетибди. Шунда Ибн Синонинг хаёлига бир гап келиб, хурсанд бўлиб кетибди. «Ҳа, — дебди ичида, — чўпон ўлмаган, заҳарланган экан. Демак, уни тузатиш мумкин». Ибн Сино шундай деб илонлардан бир-иккитасини ушлаб чўпонни чақирибди. «Заҳарни заҳар кесади», — деганларидек, илон чаққан заҳоти чўпон қимирлаб-қимирлаб ўзига келибди. Бир акса уриб, ўрнидан туриб кетибди. Икковлон илонларни тутиб олишибди. Кейин Ибн Сино ҳалиги ёнар гул билан илон заҳридан дори-дармон тайёрлашга киришиб кетибди. Бунда унга чўпон ёрдам берибди.

Ибн Синонинг обрўсига обрў қўшилиб кетаверибди, донғи дунёнинг бурчак-бурчакларигача етиб борибди. «Девонанинг душмани девона» деганларидек, Ибн Синонинг шуҳрат қозониб кетиши бошқа табибларга маъқул бўлмабди. Улар Ибн Синонинг изига тушишибди. Ибн Сино қаерга борса, орқасидан боришибди, қаерда яшаса, ўша ерда таъқиб қилишибди. Кунлардан бир куни улардан бири Ибн Синони заҳарлаб ўлдиришга бел боғлабди. Ҳамма нарсадан хабар топадиган, билмаганни билиб оладиган Ибн Синога табиблар хоинлиги равшан бўлибди. Ибн Сино уларни ранжитмаслик, аксинча, «хурсанд» қилиш йўлини топибди. Заҳар ичадиган куни шогирди чўпонга:

— Ҳушёр бўласан, менга бугун заҳар беришади. Шунда сен тезлик билан ёнар гул билан илон заҳаридан ишланган дорини менинг оғзимга қуясан, — дебди. Ибн

Сино айтган куни табиблардан бири: «Устоз, янги дори тайёрладик. У кишини яшнатиб, асл ёшлик ҳолига келтиради. Биз тотиб кўрдик, сизга ҳам озгина қолдирдик. Ичинг, зора яна ёшлигингизга қайтиб, бизни хушнуд этсангиз», — дебди. Ибн Сино ичида: «Оббо, нодон-ей, бу ёшликни қайтарадиган дори эмас, қарилликни кучайтириб, дорилбақога жўнатадиган дори-ку», — дебди-ю, ўнгида: «Беринг, ичсам ичай, ёшлигимни қўмсаб юрган эдим, зора унга қайтсам», — деб дорини ичибди. Табиб: «Ўлди! Ўлди!» — деб ошналарининг олдига чолибди. Шунда чўпон ёнар гул билан илон захаридан тайёрланган дорини Ибн Сионинг оғзига қуйибди-да: «Тирилди! Тирилди!» — деб табибларнинг олдига югурибди. Табиблар Ибн Сионинг ўлмаслигига ишониб, унинг оёғига йиқилиб кечирим сўрашибди. Ибн Сино уларнинг гунохидан ўтиб, табиблик қилиб, беморларни даволашни умрининг охиригача қанда қилмабди.

ИБН СИНО ВА КИТОБЛАР



овийлар ривоят қилишларича, Бухоро музофотида дунёга донғи кетган, машхур, ҳакимларнинг ҳакими доно Ибн Сино ўтган экан. Ибн Сино ёшлигиданоқ илм-фанга берилиб, кўп ўқибди. Ўқиган китоблари борки, ўқибди, ёд олибди. Бундан ташқари ҳайвонларнинг «гап-сўз»ларини ҳам, парранда-даррандаларнинг тилини ҳам, гиёҳларнинг ҳолатини ҳам биладиган, тушунадиган бўлибди. Болалар ўйин-кулгу билан банд бўлишса, Ибн Сино турли гиёҳларнинг ҳолатини ҳам биладиган, тушунадиган бўлибди. Бола чумоли, қумурсқаларни тутиш, илон, қурбақаларни ушлаш билан овора экан. Ўз-ўзидан гиёҳлардан дори-дармонлар тайёрлаб, ошналаридан бирини касал қилиб, уни даволаш билан шуғулланаркан. Боласидаги бу қилиқ-одатларни кўрган ота-она уни мактабга берибдилар. Ибн Сино мактабда

ўқиладиган китобларни аллақачон ўқиб, уларни уқиб олган экан. Шунинг учун мактабга бормай қўйибди. Ота-онаси шаҳарда ўқисин, деб Бухорога кўчиб келишибди. Аммо мадрасадагилар эшигига яқинлаштиришмабди. Ибн Сино ноилож яна ўзича ўқиб, уқиб юраверибди. Яна гиёҳ, ўт-алафлар тўплаб, илон, чаён, қурбақа, тошбақаларни тутиб, улар устида соатлаб, кунлаб, ҳафталаб машқ қилиб юраверибди.

Баъзи бир касаллар олдига келса даволаб, дардига шифо бера бошлабди. Бора-бора жуда ҳам зўр табиб бўлиб кетибди. Аммо кўпчиликка билдирмабди, табиблигини сир сақлабди. Барибир Ибн Сино қанчалик сир сақламасин, сирлари ошкора бўлаверибди. Чунки «Гапни гап қувийди, сирни сир очади», деган гап бор. Ибн Синодан шифо топган одам бугун бир бўлса, эртасига икки бўлибди. «Мен фалончидан шифо топдим», деб бир киши иккинчи кишига айтса, иккинчиси унга яна қўшиб, «фалончи-фалончи Ибн Синодан шифо топибди, касал эди, тузалибди», — деб гап тарқатаверибди. Ҳамма ёққа овозаси кетибди. Шундай бўлса ҳам ғаламис табиблар уни тан олишмас, шаҳарга йўлатишмас экан. Кунлардан бир куни донг таратишда Самарқандга тенг келадиган, балким ундан ўтадиган Бухоро шаҳарининг хони касалга чалиниб, ётиб қолибди. Аввалига сарой табиблари «Ҳеч гапмас, хонимиз тузалиб кетадилар, касаллари унчалик оғир эмас», — дейишибди. Қарашибди, даволашибди, хон тузалмабди. Кейинчалик бошқа мамлакатлардан ман-ман деган табибларни олдириб келиб, қаратишибди, хон тузалмабди. Ҳеч ким хоннинг дардига малҳам топа олмаётганини кўриб, хон кишилари хавотирга тушиб қолишибди. «Энди хонимиз ўлиб қоларкан-да», — дейишиб, ўзларини у ёққа уришибди, бу ёққа уришибди, ҳеч нима чиқаришолмабди. Ораларидан бировини эсига Ибн Сино тушиб, шуни чақиртирсак-чи, деб қолибди. Бу гап ҳаммага маъқул тушибди. Тезликда Ибн Синони саройга келтиришибди. Бош табиб унга ялиниб-ёлворибди:

— Улуғ хонимизнинг амру фармонлари шундай, биз у кишини даволаб, шифо топтиришимиз керак. Акс ҳолда ҳаммамизнинг калламиз қиличдан ўтказилур ёхуд дорга тортилурумиз, — дебди. Ибн Сино:

— Мен нима қилмоғим даркор? — деб сўрабди.

— Хонимизни тузатмоғинг даркор, — деб жавоб берибди бош табиб. Ибн Сино:

— Касални кўрмай, томирини ушламай, қандай даволайман. Ахир мени унинг олдига олиб киришлар-да, — дебди. Бош табиб Ибн Синони хоннинг олдига олиб кирибди. Ибн Сино касални кўриб, томирини ушлабди-да, изига қайтиб, қишлоғига қараб кетибди. Ибн Синонинг касални кўриб, томирини ушлаб ҳеч нима демасдан қишлоғига қайтиб кетганини хон ўзича, табиблар ўзича тушунишибди. Хон: «Касалим оғир экан, энди ўлар эканман», деб ўйлаган бўлса, табиблар: «Ибн Сино ҳалиям биздан хафа экан. Шоҳни тузатсам булар омон қолади. тузатмасам уларнинг боши кетади», — деб ўйлашибди. Хон табибларни ёнига чақириб: «Касалимни тезликда тузатмасаларинг, бола-чақаларингни ўзларингга қўшиб дорга тортираман», — дебди. Табибларнинг яна бошлари қотибди. Ибн Синога яна одам юбормоқчи бўлишибди. Шу пайт Ибн Синонинг ўзи кириб келибди-да, хоннинг олдига кириб уйда тайёрлаган дорини берибди. Хон дорини ичибди. Ибн Сино ҳеч кимни ёнига йўлатмай, хоннинг бошида унга тикилганча ўлтираверибди. Хон уйкуга кетибди, анча вақт ўтгандан кейин ўзига келиб, емак сўрабди. Ибн Сино сув беришларини буюрибди. Хон ўзига келиб, тузалиб қолгач, Ибн Синодан, нима берсам хурсанд қилган бўламан, дебди. Ибн Сино ҳеч нарса талаб қилмабди. «Бир қоп тилла ол!» — дебди хон. Ибн Сино қабул қилмабди. «Юрт сўра, юрт берай», — дебди хон. Ибн Сино ҳеч нарса олмаслигини айтибди. «Сурув-сурув от, қўй берай», — дебди хон. Ибн Сино яна, ҳеч нима керак эмас, дебди. Хон сўра, берай, деявергач, Ибн Сино: «Хоним, мен ҳаракат қилдим, худо шифо берди-ю, туза-

либ оёққа турдингиз. Менга ҳеч қандай тилла ҳам, юрт ҳам, сурув-сурув от, қўйлар ҳам керак эмас, қишлоғимга бир қироатхона қурдириб, қирк туя китоб берсангиз бўлгани», — дебди. Хон хурсанд бўлиб, барча усталарни йиғдириб, Ибн Сино қишлоғига катта қироатхона қурдиришга киришибди. Бутун дунёга жар солдириб китоб йиғдирибди, ўзининг бой кутубхонасидан ҳам энг нодир китоблардан олиб, 40 туяга юклатиб, Ибн Сино қишлоғига жўнатибди. Қироатхона битиб, китоблар келтириб бўлингач, Ибн Сино кутубхона ичига кириб кетибди. Хонни ўлимдан олиб қолган Ибн Сино оғизга тушиб, донғи ҳар ёнга кетибди. Бошқа табиблар унга ҳасад билан қарай бошлашибди. Кўпчилик бўлиб, Ибн Синонинг олдига боришибди. Кутубхонага кириб китоблар орасидан Ибн Синони зўрға топишибди-да, ундан:

— Хонлиқдан келганингиздан бери шу ерда китоб титкилаб ётибсизми? — деб сўрашибди. Ибн Сино:

— Ҳа, энг яқин дўстларим — китоблар билан суҳбат қуриб, куну ой, ҳафтаю йиллар ўтганини ҳам сезмаяпман. Миямни илмга, чўнтагимни ҳазинага тўлдириш билан бандман, — дебди.

— Табиблик-чи, табибликни ташладингизми? — деб сўрабди табиблардан бири.

— Йўқ, табиблигимни қиёмига етказмоқдаман. Аввал улуғ устозларимнинг панду насихатлари, кўрсатмаларини билиб олиб, кейин даволашга ўтаман. Мен шу кунгача ўзимни зўр табиб ҳисоблаб катта хатога йўл қўйган эканман. Энди мана бу китоблардан олганларимни амалиёт билан мустаҳкамлай олсамгина, ўзимни табиб деб аташга ҳақлиман, — дебди. Табиблардан яна бири:

— Борди-ю, кутубхонангизга ўт кетса, нима бўлади? — дебди. Ибн Сино:

— Авваламбор, кутубхонамга ўт кетишдан худо сақласин, борди-ю, фалокат рўй бериб, ўт кетса, унда чўчийдиган жойим йўқ. Ҳаммасини ёд билурман. Қайтадан

ёзиб чиқишга умрим етса кифоя, — дебди. Табиблар Ибн Синонинг зеҳни билан хотирасига қойил қолиб, келган жойларига қараб кетибдилар. Орадан кунлар ўтибди, ойлар ўтибди, барибир табиблар ҳасад қилишни қўймабдилар. Ғаламслик йўлига ўтиб, Ибн Синонинг кутубхонасига ўт қўйибдилар. Бундан хабар топган Ибн Сино чолиб бориб, кутубхона ичига кириб кетибди. «Яхсиси, дўстларим билан бирга ёна қолай», — дея китоблар орасида ўлтираверибди. Одамлар зўрға кутқазиб қолишибди. Ибн Сино куйган китобларни ёддан қайта битиб, тиклабди-да, кутубхонани янгитдан қурдирибди. У умрининг кўп қисмини ўша ерда ўтказган экан.

ҚОЗИНИНГ НАЙРАНГИ



ухоро деган юртда касал тарқаб, ҳамма қирилиб кета бошлабди. Ҳеч қайси табиб у касалнинг давосини тополмабди. Хон ҳамма табибларни саройга йиғиб:

— Юртда тарқалган касалнинг олдини олсаларинг олганларинг, бўлмаса ҳаммангни бирма-бир дорга торттираман, — дебди. Табиблар ўзларича ҳар хил дори тайёрлашибди, аммо у ҳеч кимга таъсир этмабди. Одамлар ўлгандан ўлаверибди. Кейин ҳаммаси, хон энди бизни ўлдирмай қўймайди, болаларимиз егим қоладиган бўлди, дейишиб йиғлашибди, сиқташибди. Шунда табиблар орасида бир қишлоқма-қишлоқ ўт-ғиёҳ териб юрадигани бор экан, ўша гап қотибди:

— Эшитишимча, узоқ бир қишлоқда Ибн Сино исмли ёш табиб пайдо бўлибди. Жуда билимдон, қўли енгил дейдилар. Қараган касали борки, шифо топмасдан қолмас эмиш. Шунини олиб келиб, олампаноҳга рўбарў қилсак бўлмасмикан? — Бу гап бошқаларга маъқул тушибди. Ибн Синони олиб келиб, шаҳарда тарқалган касалнинг сабабини топишмоқчи бўлишибди. Ибн Синони қишлоқдан топиб олиб келишибди. Табиб шохнинг олдига келиб,

ҳамма табибларни ҳам чақиртирибди-да, шундай дебди:

— Мен йўлда келаётиб билдимки, шаҳарда оғир вабо тарқалган. Бу касал жуда хавфли, юқумли, олди олин-маса, бутун мамлакатга тарқалиши мумкин. Шунинг учун кўча-кўй, бозор-ўчар, ариқ-зовурлар, масчит-мадрасалар қаттиқ назорат остига олинмоғи керак. Шаҳарга кириш, шаҳардан ташқари чиқиб кетиш, овқат пишириб сотиш, сув сотиш, савдо-сотик ҳам ман этилиши керак. Фармони Олий билан белгилаб қўйилсинки, хасталикни озгина сезган киши борки, биз турган жойга етиб келиб, табиблар кўригидан ўтказилиши шарт, деб топилсин.

Шоҳ Ибн Синонинг айтганларини қилдирибди. Кейин Ибн Сино табиблар йиғилган жойда иш бошлабди. Шоҳнинг буйруғи билан барча шаҳар аҳли пешобдан махсус идишларга солиб, табибларга кўрсатсин, деб эълон қилинибди. Оломон табиблар турган жойга ёпирилиб кела бошлабди. Ибн Сино шаҳар табиблари, ўзининг шогирдлари ёрдамида пешобларни текширувдан ўтказиб, дори-дармонлар тайёрлаб, бутун аҳолини кўздан ўтказа бошлабди.

Бир амалдор қози Ибн Синога ҳечам ишонмабди. У ҳам ноилож бир молнинг сийдигини кўринмайдиган идишга солиб Ибн Синонинг ҳузурига олиб келибди. Ибн Сино навбатга қўйибди. Қозининг баттар жаҳли чиқиб: «Хан сеними, қўлимга тушсанг бир бошлаб адабингни берайки, онангдан туғилганингга пушаймон бўлгин»,— дебди-да, навбат кутишга мажбур бўлибди. Навбати келгач, Ибн Сино қозининг қўлидан сийдик солинган идишни олиб кўрган бўлибди-да, дорига қоғоз ёзиб берибди.

— Мана шу доривор гиёҳларни топиб, уларни янчиб асал билан ёнғоққа аралаштириб кунига уч марта ичинг. Уч кечаю уч кундуз бошқа овқат, яъни нон-туз, палов-ма-лов еманг, сув ичманг. Кўпроқ кекиришга, овоз чиқаришга ҳаракат қилинг, — дебди. — Акс ҳолда умрингиз ту-

габ, дорилбақога равона бўласиз, — дебди. Қози:

— Бу доривор ўсимликларни мен ахтариб юрмай, ўзингизда бўлса бериб қўя қолинг, мен ўрнига олтинлардан бера қолай, — дебди. Шунда Ибн Сино:

— Қийналиб юрманг, улар ҳовлингизда, дала-даштда ўсади, топиш осон, — дебди.

Ибн Сионинг олдидан чиққан қози: «Бопладим, бу табибнинг иши бутунлай ёлғон, алдамчилик эканлигини исботладим», — дея чопқиллаганича шоҳнинг ҳузурига етиб борибди-да:

— Олампадох, Ибн Сиони дунёдаги зўр табиб деб билиб, ҳамма ишни унга топшириб қўйдингиз. Аслида эса у лақма, алдамчи, муттаҳам бир лўттибоз. Ҳозиргина мен уни шундай шармисор қилдимки, онасидан дунёга келганига минг пушаймон бўлади. Ибн Сионинг лақма ва гўллигини қарангки, мен унга бир ҳўкизнинг сийдиги билан суюқ тезагини олиб бориб, ўзимники деб топширдим. У менга: «Касалингиз оғир, мана бу дори-дармон гиёҳларни топиб, эзиб ичмасангиз, ўласиз», — деди. Мана, ўзингиз ўқинг, у қайси гиёҳни нима қилса менга дори бўлицини ёзиб берди. — Қози шундай деб Ибн Сино ёзиб берган дори-дармон қоғозини салла орасидан олиб шоҳга берибди. Бу гапдан шоҳнинг тарвузи қўлтиғидан тушибди, ҳафсаласи пир бўлиб, «Қоғозни ўқи, — дебди. — Қозимизнинг гапи тўғри чиқса, ундай табибнинг баҳридан ўтиб, дорга торттираман», — дебди дарғазаб бўлиб. Котиби хатни ўқиб кулиб юборибди-да:

— Қозим, боплайман деб, ўзлари бопланиб қолибдилар-ку? Саводсизлик ҳам эви билан-да, — дебди. Бу гапдан қозини жаҳли чиқиб, котибни койибди:


— Овоз чиқариб ўқи, бетовфиқ, — дебди.

Котиб хатни, яъни Ибн Сино ёзиб берган дори-дармон қоғозини овозининг бориचा ўқибди. Унда шундай ёзилган экан: «Қози почча касалингиз ҳамманикидан оғир. Аммо бир давоси бор. Ҳар куни бир калла кунжара, уч боғ беда, бир қоп сомон, уч пақир сув ичмасангиз, тез-

да беажал ўласиз». Ўлтирганларнинг ҳаммаси кулгидан ёрилай-ёрилай дейишибди. Шох ўзини кулгидан зўрға тўхтатиб:

— Энди бор, Ибн Сино табибнинг айтганларини қил. Мободо қилмасанг, ўзим сени дорга тортаман, — дебди...

«ЗАҲРИ ҚОТИЛ»

рон шоҳининг яккаю ёлғиз қизи бетоб бўлиб, оғирлашиб қолибди. У табибга кўрсатса, умри оз қолибди, дебди, бу табибга кўрсатса, одам бўлмайди, тайёргарлигингизни кўраве-ринг, дебди. Подшонинг ақли бошидан қочибди, ҳуши уни тарк этибди, нима қили-шини билмай у ёққа ўзини урибди, бу ёққа урибди. «Ар-занда қизимга шифо топган кишини бошдан-оёқ зарга кўмаман», — деб ҳамма ёққа жар солдирибди. Ибн Сино юрт кезиб юриб, бу ерга келиб қолиб, бир карвон саройга кўнган экан. Бу хабарни эшитиб: «Мени шоҳнинг саройига олиб боринглар, қани кўрай-чи, қизи нима билан оғриб, қай аҳволда экан?» — дебди. Бу хабарни саройга етказишибди. Подшоҳ хурсанд бўлиб, Ибн Синони сарой-га олдириб келибди. Подшо қараса, қаршисида келишган, ёш табиб турган эмиш. Ибн Сино:

— Бетоб қизингиз қани кўрсатинг, зеро худо таолодан бўлиб шифо топиб кетса, — дебди. Подшо ёш табибга бошдан — оёқ разм солиб турибди-да: «Бу ўзга мамла-катдан келган мусофир табиб бўлса. Мазҳаби, ҳулқи қандайлигини билмасам. Қизим бўйига етиб қолган, гўзал бўлса», — деган хаёлда табибни қизининг олдига кўйиш кўймаслигини мулоҳаза қилиб турган экан, Ибн Сино:

— Сиз ундай деб ўйламанг. Табибнинг вазифаси хастани даволаш. Ҳа, у ким бўлишидан, қандай мазҳаб-га, динга мансублигидан, ёшми-қари, эркакми-аёл,

Ўғилми ё киз, барибир касал бўлса уни оёққа турғазиш, дардига шифо топишдир. Табибнинг кўнгли, дили пок, қўли ҳалол бўлмоғи лозим. У ўзгаларга бегона ёки ҳирс кўзи билан қарамаслиги, хаста киз бўлса ўз қизини, ўғил бўлса ўз ўғлини, аёл бўлса ўз онасини, эркак бўлса ўз отасини, иниси, акасини кўраётгандай бўлмоғи шарт. Хастага ширин сўз хушхулқ, хушмуомала билан ёндашмоғи, унинг дардини ўзининг дарди деб билмоғи, оғриси оғриб, кулса-кулиб, йиғласа-йиғлаб, инграса инграб даволаши керак. Аммо сўкинса сўкинмаслиги, додласа додламаслиги, ёмон кўнгилга бормаслиги керак, — дебди. Ибн Синонинг узундан-узоқ сўзи подшони эритиб юборибди-ю, барибир уни қизининг ёнига қўймабди. «Балки, бу тилида шундай деяётгандир, ичида эса бошқача фикрдадир. Қизимни кўриб, кўнгли бузилиб, бошқа хаёлларга кетар», — деб ўйлабди. Киши нимадир деб ўйлашини, қандай сўз айтмоқчилигини унга қараб туриб дарров илғаб оладиган Ибн Сино унга қараб:

— Ҳа, майли, сиз айтганча бўлсин, қизингизни парданинг уёғига ётқизинг, мен бу ёғида қолай. Узокдан бўлсаям даволаш учун қўлимдан келганини қилай, — дебди. Ибн Синонинг айтганини қилиб, етти қават парда орқасидан қизни унга кўрсатишибди. Ёпиқ юзни ҳам кўра оладиган, қандай киши эканлигини биладиган Ибн Сино қизни кўрибди, юзи қандай, кўзи қандай англабди. Аммо кўнглида ёмон ҳис пайдо бўлмабди. Қизни гапга солиб нима егани, кўнгли нима тилашини, кимни кўргиси келишию кимни кўргиси келмаслиги, қайга бориб, қайда туришини, ёши, қизиқиши — ҳаммасини сўрабди. Кейин бўлди, деб подшоҳнинг олдига чиқибди.

— Шохим, — дебди унга, — қизингиз унчалик оғир касалга чалинмаган, уни даволаш йўли осон. Узок бир мамлакатдаги баланд тоғда бир хил гиёҳ ўсади. Унинг оти қорақат бўлиб, туси қора. ўзи ширин ҳам эмас. аччиқ ҳам эмас, чучмалроқ. Кишилариингиздан юбориб, ўша ўтдан олдирсангиз, мен ундан ва бошқа гиёҳлар,

ўт-алафлардан дори-дармон тайёрлайман-да, қизингизга ичираман, у киши ҳеч нима кўрмагандай соппа-соғ бўлиб кетадилар, — дебди. Подшо энг яхши кўрган саркардасини бошлиқ этиб тайинлаб, бир неча от, туя, эшакни Ибн Сино айтган жойга юборибди. Булар қирқ кун деганда айтилган жойга бориб, Ибн Сино айтган, аччиқ ҳам эмас, ширин ҳам эмас, тахир қорақант гиёҳини топиб, улар билан қоплар ва мешларни тўлдириб, йўлга чиқишибди. Бир неча кун деганда етиб келишбди. Ибн Сино қоплар билан мешларни очтирса. халиги қорақант шунча кун ичида эзила-эзила, чайқала-чайқала эриб, қоп-қора сув бўлиб кетибди. Ибн Сино уни идишларга қуйиб, ўзи олдиндан тайёрлаган гиёҳлардан солиб, дорини тайёрлабди. Энди берай деганда подшоҳ уни тўхтатибди. Ичида: «Билмадим, бу табиб нималарни дори деб бермоқчи. Балким, заҳардир. Заҳарни бериб, қизимни янада оғирлаштириб, уйда тузатаман, деб олиб кетар ё ўлдириб қўяр», деган хаёлга борибди. Тилида эса:

— Балким бу дори заҳри қотилдир. Карвонларим сен айтган гиёҳни тополмай, бошқасини олиб келгандир. Мен қаёқдан билиб ўтирибман, — дебди. Ибн Сино:

— Одатда шунақа, бемор уёқда қолиб кетиб, унинг ота-онаси, оға-иниси даъвогарлик қилади, — дебди. Кейин: — Шохим, мен нима дори тайёрласам, аввал ўзимда синайман. Шу туфайли кейинги йилларда гоҳ соғ, гоҳ касалман. Гап шундаки, дори-дармон хастага бошқача, соғ кишига бошқача таъсир кўрсатади. Хастага шифо бўлса, соғ кишини хасталикка чалинтиради. Ҳозиргина тайёрлаган дорини балки заҳри қотилдир. дедингиз. Ҳатто, қизимни оғирлаштириб, уйимда доволайман, деб олиб кетади, деб ҳам ўйладингиз. Менда ундай ҳам, бундай ҳам фикр-ўй йўқ. Фикри-зикрим, барча ҳатти-ҳаракатим хаста қизингизнинг дардига шифо топтириб, оёққа турғизишдир. Ҳа, майли, бу гал ҳам доримни ўзимда синаб кўрай-да, кейин қизингизга

бера қолай, — деб Ибн Сино ҳозиргина тайёрлаган дорисидан ичибди. Орадан бир оз вақт ўтгач, Ибн Сино шундай хохолаб кула бошлабдики, ён-атрофдагилар нима гаплигини англаб етмай, улар ҳам хо-холоша бошлашибди. Кейин ўйинга тушиб кетибди, завқ-шавқ билан қўшиқ айта бошлабди.

Бир кун ўтибди. Эртасига подшоҳ Ибн Синодан дорининг хусусиятлари ҳақида сўрабди.

— Бу дори киши руҳиятига таъсир кўрсатиб унда яхши кайфият ҳосил қилади. Яхши кайфият пайдо бўлдими, киши кулгиси, қўшиқ айтиб, ўйинга тушгиси келади. Қизингиз ўйлай-ўйлай асаб касалига дучор бўлган. Ҳеч нима демай ўйлаб ётиши, ўрнидан туролмаслиги, гапириб гапирмаслиги, иштаҳасининг йўқлиги, ҳеч кимни ёқтирмаслиги шундан. Мен тайёрлаган дори айтганимдай унинг руҳиятига таъсир қилиб, уни оёққа турғазади, — дебди-да, табиб қизга дорисидан ичирибди. Ибн Синода бўлган ҳолат қизда ҳам пайдо бўлибди, у ўрнидан туриб, кулибди, ўйинга тушиб, қўшиқ айтибди. Иштаҳаси очилиб, ота-онаси билан очилиб-сочилиб гаплаша бошлабди. Подшоҳ Ибн Синонинг ақлу донишмандлигига қойил қолиб, бошдан-оёқ зару зарбобларга ўрабди.

ЕТТИ ҚИЗ



адим-қадимларда Хоразм мамлакатада бир подшоҳ бўлган экан. Шу шоҳнинг етти иқлимга донги кетган еттита гўзал ва дилбар қизлари бор экан. Қизларнинг таърифини эшитган қўшни мамлакат подшоси уларнинг бирини хотин, бирини чўри қилиш, бошқаларини лашкарбошию вазирларига олиб бериш пайига тушибди. Туя-туяларга молу дунё орттириб, совчилар юборибди. Подшоҳ қизларини узатиш-узатмасликни билмай боши қотибди. Қизларига маслаҳат солган экан, катта қизи:

— Бизлар ўзга юртларга бормаймиз, то ўлгунча ўз юртимиз, ўз элатимиз билан бўламиз. Бизга муносиб йигитлар чиқса чиқди, тақдир қўшса тегармиз, аммо чиқмаса шундоқ ўтармизки, ўзга юртга кетмасмиз, — дебди.

Бу гапни эшитган подшоҳ қизларидан миннатдор бўлибди:

— Балли, қизим, ўғлим йўқ деб ич-ичимдан хафа бўлиб, қайғуриб юрар эдим. Сизлар ҳар қандай ўғилдан аъло экансизлар. Сизлардан шу гапни кутган эдим. Берган тузимга розиман, — дебди.

Подшоҳ совчиларни қайтариб юборибди. Совчиларнинг қуруқ қайтиб келганини кўрган қўшни подшо га-забланибди, қўшинларини йиғиб:

— Қизларини яхшилик билан бермаган бўлса, босиб бориб, юртини вайрон қиламан, халқини етти ёшдан етмиш ёшгача тифдан ўтказаман, — дебди-да, қўшин тортибди. Икки орада қаттиқ жанг бўлибди. Қизларнинг отасининг қўли паст келиб, босқинчи подшонинг қўли эса баланд келибди. Кўпчилик қурбон бўлибди... Подшоҳ ҳам босқинчилар тифдан оламдан ўтибди. Ҳамма қирилиб, еттита қиз қолибди, холос. Золим хон сарбозларидан қўрқмасдан қизлар бир неча кун мардонавор жанг қилишибди. Охири бўлмагач, худодан душманнинг қўлига тушгунча ер қаърига кириб кетишни илтижо қилишибди. Қизларнинг илтижоси худо таолога маъқул бўлиб, оллоҳ уларни ер қаърига олибди. Ёрилган ерга бирин-кетин тушиб кетаётган қизларнинг кокиллари ташқарида қолибди-да, етти туп мажнунтолга айланибди. Шу-шу золим подшоҳ дастидан харобазорга айланган бу жойда етти туп мажнунтол ўсиб турармиш. Одамлар бу жойни «Етти қиз» деб атай бошлашибди. Ҳазорасп районида «Етти қиз» деб аталган ана шу жой ҳозир ҳам бор.

САВОБ ВА ГУНОҲ



ир одам қирқ йил ўғирлик қилибди, қирқ йил зинога йўл қўйибди. Қирқ йил одам ўлдирибди. Хуллас, қилмаган ёмонлиги, йўл қўймаган гуноҳи қолмабди. Ёши бир жойга борганда: «Шунча йил гуноҳ қилдим: одам ўлдирдим, ўғирлик қилдим, зинога йўл қўйдим. Энди ёшим бор жойга етди. Ҳажга бориб, Маккаю Мадинадан гуноҳимни сўраб келай», — деб халта-хуржунига етгита нон, етти чимдим талқон солиб, йўлга чиқибди. Юриб-юриб бир чўли маликнинг устидан чиқиб қолибди. Чўлда кетаётиб нони тугабди, суви қолмабди. Шунда ҳам етти кеча-етти кундуз йўлида давом этаверибди. Бир жойга борса бир уй турган эмиш. Уйни кўриб: «Кел-е, шу уйга кирай. Бир нафас салқинлаб олай. Нон-пон бўлса тамадди қилиб, сув-пув бўлса ичиб, кейин йўлга тушай», дебди. Уйга кириб остонада донг қотиб қолибди. Сабаби уйнинг ичида бир аёл ўлиб ётган эмиш. Сийнасидан сути оқиб турган эмиш. Токчада эса бир норасида гўдак чинқириб йиғлаётган эмиш. Бир илон тилини чиқара-чиқара чирмашиб, бола томон чиқиб кетаётган эмиш. Ҳалиги одам олдинига нима қилишини билмай шошиб қолибди. Кейин ўзига келиб, илонни ушлаб ўлдирибди. Шундан сўнг болани олай деса ололмабди, қўли етмабди. Ўнг ёққа қараб, бир бурчакда рўмолга ўроғлиқ бир нарсани кўрибди. Бориб қўлига олса, рўмолга ўроғлиқ китоб — қуръони шариф эмиш. Қуръонни оёғи остига қўйиб, токчадаги болани олмоқчи бўлибди. Шунда бирдан болалигидаги ота-онасининг: «Қуръони шариф муқаддас китоб, уни бетаҳорат қўлингга олма, гуноҳга ботасан», деган панд насиҳати эсига тушиб, бу ниятидан қайтибди. Чап ёққа қараб бурчакда ётган рўмолчага ўралган бир нарсани кўрибди. Бориб қўлига олиб очса, бир даста нон эмиш. Нонни остига қўйиб токчадаги

болани олмоқчи бўлибди. Шунда бирдан болалигида ота-онаси қулоғига куйган гап, яъни «Ноннинг бир увоғи ҳам нону имон, уни исроф этма. Ерда ётган кичик увоғини кўрсанг, дарров қўлингга олиб, кўзингга суртиб қақасроқ жойга қўйки, токи паррандаларга ризқ-рўз бўлсин!» — деган панд-ўғитлари эсига тушиб, дарров бу фикридан қайтибди. Бола чинқиргандан чинқириб йиғлармиш, ҳалиги одам уни қандай қилиб олишни билолмай хайрон эмиш. Кейин: «Бор-е, таваккал», дебди-да, китобни оёғининг остига қўйиб болани токчадан олибди. Бола онасига талпиниб-талпиниб етиб бориб, унинг сийнасидан тўйиб-тўйиб эмибди. Шунда ҳалиги одамнинг ўзи бўкириб йиғлаб юборибди. «Э, худою худованда, шунчалик гуноҳим етмасмиди, яна гуноҳга ботирдинг. Ахир, қирқ йиллик ўғирлик, зинолик, одам ўлдиришлик каби гуноҳларим етмасмиди? Ахир, шу гуноҳларимни ювиш, тавба-тазарру қилиш учун ҳажга кетаётган эдим-ку?! Энди қуръони шарифни оёғим остига қўйиб баттар гуноҳга ботдим. Яхшиси менинг жонимни шу ерда ол-да, майли, дўзахнинг етти кундасида куйдира қол», деб йиғлайверибди. Шу пайт ваҳийдан: «Эй бандан осий, сен китобни оёғинг остига қўйиб, токчадаги болани олиб тўғри йўл тутдинг. Шундай қилмаганингда, бола йиқилиб ўлса гуноҳингга янада гуноҳ қўшиларди, чунки норасида гўдакни кўрабила туриб, ўлимига сабабчи бўлиш дўзахнинг етти кундасида куйишдан оғирроқдир. Оёғинг остига нонни олмай ҳам тўғри йўл тутдинг, чунки нон еб қорин тўйсагина китоб сўзлари қулоққа киради. Оч қоринга китоб сўзлари кирармиди?! Агар нонни оёғинг остига олиб, токчадаги чирқиллаб йиғлаб турган норасидани олганингда, баттар гуноҳга ботардинг. Сен норасидани қутқариб қолиб ҳам катта савоб иш қилдинг. Демакки, сенинг барча гуноҳларинг ювилди. Гуноҳдан бутунлай фориг бўлдинг. Бундан буён ҳамиша ва ҳамма жойда гуноҳга эмас, савобга қўл ур. Ҳозир эса онани ювиб-та-

раб лахатга кўй-да, болани олиб, орқанга қайтиб кетавер», — деган овоз келибди. Ҳалиги киши онани ювиб-тараб тупрокқа кўйибди-да, болани олиб ўз юртига кетибди. Умрини савоб ишларга бағишлаб, болани ҳам яхши инсон қилиб тарбиялаб, узоқ йил умр кўрибди.

ОЙ БИЛАН ШИРИН



Ширин деган қиз шундай гўзал эдики, туғилиб балоғатга етгандан сўнг ҳуснининг таърифи бутун оламга ёйилган эди. Ўша замонда дунё бўйича ой ўзини чиройли санаб, ер юзида юрар экан. Ҳамма гўзалликда тенги йўқ деб Ойни мақтар экан. Ширин балоғатга етиб, гўзаллиги кундан-кун орта боргач, одамлар Ойни мақтамай, Шириннинг ҳуснини тилда дoston қилибдилар. Бунга Ойнинг рашки келиб: «Наҳотки мен турганимда Ширинни мақтаса, Ширин билан мен ҳуснимизни ўлчашиб кўрайлик-чи, сўнгра мени ким эканимни билиб кўйсинлар», — дебди. Ширинни ўз қошига чақириб: «Сен киму мен ким? Эл оғзида сенинг ҳуснинг овозаси оламни тутаяпти. Кел, иккимиз ўзимизни тарозига солиб, тортиб кўрайлик-чи, ким чиройли бўлса, тарозидан маълум бўлади», — депти. Ширин хижолат чекиб: «Ҳуснда сиз зиё-дасиз, кўйинг, мени уялтирманг. Мен ҳусн даъвосини қилмайман,» — депти. Бунга Ойнинг жаҳли чиқиб: «Сен ҳусн даъвосини қилмасанг, гўё одамлар назарида сен мендан чиройли эмишсан. Бир тарозида тортишиб синашмасак бўлмайди», — депти. Ширинни қўярда-қўймай тарози олдига олиб борибди. Тамошага ҳалойиқ йиғилган экан. Ой мағрурланиб: «Мана Ширину мана мен, кўрар-сизлар ҳозир, ҳуснда ким ғолиб экан?» — деб ялпайиб тарозининг бир палласига чиқиб олибди. Ширин уялиб, ноилож ўнг оёғини «бисмилло» деб тарозининг бўш пал-

ласига қўйгани ҳам йўқ экан, Ой лайлак бўлиб осмонга чиқиб кетибди. Ҳижолатдан Ой қайтиб ер юзига тушолмай, шу-шу осмонда қолиб кетган экан.

ОРОЛ



Илгари вақтларда Орол денгизи бўлмаган эмиш. Сирдарё ва Амударё эса бирга қўшилиб. Лавзан, Кўхна Урганч ва Ойбўғир орқали Каспий денгизига қуйилган эмиш. Орол денгизи ўрнида раҳмсиз ва мунофиқ Фосилхон хукмронлиги остида адақ халқи, Узбой ёқасидаги музофотда эса, ўзининг донолиги ва адолатпарварлиги туфайли давлат раҳбари даражасига кўтарилган собиқ қул Аёзхон бошчилигидаги бойсун халқи яшаган эмиш.

Фосилхон даҳшатли жиноятлар қилганлиги, бир авлиё қизининг номусини булғгани учун ўша авлиёнинг қарғиши билан унинг қўл остидаги давлатни сув босади. Бу жойда Орол денгизи ҳосил бўлиб, ҳар иккала улуг дарё шу денгизга қуйила бошлайди. Дарёларнинг бирга қўшилишидан ҳосил бўлган қадимий ўзан қуриб қолади. Бойсун аҳолиси Аёзхон бошчилигида Хоразмга қўчиб келиб, бу ерда Урганч деб аталган подшоҳликни барпо қилади. Адақлар ва уларнинг ҳамма шаҳарлари эса сув остида қолиб ҳалок бўлади. Ҳозир ҳам ҳаво очиқ кунлари адақлар қурган иморатларнинг қолдиқларини Орол денгизининг тубида кўриш мумкин.

ХИЁНАТ



улдурсун бир замонлар Гулистон деб аталган экан. Бу жой ер-суви мўл, гуллаб-яшнаган, бой шаҳар экан. Шаҳарни қари бир подшоҳ сўрар, унинг Гулдурсун исмли гўзал қизи бор экан. Қунлардан бир куни шаҳарнинг бошига кулфат тушибди: саҳродан келган босқинчи қалмоқ галалари ўз йўлида учраган ҳамма нарсани босиб-янчиб, ниҳоят, шаҳарга яқинлашибди. Қалмиқлар гуллаб-яшнаган дала ва боғларни ер билан яқсон этиб, сўнг шаҳарни қамал этибди. Аҳоли шаҳарни мардонавор мудрофаа қилибди, душманнинг халқ қаршилигини енгишга кучи етмабди. Шу тариқа ойлар ўтибди, бахтга қарши янада хавфлироқ душман — очлик босқинчиларга ёрдамга келибди. Озиқ-овқат жамғармалари тугаб, одамлар кўчаларда вафот этиша бошлабди. Сафлари сийраклашиб қолган шаҳар ҳимоячилари қуролларини қўллариди зўрға ушлаб турар эканлар. Подшо шунда ўзининг амалдор ва лашкарбошилари ни маслаҳатга чақирибди. Буларнинг ичида бир одам топилиб, у сўнгги нажот чорасини синаб кўришни таклиф қилибди. Бу — жуда айёрона режа экан. Қамалдаги гулистонликлар қолган бир неча хўкиз ичидан энг семизини маҳфий йўл билан саройга келтириб, уни подшо омборидаги сўнгги буғдой билан боқишибди ва шаҳардан ташқарига чиқариб юборишибди. Фақат қамалдагилар эмас, балки қамал қилганлар ҳам очликдан азоб чекишаётган экан. Қалмоқлар бир неча ой давомида нимани ейиш мумкин бўлса, ҳаммасини битирган экан. Уларнинг қароргоҳида қамалдан воз кечиш тўғрисида гап-сўзлар бошланибди. Оч қалмоқлар хўкизини тутиб олиб сўйишибди, шунда улар хўкизнинг ошқозони сара буғдойга тўла эклигини кўриб, саросимага тушибди. «Агар улар молни шунчалик боқса, ғамлаган озиқ-овқатни беҳисоб экан-да?» деб бақиршибди жангчилар. —

Қамал қилишдан фойда йўқ, шаҳарни олиб бўлмайди. очликдан қирилиб кетмасдан жўнаб қолайлик».

Қалмоқларнинг лашкарбошилари ҳам шу фикрга келишиб, қайтишга ҳозирлик кўра бошлашибди. Бироқ подшоҳнинг қизи Гулдурсуннинг хаёли бошқа нарсада экан. У узоқ ойлар давомида қалмоқларнинг мард, паҳлавон, ёш ва ҳушқомат лашкарбошиси — қалмоқ подшосининг ўғлини девордан кузатиб юрар экан. Қизнинг қалбида халқнинг душманлари йўлбошчисига нисбатан чексиз эҳтирос аланга олибди. Қиз қамалдагиларнинг ҳийласи иш берганини, юк ортилган туяларнинг бўкира бошлагани, қалмоқларнинг ўтовлари бирин-кетин йўқолаётганини кўриб, бир неча соатдан кейин уларнинг бу ерда қолмаслигига, улар билан бирга гўзал шаҳзода ҳам абадий кетишига кўзи етгач, инсон номига номуносиб иш тутибди: ўзининг канизагидан қалмоқ баҳодирига хат бериб юборибди. Хатда қиз йигитга бўлган муҳаббатини изҳор қилиб, гулистонликларнинг сирини очиб берибди. «Яна бир кун кут, — деб ёзибди у, — шаҳарнинг таслим бўлишини ўзинг кўрасан».

Қалмоқлар туялардан юқларини туширишибди, тунда қароргоҳда яна сон-саноксиз гулханлар ёнибди.

Шаҳар таланиб ёндирилибди, аҳолининг бир қисми қириб ташланибди, қолганларини эса қул қилиб олиб кетишибди. Сотқин Гулдурсунни олдига келтиришибди. Шаҳзода унга қараб шундай дебди: «Ватанинг душманига бўлган номуносиб эҳтироси туфайли халқига ва ўз отасига хиёнат қилган экан, яна бошқа биров унинг хирсини уйғотса, менга вафо қилармиди? Уни ёввойи айғирларнинг думига боғланг, токи бундан кейин ҳеч кимга хиёнат қилолмасин».

От думига боғланган Гулдурсуннинг танаси парча-парча бўлиб, чўлу биёбонларда қолиб кетибди. Хон қизининг лаънати қони тўкилган бу ер харобага айланиб, энди Гулистон эмас, Гулдурсун деб атала бошлабди.

МАНГУ ҲАЁТ БУЛОҒИ

(Сўнги сўз ўрнида)

Ҳозирги давр оламини ўрганиш, билиш жараёнидаги улкан тараққиёт билан алоҳида хусусият касб этади. Инсон микродунё жумбоқларни ечмоқда, олис коинот сарҳадларига йўл олмоқда, ҳаёт ва самовотнинг келиб чиқиши билан боғлиқ ўта мураккаб муаммоларнинг тағига етмоқда. Тадқиқотчилар томонидан илму фаннинг янгидан-янги чўққилари забт этилар, табитнинг янгидан-янги сир-асрорлари кашф этилар экан, одамзод бир дақиқа тўхтаб, бу абадий олга юришнинг илдилари ҳақида кўпроқ ўй суришга интилади. Олам қонуниятлари ва сирларини илк бор билишга уринган ва номлари тарих саҳифаларидан ўчиб кетган олис ўтмиш тафаккур эгалари кимлар ўзи? Уларнинг эътиборини биринчи навбатда қайси муаммолар жалб этган? Бу муаммоларни ҳал қилишда улар қайси йўللардан боришган?

Маълум маънода мазкур саволларга жавоб топишнинг энг қулай йўли, бизнингча, аксарият халқларда узоқ ўтмишдан маънавий мерос бўлиб келаётган асотирлар (мифлар) ва ривоятларга мурожаат қилиш, уларнинг негизида ётган оламнинг илк тараққиёт жараёнлари билан боғлиқ тасавурларини жиддийроқ тадқиқот этишидир.

Бинобарин, фақат асотирлар ва ривоятларгина эмас, балки фольклор асарлари, умуман, халқ оғзаки ижодиёти ҳам бизни ҳозир қизиқтираётган муаммоларни тадқиқ этишда жуда қимматли материал бўлиши мумкин. Даврлар ўтиши билан одамларнинг олам пайдо бўлиши ҳақидаги космологик тасавурлари ўзгара борган. Айни вақтда қадимда муқаддас деб билинган нарсалар юз йиллар ўтиши билан исзис йўқолиб кетмаган, аксинча, улар фольклор асарларида, шу жумладан асотирлар ва ривоятларда, халқнинг анъанавий урф-одатлари, маросимлари ва удумларида асрлар оша сақланиб қолаверган.

Асотир инсон тафаккурининг мустақил шакли сифатида жуда қадимда, дин пайдо бўлган даврлардан анча илгари юзага келган. У инсоният маданиятининг буюк чўққиларидан бири, маълум маънода илоҳиёт билан боғлиқ жанрдир. Асотир дин, идеология, фан пайдо

бўлганидан кейин ҳам ўз мавқеини йўқотмади. Бинобарин, фалсафий адабиётда одамзод юқорига тафаккур шаклларидан иборат погоналар орқали кўтарилди, у ўз хизмат муддатини ўтаб бўлган кўҳна ҳаётини тасаввурлари, дунёқарашларидан буткул воз кечади, деган фикр ҳукмронлик қилар ва бунга мисол тарикасида мифология, мистика ва дин кўрсатилар эди. Гўё инсоннинг ҳозирги маънавий пайғамбари фан ҳамда борлиқни ўзлаштиришнинг рационал усулларидир. Қолган нарсаларнинг бари асрларнинг тўфонли қатламларида исиз йўқолиб кетаверади.

Лекин бу ўта янглиш фикр эди. Башарият маданияти дурдоналаридан ҳеч нарса йўқ бўлиб кетмайди. Инсоннинг маънавий талаблари ва унинг ҳаётидаги анъанавий удумлар юзага келтирган бу маънавий меросимиз баъзан ҳозирги кунимиз жабҳаларидаги ҳаётини жараёнларга шу қадар ҳамоҳанглик касб этадики, олис аждодларимизнинг келажакни олдиндан ҳўра билишдек донишмандликларига қайта-қайта таҳсин ўқийсан, киши.

Дунёнинг пайдо бўлиши ва одамзоднинг ўтмиш ҳаёти билан боғлиқ асотирларни тўплаш ва илмий тадқиқ этишнинг зарурати борми ва бу муаммонинг илмий аҳамияти нимада? Бу саволларга жавоб берарканмиз, биринчидан, асотирлар ва ривоятлар ўтмиш одамларининг инсон, ҳаёт ва борлиқ ҳақидаги тасаввурлари сифатида қадимги маънавий маданиятимизнинг узвий бир қисми эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Иккинчидан, оламнинг умумлашган образини яратишга интиларкан, одамзод ўз билим доирасидан ташқаридаги нарсалар, воқеа-ҳодисаларга изоҳ бериш мақсадидагина фантазия қилмайди. Улар олам ва коинотни ўзлари қандай бўлсалар, шундай савия ва даражада тасаввур этишган. Шунинг учун ҳам биз асотирларни чуқурроқ ўрганарканмиз, уларнинг ижодкорларининг ҳам ички дунёсини тўлароқ англаш йўлида олға жиламиз.

Булардан ташқари олис ўтмиш даврларида яшаган одамларнинг қадимий дунёқарашлари билан танишиш одамзоднинг ўз олдида қўндаланг турган мангу саволларга жавоб топиш мақсадида босиб ўтган узок ва мураккаб йўлини тўлароқ идрок этишимизга имкон беради. Ўтмиш аждодларимизнинг асотирлар ва ривоятларнинг тўқималарига сингдирилган ғоялари ва тасаввурлари жўн ва соддалигига қарамай, чуқур мазмунга эгадир.

Маълумки, ўзбек халқ асотирлари халқ оғзаки ижодининг алоҳида мустикал жанри сифатида ўз вақтида ёзиб олинмаган ва деярли сақланиб қолмаган. Уларнинг баъзилари сеҳрли-фантастик эртақлар, афсоналар, дostonлар таркибида мавжудлиги тўфайлигина бизнинг кунларимизгача етиб келган. Асотирлардан фарқли ўларок ривоятларнинг бу масалада «омади» юришганрок. Ривоят ва афсоналар нафақат ўзбек фольклоршунослари, балки рус ва чет эл олимлари томонидан ҳам қўплаб ёзиб олинган, чоп этилган, янгидан-янгилари нашрга тайёрланмоқда. Асосийси, беқиёс маънавий меросимиз бўлмиш эски

Ўзбек тилидаги қадимий қўлёзмалар, ўтган асрларда тош босма усулида араб имлосида босилган кўҳна китобларда ривоят, нақл. афсоналарнинг сон-саногини йўқки, нашриётларимиз олдида турган бугунги куннинг энг долзарб вазифаси — уларни кетма-кет чоп этиб, яна халқимизга қайтариб беришдир. Яқин ўтмишимизда ноҳақ «қув-гин»га учраган, ёндирилган, «диний-мистик» деб тамға босилган бу нодир қўлёзма ва китоблар айрим давлат архивлари, баъзи олимлар ва китобсеварларнинг шахсий архивларида жуда оз нусхада сақланиб қолганлиги ҳам бизни бу масалада фаоллик кўрсатишга даъват этади.

Шуни тан олишимиз керакки, асотирлар ва ривоятлар бизнинг кундалик ҳаётимизга ва онгимизга азалдан сингиб кетган. Улар инсон табиатининг доимий ҳамроҳи бўлиб, ҳозирги даврда ҳам янги-янги шаклларда намоён бўлмоқда. Бу ерда биз асотирлар икки турга: қадимги замон классик асотирлари ва ҳозирги даврда тўқилаётган ижтимоий асотирларга бўлинишини эслатиб ўтишимиз керак. Ижтимоий асотирлар классик асотирлардан шу билан фарқланадики, уларнинг замирида яқин истиқболда ёки умуман амалга ошмайдиган ёлғон-яшиқ ва кўзбўямачиликлар ётиши ҳам мумкин. Масалан, бир вақтлар Н. С. Хрущев томонидан тўқилган «Биз йигирма йилдан кейин коммунизмда яшашимиз мумкин», деган асотир ўз даврида катта-катта олимлар, сиёсий арбоблар ва жамоатчилик томонидан гўё ҳақиқатдай қабул қилинган эди. Бинобарин, ҳаёт унинг оддий уйдирма ва хомхаёлдан бошқа нарса эмаслигини кўрсатди. Ёки доно, қаттиқ қўл, аммо адлатли подшо тахтга ўтирсагина халқ бахтиёр ва фаровон яшаши мумкинлиги ҳақидаги асотир ҳам шу қабилдаги уйдирмалардандир.

«Қора кучлар»нинг йирик уюшмасига қарши бир ўзи курашувчи яккаҳон қаҳрамонлар ҳақидаги асотирлар ўтмишда ҳам кўп яратилган, ҳозирги кунда ҳам бот-бот пайдо бўлиб турибди. Бундай қаҳрамонлар, айтайлик, машҳур терговчи ёки изқувар, гўё мафия билан алоқаси бор энг юқори поғона раҳбарларга қарши «ўт» очишади. Жамоатчилик, оломон психологиясидан усталик билан фойдаланувчи бундай одамлар ўзларини халқ манфаати йўлида азоб-уқубат чекувчи, жафокаш қилиб кўрсатиш учун ҳар қандай қабих найранглардан ҳам тойинишмайди. Уларнинг асосий маслағи халққа қарата: «Биз сизлар билан биргамиз, сизлар еган овқатни еб, сизлар юрган трамвайларда юрамиз. Лекин анави бошликлар...» — дея ваъзхонлик қилишдан нарига ўтмайди.

Ҳаётда ҳамма нарса тенглаштирилса, ҳамма иқтидори, қобилияти ва меҳнатидан қатъи назар бир хил турмуш шароити билан таъминланса, жами имтиёзлар бекор қилинса, биз яхшироқ яшаймиз, деган ижтимоий асотир бугунги қайта қуриш даврида ҳам бот-бот қайта туғилаётгани, тарих кашшоқликдаги бу тенгликнинг таги пуч эканлигини кўрсатди.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керакки, бу қабилдаги ижтимоий асотирлар омманинг онгини захарлаши, ҳатто реал воқеа-лиқда турли талофотларни юзага келтириши мумкин. Айниқса, бизнинг фожеали, инқирозга юз тутга бошлаган воқеалигимизда...

Ҳозирги замонда яратилаётган ижтимоий асотирлардан фарқли ўлароқ ўтмишда бунёд этилган классик асотирлар ва ривоятларда ҳаёт ва адабиёт олдида турган абадий муаммолар: эзгулик ва ёвузлик, адолат ва разолат, нур ва зулмат ўртасидаги кураш, бу курашда эзгулик ва инсонийлик тантанаси ҳақида мароқли хикоя қилинади. Шундай кўҳна асотирлар ва ривоятлар борки, уларда бугунги кун нафаси райҳон ҳидидай уфуриб туради, шу кеча-қундузда кечаётган воқеа-ҳодисалар худди ойнаи-жаҳондагидай ўз аксини тошган бўлади. Бу дастур уларнинг ҳали-ҳануз нақадар ҳаётийлигини кўрсатади, албатта. Чунончи, қўлингиздаги китобдан жой олган Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқарога бағишланган ривоятларнинг бирида подшо улуг ўзбек шоирига юртда жиноятчи ва ўғрилар ҳаддан зиёд кўпайиб кетгани, уларга қарши бирор чора-тадбир ўйлаб топиш зарурлиги ҳақида нолийди ва маслаҳат сўрайди. Навоий ўз навбатида устози ва пирининг ўғитини олгач, Ҳусайн Бойқарога: «Шундай бир фармон битмоқ керакки, ҳамма шодлик қушларини ҳам, нохуш қушларини ҳам қабристонда ўтказсин,» — деб маслаҳат беради. Мозорга борган киши уни супуриб-сидиради, гул экади, тоат-ибодат қилади. Бир кунмас-бир кун шу ерга келиши ҳақида ўйга толиб, инсофга келади, яхшилик йўлини тутлади. Шоҳ шундай фармон бергач, ўғрилар ва қарқочилар ҳам қабристонга бориб, хулқ-атворларини ўзгартира бошлашади. Юртда жиноят ва ўғрилик кескин камаяди.

Кўриниб турибдики, бу ерда гап худди бизнинг айни ҳозирги кунларимиз ҳақида бораётгандай. Ибн Сино, Бобур, Розий каби буюк аждодларимиз ҳаётдан олиб ёзилган асотир ва ривоятларда юқоридагидай ҳам ўтмиш, ҳам замонамиз учун долзарб муаммолар кўтарилганининг гувоҳи бўламиз.

«Донишманд чумоли» деб номланган асотирда Сулаймон пайғамбар ва чумолилар подшоши ўртасидаги мунозара орқали халқимиз бойлик ва фақирлик, ҳавоий шон-шухрат ва инсоннинг чинакам улуглиги ҳақидаги ўз фалсафий қарашларини илгари суради.

«Чортоғ», «Янгиқўрғон», «Чўли Малик», «Сўфи қишлоқ» сингари қатор асотир ва ривоятларда тарихий жойлар, мавзе ва қишлоқлар тарихи, уларнинг номи билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар тилга олинади. Мухими шундаки, бу ривоятлардаги жойларнинг номи маънавий жиҳатдан ибратли, у ёки бу дидактик сюжет востасида изоҳланади.

Турли қушлар, ҳайвонлар ва жонзодларга бағишланган асотир ва ривоятларда биз ўтмиш аждодларимизнинг табиат, ҳайвонот ва набобот олами билан нақадар гуманистик муносабатда бўлгани, уларни нақадар авайлаб-асраганининг гувоҳи бўламиз.

Қуёш, ой, юлдузлар билан боғлиқ асотирлар космологияга бағишлангандир. «Ой билан Юлдуз» номли асотирда бу икки осмон жинси бир-бирини севиб қолади. Лекин Қуёшга бу ёқмайди. У қатъий туриб уларнинг севгисига монелик кўрсатади. Ой ва Юлдуз севгиларига содиқ қолавергач, Қуёш уларга хуруж қилади. Юлдуз қочиб қолади, қочаолмаган Ойнинг юзини Қуёш тимдалаб олади. «Юлдузнинг учishi. Ойнинг юзида доғи борлиги ана шундан эмиш». Қўраяпмизки, бу ерда чинакам севги ва вафодорлик удуғланса, юлдуз учishi. ойнинг юзида доғи борлиги сингари космологик ҳодисаларга изох беришга интилинади. «Етти қароқчи ҳақидаги ривоят» ҳам осмонда юлдузларнинг жойлашиши ва ўзаро худди одамлардек муносабатда бўлишлари хусусида гап юритилиши билан эътиборга молик. Албатта, ўтмиш аждодларимизнинг олам ва коинот ҳақидаги тасаввурлари анча содда ва юзаки эди. Лекин шунга қарамай, улар ўзлари қолдирган ёзма ёки оғзаки ижод намуналарида қуёш, ер, юлдузлар, умуман, самовот ҳақида худди жонли мавжудодлардай гап юритишадикки, шунинг ўзи ҳам таҳсинга лойиқ. Зеро ҳозирги замон космология фани (коинотнинг пайдо бўлиши ҳақидаги фан), олам ва коинот яхлит ва жонлидир, деган хулосага келаётганлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, олис ўтмишимизда яратилган ва асрлар оша сайқал тониб бизгача етиб келган асотирлар ва ривоятлар ҳам худди эртақ, дoston ва қўшиқлар сингари халқимизнинг бой маданий меросининг ажойиб ва ёрқин намуналаридир. Халқ оғзаки ва ёзма ижодининг бу ўлмас намуналари халқимиз қалбидаги эзгу орзу-умидлар, армонлар, қувончлар, ташвишлар, эҳтирослар ва ғам-қайғуларга бағишланганлиги билан ҳам ҳар бир даврга ҳамнафас яшайверади, мангу ҳаёт булоғи сифатида ҳеч қачон ўз ҳаётбахшлиги ва актуаллигини йўқотмайди.

Малик МУРОДОВ.
Муҳаррам ШАЙХОВА

М У Н Д А Р И Ж А ¹

Ит	3
Пари	3
Кун билан Тун	4
Ой билан Кун	4
Шоҳ васияти	7
Нон сеҳри	8
Доира	9
Лукмони Ҳаким	10
Ўш ҳақида афсона	11
Андижон ҳақида афсона	12
Абдусаттор саис	13
Ибн Сино шогирдлари	16
Сукутнинг хосияти	17
Шоҳнинг саволи	18
Ҳамроҳлар	19
Турклар тарихидан	21
Чумолининг совғаси	22
Донишманд чумоли	23
Искандарнинг ҳукми	24
Хиёл	26
Ипак курти	27
Илон захри	27
Қасос	28
Бойўғли	30
Булбул билан тўрғай	31
Зиёратгоҳ	31
Ит ҳақида	32
Ҳайдар	33
Ажина	33
Бола ва фаришта	34
Ой ва Юлдуз	34
Чўпон севгиси	35
Ибн Сино ва шоҳ	37

Гўдак хотираси	38
Дукмони Ҳаким ҳақида	40
Тил қудрати	41
Чош тепа	42
Сулаймон Алайҳиссалом	43
Оймома билан Зумрад	44
Етти қароқчи ҳақида ривоят	48
Илон заҳри	49
Короскон	51
Қиз ва мулла Воҳид	52
Чўли Малик	55
Ҳожи Ёдгорнинг китоби	57
Ошиқ-маъшуктоши	59
Илон сузгон	61
Даққи Юнус	61
Ҳазораси	62
Искандарнинг шоҳи	62
Навойнинг дўсти	63
Устоз ўғити	64
Сўфи қишлоқ	67
Чортоғ	68
Янгикўрган	70
Ота васияти	73
Минора	74
Туш таъбири	76
Баҳши жасорати	78
Қалдирғоч ҳиммати	81
Райҳон билан шабада	82
Ҳассамусо	84
Қайтар дунё	85
Ҳиротнинг султони	86
Фарҳодтоғ ва Ширинсой	87
Ҳазо	88
Сўнгги пушаймон	89
Дўмбира	90
Кўшиқ сеҳри	90
Бобур ва қабутар	92
Боғи Бобурий	93
Тилдан қолган хон	96
Ибн Сино билан илон	98
Ибн Сино билан гиёҳлар	100
Ибн Сино ва китоблар	102
Қозининг найрағи	106
Заҳри қотил	109
Етти қиз	112
Савоб ва гуноҳ	114

Ой билан Ширин	116
Орол	117
Хиёнат	118
М. Муродов, М. Шайхова. Мангу ҳаёт булоғи	121

¹ Китобга кирган асотирлар ва ривоятлар М. Ризаев, Тожиҳон опа, У. Ҳасанов, М. Зиёдулла ўғли, Б. Худойберган кизи, М. Оллоберганов, Қодир бахши, Эшмурод бахши, Х. Умаров, Аҳмадали ота, Н. Қурбонназаров, С. Қорабоев, А. Сапаров, И. Қодиров, А. Аҳмедов, К. Аҳмад ўғли, Бозорбой, Б. Саидмурод Паноҳ ўғли, Т. Бобохонов, Юсуф бахши, Н. Абдуллаев, А. Раҳимов, Й. Зокиров, А. Ҳаққул ўғли, В. Зиёдов, Т. Бобохонов, А. Каримовлар томонидан айтилиб, уларни профессор Малик Муродов ёзиб олган, шунингдек, айрим асотир ва ривоятлар К. Имомов, М. Шайхзода, С. Толстовнинг китоблари ва «Ўзбек совет қомуси»дан, айримлари эса, В. Муродов ва С. Умаров тўплаган материаллардан олинди. (Ред.).

АБАДИЙ БАДИЙ НАШР

ЛИТЕРАТУРНО-ХУДОЖЕСТВЕННОЕ ИЗДАНИЕ

НА УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

УЗБЕКСКИЕ МИФЫ И ЛЕГЕНДЫ

1-книга

Мухаррир ШАВКАТ ТУРОБ
Мусаввир З. АЗАМАТОВ
Расмлар мухаррири Р. ЗУФАРОВ
Техник мухаррир Ж. НАДИРОВА
Мусаххих С. САЙДОЛИМОВ

ИБ № 2741

Босмахонага берилди 25.05.90. Босишга рухсат этилди 21.08.90. Формати 70×108¹/ 32. № 1 босма қоғозига «Таймс» гарнитурда офсет босма усулида босилди. Босма листи 4.0. Шартли босма листи 5.60. Нашр листи 5.21. Шартли қр. огт. 5.95. Тиражи 105.000. Буюртма 3454. Бахоси 90 т. Шартнома 50—90.

Ўзбекистон ЛКЎИ Марказий Қўмитаси «Ёш гвардия» нашриёти. Тошкент 700113. Чилонзор даҳаси, 8-мавзе. Қатортол кўчаси. 60.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётинини Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси Тошкент «Правда» газетаси кўчаси. 41.